

МУҚАДДАС ҲОШИМОВА

**СУРГУН ҚИЛИНГАН КАВКАЗ ХАЛҚЛАРИ МАРКАЗИЙ
ОСИЁДА
(XX АСРНИНГ 40-50 ЙИЛЛАРИ)**

Тошкент 2012

ББК 81.2 (3Ўзб)

Ҳ-30

УДК 172.2.10

Ҳошимова, М. Сургун қилинган Кавказ халқлари Марказий Осиёда
(XX асрнинг 40-50 йиллари) Т: Наврўз нашриёти ДУК. 2012.-132 б

ББК 81.2 (3Ўзб)

Ҳ-30

УДК 172.2.10

Ушбу монографияда иккинчи жаҳон уруши йилларида сталинча тоталитар сиёсат натижасида ўз юртларидан бадарға қилиниб, Марказий Осиё республикаларига келтирилган Кавказ халқларининг тарихи ёритилади.

Монографияда илк бор илмий муомилага киритилган архив ҳужжатлари маълумотлари ўрганилиб, таҳлил қилинади. Тадқиқотда Марказий Осиё республикаларига келтирилган Кавказ халқларининг жойлаштирилиши, уларнинг ҳуқуқий ва моддий аҳволи, иш билан таъминланиши, меҳнат фаолиятлари, маҳаллий аҳоли билан бўлган муносабатлари ва бошқа депортация жараёни билан боғлиқ муаммолар ёритилган.

Мазкур китоб тарих билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир:

Тарих фанлари доктори, профессор Ш.С.Ғаффоров

Такризчилар:

Тарих фанлари доктори А. Аҳмедов

Тарих фанлари доктори, профессор М.Ж. Жўрақулов

№ 2018

ISBN 978-9943-381-31-5

© М. Ҳошимова

© Наврўз нашриёти ДУК

*Устозим Шодмонкул Пиримкуловнинг
ёрқин хотирасига бағишлайман.*

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, барча ижтимоий-гуманитар фанлар каби, тарих фанининг ҳам муаммоларига муносабат ўзгарди. 70 йилдан ортиқ вақт давом этган совет тузуми шароитида муҳим, мураккаб тарихий муаммолар устида эркин фикрлашга, тарихнинг ҳолисона ўрганилишига йўл қўйилмади. Тарихга янгича ёндашиш – тарихни чуқур, ҳолисона ўрганиш, тадқиқот натижаларини давримизнинг долзарб муаммолари билан боғлаб ривожлантириш, кишиларнинг янги дунёқарашини шакллантиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.” - деган назарий қоида илгари сурди¹.

Мустақиллик туфайли демократия йўлидан ривожланаётган юртимизда тарихий манбаларга таянган ҳолда, тарихий воқеликни бўяб кўрсатмасдан, ўз кўринишида ёритиш, уни ҳолис тадқиқ этишга шароит яратилди.

Ҳозирги даврга келиб тоталитар тузум, унинг қурбонлари, иллатлари, ёвузликлари натижасида бутун бир халқларнинг сургун, яъни депортация қилиниши ҳақидаги мавзулар тарихнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланмоқда. Ваҳоланки, депортация-сургун қилинган халқларнинг тақдири, ҳаёти, тарихи ҳам ўлка ва жаҳон тарихида маълум из қолдирганлиги ҳақиқат. Оммавий депортация жараёнини бошидан кечирган халқларнинг умумий тарихида бу давр ўзига хос маънога эга, унинг маълум таъсирлари бугунги кундаги муайян сиёсий низоларни ҳам озиқлантирмоқда.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқи. - Т.: Шарқ. 1998. Б.5

Маълумки, Шимолий Кавказ бугун дунёнинг нотинч минтақларидан бири бўлиб, у кўп жихатдан халқаро муаммо даражасига кўтарилган ва умумжаҳон эътиборида турган масалалардан бири сифатида тилга олинмоқда. Шу боис ҳозирги кун низоларининг туб моҳиятини англаш, Шимолий Кавказдаги сиёсий беқарорликнинг сабабларидан бирини изоҳлаш учун ҳам депортация воқелигига мурожаат этиш зарурияти сезилишини таъкидлаш лозим.

XX асрнинг 30-40 йилларидаги оммавий репрессиялар ва “жазоланган” халқларни мажбурий кўчириш сиёсати ҳам сталинча тоталитар тузумнинг таркибий қисми эди.

Ўтган асрнинг 30-40 йилларидаги мажбурий кўчирилишга 3011108 та турли миллат вакиллари маҳкум этилиб, улар орасида бутун бир халқлар: ингушлар, чеченлар, немислар, қалмиқлар, болқорлар ва бошқалар бор эди. Улардан 215 242 киши кўчирилиш жойларига мустақил равишда, яъни махсус эшелонларсиз етиб келганлар. Умумий ҳисобда кўчирилганлар сони 3 266 340 кишини ташкил этган².

Ушбу монографияда кўчирилган халқларнинг янги жойлардаги аҳволи ва мажбурий кўчирилишнинг оқибатлари Қозоғистон Республикаси мисолида илк бор кенг, илмий равишда ёритиб берилди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мавзу асосан Қозоғистон Республикаси мисолида ёритилди. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, Кавказ халқлари асосий қисмининг Қозоғистон Республикасига жойлаштирилганлиги бўлиб, бу ерда уларнинг сони ярим миллионга яқин эди. Ўзбекистон Республикасига асосан, қрим татарлари, корейслар ва бошқалар жойлаштирилиб, республикамизга кўчирилган Шимолий Кавказ халқларининг сони фақатгина бир неча юз кишини ташкил этган холос. Уларга тааллуқли бўлган архив ҳужжатлари ҳам бизнинг давримизгача тўлиқ етиб келмаган. Муаллиф томонидан Кавказ халқларидан бўлган месхети туркларининг Ўзбекистон Республикасидаги сони, уларнинг

² Бугай Н. Ф. К вопросу о депортации народов СССР в 30-40-х годах. // История СССР. 1989. № 6. С.135

жойлаштирилиши ва бошқа масалалар имкон доирасида ёритиб берилди.

XX асрнинг 30-40-йилларида халқларнинг мажбуран кўчирилиш мавзуси билан боғлиқ муаммолар узоқ йиллар давомида монография даражасида деярли ўрганилмаган. Бу борада айрим кузатишлар олиб борилган бўлса-да, улар ёпиқ характерда бўлиб, бу ишларни асосан собиқ СССР НКВДси (Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги), қисман Кавказ халқларини мажбуран кўчирилиши билан боғлиқ бўлган Иттифоқ Республикалари ва бошқа собиқ СССР минтақаларидаги давлат миллий сиёсатини амалга оширувчи мутахассислар амалга оширишган.

Халқларнинг мажбурий депортация қилиниши мавзусида изланишлар олиб борган тарихчилар эса “олий даражали” танқид остида олинган. Шундай олимлардан бири А.М.Некрич биринчилардан бўлиб, 40-йилларда СССР халқларининг депортацияси мавзусида изланиш олиб бориб, “1941 йил 22 июнь” номли китобини нашр (1965 йилда) этгани учун партия сафидан ўчирилади, сўнгра мамлакатдан бадарға қилинади. У 1976 йилдан Ҳарвард университети қошидаги Рус Марказида ишлайди. У ўзининг 1978 йил АҚШ да нашр этган “Жазоланган халқлар” китобида биринчи бўлиб собиқ совет тарихшунослигида Кавказ халқларининг депортация қилиниши ҳақидаги фожеали мавзуни ёритган эди³.

XX асрнинг 80-йилларига келиб, депортация қилинган халқлар муаммоси бўйича кўплаб олимлар шуғуллана бошладилар. Н.Ф.Бугайнинг “История СССР” журналида чоп этилган мақоласи 80-90 йилларда бу муаммо бўйича нашр қилинган биринчи мақола ҳисобланади. Шимолий Кавказдан депортация қилинган халқлар муаммосининг турли жиҳатлари Н.Ф.Бугайнинг қатор мақолаларида ҳам ўз аксини топган⁴.

³ Некрич А.М. Наказанные народы. - Нью-Йорк: Хроника. 1978.- 170 с.

⁴ Бугай Н.Ф. К вопросу о депортации народов СССР в 30-40-х годах.// История СССР. 1989.№6. С.135-144.; Правда о депортации чеченского и ингушского народов.// Вопросы истории. 1990.№7.С.32-44.; 40-50- годы: Последствия депортации народов (Свидетельствуют архивы НКВД-МВД СССР). // История СССР. 1992. №1.С.122-143; 20-40-е годы: Депортация населения с территории европейской России. // Отчественная история. 1992. №4.С.37-47.

XX асрнинг 90-йилларига келиб катагон қилинган халқлар тўғрисида собиқ СССР ҳукумати томонидан турли қарорлар қабул қилинди. Натижада Кавказ билан боғлиқ бўлган масалаларни, бу халқларнинг кўчирилиши муаммоларини янада чуқурроқ ва диққат билан ўрганишга имкон яратилди. Бу вақтга келиб В.Н.Земсков⁵, Э.Х.Панеш, Л.Б.Ермолов⁶, М.Усманов⁷, С.Гитлин⁸, А.Автарханов⁹ ва бошқаларнинг мақолалари, дастлабки монографик изланишлар, илмий адабиётлар чоп этилди¹⁰.

Шимолий Кавказ халқларининг депортацияси мавзуси бўйича қатор илмий анжуманлар ўтказилди. 1998 йил октябр ойи Парижда курдлар тарихи бўйича ўтказилган халқаро конференцияда, 1990 йил 25 июль Швецияда, 1995 йил 27-30 сентябрда Москвада ўтказилган илмий анжуманларда ҳам Шимолий Кавказ халқларининг кўчирилиши борасидаги муаммолар кўриб чиқилди. Шунингдек, 1995 йил март ойида “СССР ва Германиядаги лагерлар, халқларни кўчириш, депортация ва оммавий қотилликлар тарихидан (1933-1945 йиллар)” мавзуси бўйича Германияда ўтказилган халқаро анжуман Германия, АҚШ, Англия, Австралия, Япония, Жанубий Корея, Италия олимларининг бу мавзуда кўпгина илмий изланишлар олиб борганлиги¹¹, собиқ СССР халқларини депортация қилиш муаммоси хорижий мамлакат олимларини ҳам бефарқ қолдирмаганидан гувоҳлик беради.

⁵ Земсков В.Н. Заключение, спецпоселенцы, ссылопоселенцы, ссыльные и высланные.// История СССР. 1991. №5. С.151-164.

⁶ Панеш Э.Х., Ермолов Л.Б. Месхетинские турки.// Вопросы истории.1991. №9-10.С.212-216.

⁷ Усманов М. Депортация.// Литературный Киргизстан. 1989.№2.С.96-105.

⁸ Гитлин С. Крымские татары в Узбекистане. События и проблемы.// Центральная Азия и Кавказ. 1992. №3(4). С.125-132.

⁹ Автарханов А. (Уралов А). Убийство чечено-ингушского народа. Народо убийство в СССР. - М.: Вся Москва. 1991. - 80 с.

¹⁰ Полян П. Не по свое воле...История и география принудительных миграций в СССР. - М.: О.Г.И. - мемориал. 2001. - 326 с; Бугай Н.Ф., Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах (20-60-е годы). - М.: Инсан. 1998.- 365 с.; Репрессированные народы России: чеченцы и ингуши. - М.: 1994. - 260 с.; Так это было. Национальные репрессии в СССР. 1919-1952 годы. В 3-х томах.- М.: Инсан. 1993. Т.I - 336 с.; Т.II - 335 с.; Т.III - 351с.;

¹¹ Songmoo Kho. Koreans in Soviet Central Asia.- Helsinki. 1987.P.162; V. Stanley Vardys. The Case of the Crimean Tatars. // “The Russian Review”, vol.30, №2, 1971. pp. 101-110.; Chantal Lemercier – Quelquejay, The Tatars of the Crimea: A Retrospective Summary.- CAR//1968. vol. XVI. №1.pp.15-25.; Editor’s Note – Nationalities and Nationalism in the USSR, //“Problems of Communism”, Wash, Sept.-Oct.. 1977. vol.XVI. №5.p.I.

Қайд этилганидек, Кавказ халқларининг асосий қисми Қозоғистон республикасига сургун қилинган эди. Сургун қилинган халқларнинг фожиаи тақдири ушбу республика олимлари: З.Чумакова¹², Л.Михеева¹³, У.Амантев¹⁴, Л.К.Шотбаков¹⁵ ларнинг қатор илмий мақолалари ва бошқа тадқиқотларда ўрганилган¹⁶.

Ўзбекистонга сургун қилинган халқлар тарихи бўйича Ўзбекистон тарихчиларидан Ш.Д.Пиримқулов¹⁷, А.Раҳмонкулова¹⁸лар самарали изланишлар олиб боришмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, шу вақтга қадар Кавказ халқларининг сургун қилиниши мавзусига бағишланган илмий ишларда асосий эътибор халқларнинг кўчирилиш сабаблари, сургун жараёнларига қаратилган эди. Аммо халқларнинг кўчирилган жойлардаги, яъни Марказий Осиё республикаларидаги тақдири, ижтимоий ҳаёти, уларга бўлган муносабатлар жуда ҳам кам ўрганилган.

Кавказ халқлари асосий қисмининг кўчирилиши айнан 1944 йилда бошланган. Сотқинликда айбланган халқларни кўчириш қисқа муддатда шафқатсизлик билан амалга оширилади.

Кавказ халқларининг асосий қисми Қозоғистон Республикасига кўчирилади. Сталин вафотидан сўнг, яъни 1953 йилдан бошлаб махсус кўчириб келтирилган халқларга нисбатан давлат сиёсати ўзгарди. 1957 йилда қабул қилинган

¹² Чумакова З. Изгой общества или без вины виноватые. // Вайнахский вестник. 1994. 24 февраля. С.3-4.

¹³ Михеева Л.В. Архивные материалы по истории немцев, депортированных в Карагандинскую область Каз.ССР. // Научно-информационный бюллетень. 2001. апрел-июнь. С.12-13.

¹⁴ Амантаев У.А. К истории политических репрессий в Казахстане. // Сборник материалов “Круглого стола”, посвященного дню памяти жертв политических репрессий. – Караганда, 2002. 30 мая. С. 15-17.

¹⁵ Шотбаков Л.К., Михеева Л.В. Архивные материалы по истории репрессированных народов, выселенных в Карагандинскую область. Анализ и систематизация. // Сборник материалов региональной научной конференции “Проблемы региональной истории Казахстана: время, люди, события”. ЕАГУ им. Гумилева Л.Н. – Астана, 2000. С. 195-109.

¹⁶ Из истории немцев Казахстана. 1921-1975. Сборник документов. – Алматы-Москва: Готика, 1997. 375 с.; Депортированные в Казахстан народы: время и судьбы. – Алматы: Арыс. 1998.- 412 с.; Белая книга. Из истории выселения чеченцев и ингушей. 1944-1957. Вспоминания, архивные материалы, фотодокументы. – Алма-Ата: 1991.- 235 с.

¹⁷ Пиримкулов Ш.Д. Поляк фуқаролари Самарқандда (1941-1946 йй). – Самарқанд: Зарафшон. 1999. – 154 б. ; Польские школы и детские учреждения в СССР (1941-1946). – Т.: Фан. 1990.- 132 с.

¹⁸ Раҳмонкулова А. Дарбадарлик. // Фан ва турмуш. - 2001. №2 .Б.21-22.; Депортация как инструмент советского тоталитаризма. // Общественное мнение- права человека. – 2001. №2 .С. 43-46. ва бошлалар.

Иттифоқ ҳукуматининг махсус қарорига кўра улар “махсус кўчирилган”лар сифатида рўйхатдан чиқарилади.

XX аср ўртасида Марказий Осиёга сургун қилинган Кавказ халқларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий, ҳуқуқий аҳволи ва меҳнат фаолиятини ўрганишда қуйидаги архив ҳужжатлари ишнинг манбавий асосларини ташкил этади:

1. Қозоғистон Республикаси Президенти (АПРК) қошидаги архивдан олинган Марказий партия кўмитаси жамғармасидаги ҳужжатлар (фонд 708);

2. Қозоғистон Марказий давлат архивидан (ЦГА РК) олинган ушбу жамғарма ҳужжатлари:

-Қозоғистон Республикаси министрлар кенгашининг кўчирилганлар бўйича бўлим жамғармаси (фонд 1208);

-Қозоғистон Республикаси министрлар кенгаши меҳнат ресурсларидан фойдаланиш бўйича давлат кўмитаси жамғармаси (фонд 1987);

-Республика халқ маориф кўмитаси жамғармаси (фонд 1692)

3. Алма-Ата области давлат архивидан (ГА Алма-Атинской области) олинган қуйидаги жамғарма ҳужжатлари:

- Алма-Ата области ишчи депутатлар қишлоқ кенгаши жамғармаси (фонд 429);

- Алма-Ата области ишчи депутатлар ижроия кўмитаси кенгаши қошидаги кўчирилиш бўйича бўлим жамғармаси (фонд 1881) ва бошқалар.

Кўрсатиб ўтилган жамғармалардаги, яъни Халқ Комиссарлари Кенгаши (ХКК), область ва район ижроия кўмиталари, область партия кўмиталари (Обком КП/б/к), кўчирилиш бўйича бўлим (переселенческий отдел), Қозоғистон Республикаси Министрлар кенгаши меҳнат ресурсларидан фойдаланиш бўйича давлат кўмитаси, Республика халқ маориф кўмитаси (Народный комитет просвещения Казахской ССР) ва Алма-Ата области давлат архиви область халқ таълими бўлими (ОблОНО) ва бошқа архив жамғармаларидаги ҳужжатлар Қозоғистонга XX асрнинг 40 йилларида кўчирилган Кавказ халқларининг ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий, маданий

аҳволи, уларнинг ишга жойлаштирилиши ва бошқа масалаларни ўрганишда қимматли илмий манба бўлиб ҳисобланади. Бу жамғармалардаги ҳужжатлар асосан махсус кўчирилган халқларга тегишли бўлган қарорлар, буйруқлар, кўрсатмалар, ҳисобот ва турли маълумотлардан иборатдир. Ушбу ҳужжатлар нафақат Қозоғистонга кўчирилган Кавказ халқларининг, балки Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистонга жойлаштирилган Кавказ, шунингдек бошқа махсус кўчирилган халқларнинг ушбу республикалардаги тақдирини ёритиб беришга ҳам ёрдам беради. Ваҳоланки, ўша даврда Марказий ҳукумат томонидан кўчирилган халқларга тааллуқли бўлган барча буйруқ ва қарорлар Марказий Осиё Республикалари учун умумий ҳолда қабул қилинган.

I БОБ

Кавказ халқларининг тарихий жойларидан бадарға қилиниши

1942 йил ёз ойида совет-герман frontiда кенг миқёсдаги ҳарбий ҳаракатлар совет қўшинлари учун муваффақиятсиз бўлди. Катта талофатлар билан Ғарбий, Жануби-Ғарбий ва Жанубий фронтлар қўшилиб орқага чекинар экан, Харьков ва Сталинградгача бўлган катта ҳудудни душман қўлига топширдилар. 1942 йил кузига келиб Волга қирғоқлари ва Катта Кавказ тоғлари бўсағаси душман қарамоғида қолди¹⁹. Ҳарбий воқеаларнинг бундай шиддат билан бориши туфайли Шимолий Кавказ халқларини оммавий эвакуация қилиш учун шароит йўқ эди. Чечен-Ингушетиянинг бир қисми, шунингдек, қорачайлар, болқорлар ва қалмиқлар яшаган ҳудуд оккупация остида қолади. Совет қўшинларининг шиддатли равишда ҳужум олиб бориши натижасида гитлерчилар Сталинград ва Курск остида тор-мор қилиниши душман томонидан ишғол қилинган жойлар, шулар қаторда 1943 йил январь-февраль ойларида бутун Шимолий Кавказ озод қилинади²⁰.

Озод қилинган ҳудудларни тиклаш ишлари билан бирга «сотқинлар» ва «душман ҳамкорлари»ни излаш ишлари олиб борилади. Чекиниш пайтида гитлерчилар томонидан жойларда тармоқланган жосуслик (шпионлик) шахобчалари қолдирилган эди. Уларнинг ҳақиқатдан бўлганлиги ва фаолият кўрсатганлигидан далолат берувчи ҳужжатлар ҳам бўлган. Озод қилинган ерларда тозалаш операцияларида ҳарбий отрядлар ва НКВД томонидан кўп миқдордаги турли-туман қурооллар (автомат, пулемет ва артиллерия қурооллари) топилган²¹. Буларнинг ҳаммаси НКВД, айниқса унинг раҳбарларига фақатгина алоҳида шахс ёки гуруҳга эмас, балки бутун бир халққа нисбатан «гумонсираш» билан қарашга сабаб

¹⁹ Депортированные в Казахстан народы: время и судьбы. – Алматы: 1998. – С. 238.

²⁰ Бугай Н.Ф. Правда о депортации чеченского и ингушского народов. // Вопросы истории. 1990. № 7. – С. 38.

²¹ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 238.

бўлди. Натижада уруш олиб бораётган мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун уларни депортация қилиш баҳонаси ўйлаб топилди. Ваҳоланки, бу халқларнинг кўпчилиги гитлерчиларга қарши фаол равишда курашиб орден ва медаллар билан тақдирланган эдилар.

Шимолий Кавказ худудидан биринчилардан бўлиб қорачайлар кўчирилишга мажбур этилади. Қорачай-Черкес автоном вилояти Ставрополь таркибида 1922 йил январ ойида ташкил топган бўлиб, 1926 йилда у Қорачай автоном вилояти ва Черкес миллий округига ажратилади. 1943 йил 12 октябр СССР Олий Кенгаши Президиуми қарори билан Қорачай автоном вилояти тугатилади.

1943 йил 14 октябрда эса СССР ХКК қорачайларни кўчириш ҳақида махфий қарор қабул қилади²². Жойларидан мажбуран бадарға қилинган қорачайлар сони манбаларда турли хил берилади. Масалан, 1989 йилда чоп этилган мақолада уларнинг сони 62 842 киши деб кўрсатилган бўлса²³, 1998 йилдаги маълумот бўйича, 68 938 киши деб,²⁴ яна бир ҳужжатда эса уларнинг сони 69 267 киши²⁵ деб берилган.

Шундай қилиб, Қорачайлар вилоятидан 147 774 оила Қозоғистоннинг Жамбул ва Жанубий Қозоғистон вилоятига 11 711 оила; Қирғизистонга 5 790 оила ва Ўзбекистонга 95 оила кўчирилган²⁶. Қорачайларни кўчириш қисқа муддатда шафқатсизларча олиб борилган.

Депортациянинг фожиали қисмати болқорларни ҳам четлаб ўтмади. Маълумки, Қабардин-Болқор Автоном вилояти РСФСР таркибида 1922 йил 16 январда ташкил этилган эди. 1936 йил 4 декабрда бу ҳудуд Автоном республикага айлантирилади. Республикада болқорлар аҳолининг учдан бирини ташкил этар эди. Уруш бошлангандан сўнг 15 минг қабардинлар ва болқорлар ҳарбий орден ва медаллар билан тақдирланиб, етти киши собиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамони

²² Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 238.

²³ Бугай Н.Ф. К вопросу о депортации народов СССР в 30-40-годах. // История СССР. 1989. № 6. – С. 140.

²⁴ Бугай Н.Ф., Гонов А.Н. Кавказ: народы в эшелонах. – М. 1998. – С. 128.

²⁵ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы. 1998. – С. 239.

²⁶ Ўша жой.

унвонига сазовор бўладилар. Бир ярим минг киши эса фронт ортидаги меҳнат қаҳрамонлари унвони билан мукофотланадилар. Аммо бу ҳарбий ва меҳнат қаҳрамонликларига қарамай, бу халқлар ҳам ўз тарихий жойларидан бадарға этиладилар.

Чечен ва ингушларни кўчириш бўйича операциянинг иккинчи кунидан, ички ишлар бўйича халқ комиссари Берия ўзининг Сталинга юборган телеграммасида, шундай ҳисобот беради: «чечен ва ингушларнинг кўчирилиши тугатилиши билан озод бўлган ҳарбий ва чекистларни шу йилнинг 15-20 мартларида ўрмонларни барглар қоплагунга қадар, Шимолий Кавказдаги болқорларни кўчириш бўйича операцияда ишлатишни таклиф этаман. Болқорларнинг сони умумий ҳисобда 40 900 кишини ташкил этади».

1944 йилда Давлат Мудофаа Қўмитасининг болқорларни кўчириш тўғрисидаги қарори қабул қилиниб, 1944 йил 7 мартда Берия Сталинга қуйидаги мазмундаги телеграммани юборади: «Операцияни бажаришда 19 минг офицер ва НКВД ҳарбийлари қатнашдилар. Ўтказилган 3 та операция давомида, СССРнинг шарқий Туманларига 650 минг чечен, ингуш, қалмиқ ва қорачайлар кўчирилди. Берия. 7.03.44».

Техникадан фойдаланган тарзда НКВД тезкор (оператив) таркиби ва армия қисми бутун болқор халқини кўчирди²⁷.

НКВДнинг маълумот беришича, шу йилнинг 17 мартда болқорлар учун 9 та эшелон Оренбург темир йўлидан, Тошкент темир йўлидан эса 5 та эшелон йўлга чиққан. Эшелонга 37 713 киши юкланиб, улар Омскка 5 521 киши, Қирғизистон республикаси Фрунзе вилоятига 5 446 киши, Иссыккўлга 2 702 киши, Жалолободга 2 650 киши; Қозоғистон Республикасига: Семипалатинскка 2 742, Олма-Отага 5 541 киши, Жанубий Қозоғистонга 5 278 киши, Павлодарга 2 614 киши, Оқмола вилоятига 5 219 киши жўнатилган²⁸. Болқорлар кўчирилиб бўлингандан сўнг Кабардин-болқор республикаси Кабардин республикаси деб номлана бошланди²⁹.

²⁷ Депортированные в Казахстан народы. — Алматы: 1998. — С. 241-242.

²⁸ Бугай Н.Ф., Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах. — М.: Инсан.1998. — С. 169.

²⁹ Депортированные в Казахстан народы. — Алматы: 1998. — С. 241.

Қадимдан Кавказ дарвозаси бўлган Чечен-Ингушетия аҳолиси сони бўйича энг кўп халқ ҳисобланиб, бу ерда деҳқончилик ривожланган эди. Иттифоқ ҳукумати томонидан ўтказилган коллективлаштириш сиёсати бошқа кўпгина жойлар сингари, бу ерда ҳам маҳаллий хусусиятларни эътиборга олмаган ҳолда олиб борилди. Маҳаллий аҳоли, унинг урф-одатлари, динига бўлган нотўғри муносабат ҳам улар орасида иттифоқ ҳукуматига нисбатан норозиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Чечен-Ингушетияда сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий аҳвол оғир бўлиб, узоқ вақт мобайнида кенг истеъмол товарларининг жойларга етказиб берилмагани бу ҳолатнинг янада кескинлашувига олиб келди. Оқибатда, немис оккупацияси вақтида алоҳида шахс ёки гуруҳларнинг душман тарафига ўтиш ҳодисалари бўлган. Уларни НКВД кучлари билан қуролсизлантириш мумкин бўлишига қарамай, Сталин ва Берия бутун бир халқни кўчириш йўли билан уларни жазолаш ва Кавказни «умрбод» тинчлантиришга қарор қилдилар.

1942 йил охирига келиб немис-фашистларининг юришлари тўхтатилиб, 1943 йилнинг январ-феврал ойларида Шимолий Кавказ улардан озод бўлган вақтда чечен ва ингуш халқларини оммавий тарзда бадарға қилиш учун шароит яратилади³⁰.

Чечен ва ингушларни кўчириш бўйича ўтказиладиган тадбир «Чечевица» номини олиб, унинг ҳамма кўрсатма ва буйруқлари ишлаб чиқилди³¹.

Чечен-Ингушетия АССРдаги вазиятни ўрганиш мақсадида 1943 йил октябрда НКВД раҳбари Б.Қобулов (Кобулянец) бошчилигидаги оператив мутахассислар гуруҳи жўнатилади. Республикадаги аҳвол тўғрисидаги ҳисобот «Чечен-ингушетия АССР туманларидаги ҳолат тўғрисидаги маълумот» деб номланган расмий ҳужжатда ўз аксини топди. Сўнгра немис парашютчилари, бандитлар ва уларнинг воситачиларини легаллаштириш баҳонаси остида халқларнинг тўлиқ сони,

³⁰ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 251.

³¹ Бугай Н.Ф., Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах М.: Инсан. 1998. – С. 141.

номлари бўйича рўйхати тузилиб, тоғ, ўрмон ва ғорларга бўлган сўқмоқ йўллар аниқланди.

Ички ишлар халқ комиссарлиги раҳбари Л.Берия 1944 йил 29 январда «Чечен ва ингуш халқларини кўчириш бўйича кўрсатма»ни тасдиқлади. Бу кўрсатмага мувофиқ жавобгарлик НКВД раҳбарлари И.А.Серов, С.Круглов, Б.Қобулов ва бошқаларга юклатилади. Албатта, бу ишларнинг ҳаммаси махфий равишда бажарилар эди. Ўша вақтнинг ўзида (1944 йил январ) кўчирилганларни Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларига жойлаштирилиши ҳақида қарор қабул қилинади³².

Халқларни бадарға қилиш бошланган кун 1944 йил 23 феврал тонги чечен-ингушлар учун Қизил Армиянинг байрами куни эмас, балки қурол-яроқли офицер ва солдатлар олиб келган кулфатлар куни сифатида хотирада қолди³³.

Қурол-яроғи бўлган чеченлар қаршилик кўрсата бошладилар, аммо отишма тезда бостирилди. Ҳибсга олинган эркакларни саройларга қамаб қўйиб, қолганларнинг изларидан тушдилар. Бу ишларнинг ҳаммаси 2-3 соат ичида бажарилди. Аёллар қатъий равишда огоҳлантирилиб, тезда нарсаларини йиғишга ва болалари билан кўчирилишга тайёр бўлишлари тайинланди³⁴. Одамларни жойдан кўчирилиши ҳақида манбалардан ўқир эканмиз, кўчирилишнинг жуда ҳам ваҳшийлик билан ўтказилганлигига гувоҳ бўламиз. Айниқса, Пешхоев, Нашхай, Сюжи ва бошқа қишлоқлар воқеаси фожеали бўлиб, кўпгина одамлар тириклайин ёқиб юборилган³⁵.

23 феврал 1944 йил Сталин номига қуйидаги мазмунда маълумот келди: «Бугун, 23 феврал 1944 йил, тонгда чечен-ингушларни кўчириш бўйича операцияни бошладик. Эътиборга лойиқ ҳодисалар йўқ...»

Бериянинг маълумотига кўра, 23 февраль соат 11 га қадар яшаш жойларидан 94 741 киши, бир кундан сўнг 333 739 киши

³² Бугай Н.Ф., Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах М.: Инсан. 1998. – С. 141.

³³ Изгой общества или без вины виноватые. // Вайнахский вестник. 23 феврал 1994. – С. 3.

³⁴ Авторханов А. Убийство чечено-ингушского народов. – С. 62.

³⁵ Бугай Н.Ф., Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах М.: Инсан. 1998. – С. 147.

олиб чиқилган. Кучли қор ёғиши туфайли алоҳида қорли туманлардаги аҳолини кўчириш бўйича қийинчиликлар туғилган. 25 февралга келиб станциялардан 86 та темир йўл эшелонлари чечен-ингушлар билан тўлдирилиб жўнатирилган³⁶.

Кўпгина манбалар кўчириш қанчалик оғир кечганлигини ёритиб беради. Товар вагонларига юкланган одамларга суткалаб овқат, ҳатто сув ҳам берилмас эди. Бундай «саёҳат» лар ҳафталаб, ҳаттоки ойлаб давом этганлиги, тиббий ёрдам нинг йўқлиги, очлик туфайли одамлар билан лик тўла вагонларда оммавий касалликлар тарқалиб кетган. Оқибатда, бу қийинчиликлар туфайли кўплаб одамлар йўлда вафот этганлар. «Эшелонлар вақти-вақти билан тўхтатилар, вагондан 3 метр узоққа кетиш ўлим жазоси билан жазоланганлиги туфайли йўлда вафот этганларни тушган жойда кўмишга рухсат берилар эди. Айрим ҳолларда бир неча киши бир чуқурга ёки эса фақат қор билан кўмилар эди³⁷.

Чечен ва ингушларни кўчириш бўйича 1944 йил 23 февралда бошланган «Чечевица» операцияси ўша йилнинг 20 мартига келиб тугатилди.

НКВД маълумотига кўра, 180 та темир йўл эшелонларида 493 269 чечен ва ингушлар ҳамда уларга қўшиб олинган бошқа миллат вакиллари кўчирилган. Операция вақтида 50 та одам ўлдирилган. Йўлда 1 272 киши вафот этган³⁸. Айрим тадқиқотларнинг кўрсатишича, йўлдаги қийинчиликларни инобатга олган ҳолда, бу сон бир неча баробар кўп бўлган. Республиканинг партия, совет ва диний идоралари бошлиқлари ҳам кўчирилган. Бу операция вақтида 100 минг офицер ва НКВД қўшинлари, НКВД, НКГБнинг оператив ишчилари қатнашиб, улар қорачай, қалмиқларни кўчиришда «фаол» равишда қатнашган эдилар. Бу сафар ҳам уларнинг иштироклари билан 11 та тумандаги 395 та колхоздан 32 000 хўжалик Қозоғистон ва Ўрта Осиёга бадарға қилинади³⁹.

³⁶ Бугай Н.Ф. Правда о депортации чечено-ингушского народов. // Вопросы истории. № 7. 1990. – С. 39-40.

³⁷ Изгой общества или без вины виноватые. // Вайнахский вестник. 23 феврал 1994. – С. 3.

³⁸ Бугай Н.Ф., Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах М.: Инсан. 1998. – С. 148.

³⁹ Ўша жой.

«Хукумат топшириғини намунали бажарганлиги учун» НКВД раҳбарлари Б.Қобулов, И.И.Серов, С.Круглов ва бошқалар биринчи даражали Суворов ордени билан тақдирландилар.

1944 йил февралдан сўнг Қизил Армия сафидан бўшатиш депортация қилинган халқларга мансуб ҳарбийлар ҳам кўчирилишга маҳкум этилди. Ғарбий қисмларнинг ҳар бирига юборилган буйруқларда уларни Қозоғистон НКВДси махсус кўчириш бўлимлари – Олма-Ота шаҳрига жўнатиш ҳақида буйруқ берилган эди.

Собиқ НКВД кўчириш ОСП (махсус кўчириш бўлими) маълумотида кўра, чечен-ингушларга мансуб бўлган 710 та офицер 1 696 та сержант, 6 488 оддий аскар фронтлардан чақириб олинган. Бадарға қилинган бошқа Кавказ халқлари (болқор, қорачайлар) билан умумий ҳисобда 5 943 та офицер, 20 209 та сержант ва 130 691 та оддий аскар ўша вақтда кўчирилишга маҳкум этилган эди. Собиқ ҳарбийлардан уларнинг билетлари тортиб олиниб, ўрнига маълумотнома (справка) берилар, уларга погон ва қуроллар тақиш эса ман этилган эди⁴⁰.

Албатта, Чечен-Ингушетия республикаларидан ташқарида яшовчи бу миллат вакиллари ҳукумат органлари томонидан ўтказилган сургундан четда қолганларига ишонар эдилар. Аммо, 1944 йил Л.Берия маҳаллий НКВД бошқармаларига тез равишда юқорида айтиб ўтилган халқ вакиллари ҳам кўчириш ҳақида буйруқ беради. Чечен ва ингушлардан Грузиядан 2 741 киши, Озарбайжондан 21 киши, Краснодардан 121 киши,⁴¹ Ростов ва Астрахан вилоятлари ва бошқа жойлардан умумий ҳисобда 4 141 чечен ва ингушлар кўчирилди⁴².

Депортация қилинган чечен ва ингушлар дастлаб, Қозоғистоннинг 12 вилоятидаги 133 та туманга 400 600 киши,

⁴⁰ Бугай Н.Ф. Правда о депортации чечено-ингушского народов. // Вопросы и истории. 1990. №7. – С. 41.

⁴¹ Бугай Н.Ф., Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах М.: Инсан. 1998. – С. 150.

⁴² Бугай Н.Ф. Правда о депортации чечено-ингушского народов. // Вопросы и истории. 1990. №7. – С. 41.

Қирғизистон ҳудудининг 4 та вилоятидаги 24 та туманига 22 800 киши жойлаштирилди⁴³.

Кейинчалик, махсус кўчириб келинганларнинг сонини тўлдирган контингент – бу Шимолий Осетиядаги камокхоналардаги маҳбуслар бўлди. Чечен ва ингушлар НКВДнинг Карағанда лагерига кўчирилиб бу чора қорачай, шунингдек болқорларга нисбатан ҳам қўлланилди. СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1944 йил март ойидаги қарори билан Чечен-Ингуш АССР тугатилади⁴⁴.

Давлат чегараси ва фронт чизиғи ўртасидаги фарқни тан олмайдиган Сталин концепциясининг навбатдаги қурбони бу ўзининг она ватани Грузия бўлади. 1944 йил март ойида Тбилисида яшовчи 608 та курд оилаларини Грузия ССРнинг ичкари қисми, Цалкин, Барчамен ва Караяз туманларига кўчирилгандан сўнг навбат совет-турк чегараси ёнида яшовчи Грузиянинг «мусулмон халқлари»га келади. Бериянинг Сталинга 1944 йил 28 ноябрда юборган маълумотномасига кўра, Месхетия аҳолиси, Туркия аҳолиси билан қариндошчилик муносабатларида бўлганлиги учун «эмиграцион кайфиятда бўлган ва Туркиянинг разведка ташкилотлари учун шпион элементларини ёллаш учун манба бўлиб хизмат қилган...»⁴⁵.

Туркия билан чегарадош ерларда яшовчи аҳолини кўчириш масаласи 1944 йил баҳордаёқ кўтарилган эди. Ўша вақтда 77,5 минг киши тўғрисида бўлиб, улар қўшни Шарқий Грузия туманларига кўчирилиши керак бўлган. Аммо 1944 йил 24 июлда Сталинга юборган хатида Берия 16700 оила турк, курд ва хемшилларни Грузиянинг чегарадош ерларидан Қозғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ССР га кўчиришни таклиф этади. 31 июнь куни 76021 (туркларни кейинчалик уларга 3180 киши «қолган халқлар» қўшилади), шунингдек 8694 курдларни ва 1385 киши хемшилларни кўчириш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

⁴³ Бугай Н.Ф., Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах М.: Инсан. 1998. – С. 151.

⁴⁴ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы. 1998. – С. 252.

⁴⁵ Павел Полян. Не по своей воле... История и география принудительных миграций в СССР. О.Г.И.-мемориал – М.:2001. – С.129.

Уларнинг «ўрнига» эса Грузиянинг кам ерли жойларидаги 7 минг деҳқон оилалари ва 20 минг чегарачилар «кўчирилиши» керак эди. Бутун операцияга Бериянинг буйруғи билан А. Қобулов ва грузин давлат хавфсизлик (Рапава) ва ички ишлар (Каранарзе) халқ комиссарлари раҳбарлик қиладилар.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, турклар деганда (кейинчалик озарбайжонлар) бу ерда Грузиянинг тарихий вилояти Месхет-Джавахетида яшовчи месхетиатин-турклари тушунилар эди. Улар ва қўшнилари-хемшиллар (армани- мусулмонлари)ни, шунингдек курдларни Грузия ССР нинг қисман совет-турк чегарасига қисман чегарадош бўлган Ахалцих, Адиген, Аспинд, Ахалкалак ва Богдан туманларидан кўчириладилар.

Маълумки, месхети турклари 1829 йилдаги Андрианополь тинчлик келишуви билан Россияга қўшилган ҳудудда яшар эдилар. Олимларнинг фикрича, уларнинг келиб чиқиши грузин бўлиб (месхетилар қабиласи), улар узок вақт турклар ҳукмронлиги остида яшаганликлари учун турклашиб кетганлар ва уларга туркча исм қўйилган, бу халқлар турк тилида сўзлашганлар ва мусулмон динида бўлганлар. 1928-1937 йилларда ҳам уларга миллатини ўзгартириб, грузин фамилияларини олишга мажбур қилинганда ҳам улар репрессияга маҳкум қилинган эдилар⁴⁶. Месхети туркларининг ўзлари эса келиб чиқишлари асли турк эканликларини таъкидлайдилар⁴⁷.

Юқорида айтиб ўтилган халқларни депортация қилиш ҳақидаги қарор 1944 йилнинг июл ойидаёқ қабул қилиниб, уларни қиш келгунга қадар тўлиқ кўчириб бўлиш режалаштирилган эди. Аммо Боржоме – Вале темир йўлининг қурилиши (бу йўл орқали месхетиларнинг ўзи кейинчалик ўз ватанларидан бадарға қилинади) ниҳоясига етмаганлиги сабабли кўчирилиш муддати орқага сурилади. Шунингдек, Қозоғистон ҳукумати раҳбарлари ҳам республика ҳудудида

⁴⁶ Павел Полян. Не по своей воле... История и география принудительных миграций в СССР. О.Г.И.-мемориал – М.:2001. – С.130.

⁴⁷ Э.Х.Панеш, Л.Б.Ермолов. Месхетинские турки. // Вопросы истории. 1991. № 9-10. – С. 215.

сургун қилинган бошқа халқларнинг сони жуда кўп бўлиб, кўчириш муддатини орқага суришни сўрайди.

Месхети туркларини ўз яшаш жойларидан сургун қилиш НКВДнинг кўчириш тўғрисидаги қарори чиққандан 2 ой кейин, 1944 йил 15 ноябрда бошланади ва уч кун давом этади. Бу халқларни сургун қилишга 4 минг та НКВД ходимлари жалб қилиниб, 17 ноябр соат 16 да Грузия ССР дан месхети турклари билан тўла 25 та эшелон йўлга чиқади. Уч кун ичида турли маълумотларга кўра 90 мингдан 116 мингтагача киши сургун қилинган. Бериянинг Сталинга 28 ноябрда берган маълумотига кўра, улар 91 095 кишини, Чернишев ва Кузнецовнинг Берияга берган маълумотига кўра эса 92 307 кишини ташкил этган бўлиб, уларнинг асосий қисмини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил этган. (45 985 киши, жумладан, аёллар эса 27 399 киши бўлган.) Бу халқларнинг ярмидан кўпи Ўзбекистонга, қолганлари эса Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларига жойлаштирилган⁴⁸.

Шундай қилиб, турк миллатига мансуб кишилар, улар билан қўшни бўлган мусулмон халқлари, озарбайжонлар, курдлар, хемшилларни кўчириш тўғрисидаги Давлат хавфсизлик Комитетининг 1944 йил 14 ноябрдаги қарори юз мингдан ортиқ айбсиз кишиларнинг тақдирини ҳал қилади. Уларнинг ҳаммаси ярим кечаси НКВД ҳарбийлари томонидан уйғотилиб, ўз уйларидан ҳайдаб чиқилади ва эрталаб юк машиналарига ўтқазилиб, темир йўл станцияларига юборилади. Йўлга эса фақат қўл юкини олишга рухсат берилади. Темир йўл томон бўлган тоғли йўлларда кўпгина одамлар билан лик тўла машиналар ҳайдовчиларнинг бу йўлларда юриш тажрибаси йўқлигидан ёки жуда шошилганлиги сабабли машиналар жарларга қулаб кетган. Етиб келганлар ҳатто совуқ ҳавода молларни ҳам юклашга шароити бўлмаган вагонларда 60-70 кишидан жойлаштирилиб йўлга туширилади. Белгиланган манзилларга етгунча улар иситилмайдиган товар вагонларида бир ёки икки ҳафта эмас, балки бир ойга яқин юришга мажбур

⁴⁸ Павел Полян. Не по своей воле...История и география принудительных миграций в СССР. О.Г.И.-мемориал – М.:2001. – С.130-131.

бўладилар. Бу даврда оналар ўз болаларидан, кўпчилик эса ўз ҳаётларидан айриладилар. Йўлда вафот этганларни темир йўл станцияларида фақат қор билан кўмишга рухсат берилар эди.

Халқларни кўчириш тўғрисидаги қарорлар аниқ ва сўзсиз бажарилиб, унинг натижаси – кўчирилишнинг биринчи ойидаёқ очлик, касаллик туфайли ўлган йигирма мингга яқин айбсиз қария, аёл ва болалар эди. Манзилга етиб келганлар эса ҳудудда қариндош ва таниш билишларни эътиборга олинмай жойлаштирилади⁴⁹.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, XX асрнинг 40-йилларида Кавказ халқларидан месхети турклари, болқорлар, чечен-ингушлар, қалмиқлар, қорачайлар ва бошқаларнинг ҳаммаси немис-фашистларига сотқинликда айбланадилар. Ваҳоланки, ҳукумат томонидан уларга бундай айб кўйиш учун аниқ асослар бўлмаган. Шунга қарамай Кавказ халқлари бу айб туфайли ўз ватанларидан жудо бўлишга мажбур бўладилар ва уларнинг асосий қисми Марказий Осиё республикаларига мажбуран кўчирилади. Улар яшаган ҳудудлар номи эса харитадан бутунлай ўчирилиб ташланади.

Яшаш жойларидан сургун қилинган Кавказ халқларининг Марказий Осиё республикаларига жойлаштирилиши тўғрисида ҳукумат раҳбарларига олдиндан хабар берилиб, жойларда керакли саъй ҳаракатлар қилинар эди. Шахсан Л.Бериянинг ўзи Тошкентга, Олма-Отага Кавказдан сургун қилинган халқларни кутиб олиш учун тайёргарлик кўришни сўраб телеграмма юборган эди. Ўзбекистон Марказий Кўмитаси бу борада керакли қарор қабул қилиб, Тошкент вилоятига 15 минг киши (улардан совхозларга 1 900 киши), Самарқанд вилоятига 14,3 минг киши, Андижон вилоятига 6 минг киши, Фарғона вилоятига 7,5 минг киши, Наманган вилоятига 4900, Бухоро вилоятига 400 ва Қашқадарё вилоятига 250 кишини жойлаштириш режалаштирилган эди. Қирғизистон республикасида ҳам шунга ўхшаш қарор қабул қилиниб, у ерда 16 минг турк, курд ва хемшилларни жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қозоғистон республикаси ҳукумати ўша

⁴⁹ Национальные репрессии в СССР 1919-1952 годы. – М.: Инсан. 1993. - С.148

вақтда республикага жуда кўплаб, (ярим миллиондан ортиқ – таъкид бизники. М.Х) халқларнинг кўчирилганлиги сабабли «махсус кўчирилатган янги халқларни республикага кўчирилиш муддатини узайтиришни» сўрайди. Аммо Л.Берия ўзининг 1944 йил 16 сентябрдаги Қозоғистон ҳукумати раҳбарларига юборган телеграммасида «Грузиядан Қозоғистонга кўчирилатган турк, курд ва хемшилларнинг кўчириш муддатини 1944 йил ноябрдан 1945 йил апрелга қадар қолдирилишнинг иложи йўқлигини ва республикага кўчирилиши зарур бўлган бу халқларнинг сони фақат 6000 оилага қисқарганлигини (аслида 28 000 киши режалаштирилган эди)» хабар қилади. Қозоғистон республикасига кўчирилиши керак бўлган халқларни Ўзбекистонга кўчиришга қарор қилинади ва натижада 1944 йил октябрда А.Қобилов «Ўзбекистон республикаси ҳукумати режалаштирилган 30 минг киши ўрнига 50 минг киши махсус кўчирилганларни жойлаштиришга тайёр эканлигини ва бунинг учун 239 та автомашина ва керакли ходимлар ажратилганини» хабар қилади.

1944 йил 15-18 ноябрларида Грузия ССР Ахалцих, Адиген, Аспиндз ва Богдан туманларида ва 25-26 ноябр кунлари Аждар АССРдан ҳаммаси бўлиб 91 095 киши Кавказ халқлари Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларига кўчирилади ва 22 кундан кейин йўлга тушган 16 та эшелон 1944 йил 9 декабрда Ўзбекистон пойтахти Тошкент станциясига етиб келади. СССР НКВДсининг махсус кўчирилганлар бўлими комиссари М.Кузнецовнинг маълумотномасига кўра, Ўзбекистон республикасига 11 500 оила (53 минг киши) жўнатилган. 1944 йил декабрда эса Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари Меернинг М.Кузнецовга, республикага 29 та эшелон етиб келганлигини ва кўчириб келинганлар 7 та вилоят ва 43 та туманга қуйидаги тартибда жойлаштирилганини хабар қилади:

Тошкент вилоятига 13 131 киши, Самарқандга 14 964, Фарғонага 8 613, Бухорога 4 446, Қашқадарёга 614 киши ва бошқалар. Умумий ҳисобда уларнинг сони 53 163 киши бўлиб,

шундан 10 813 кишини эркаклар, 16 127 кишини эса аёллар ва 26 223 кишини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил қилган эди.

Шунингдек, махсус кўчирилган халқларни Ўзбекистонга жойлаштириш кейин ҳам давом этиб, бу ҳақда СССР НКВДсининг махсус кўчирилганлар бўйича бўлим бошлиғи М.Кузнецов Тошкент НКВДси бошлиғи Ю.Бобожоновга қуйидаги мазмунда телеграмма юборади: «1945 йил 31 январда Тбилисидан СК-139 эшелони билан 695 киши юборилмоқда. Уларни жойлаштириш илтимос қилинади.» Бу эшелон Тошкентга 12 феврал куни етиб келиб, эшелондаги одамлардан 118 оила (480 киши) тирик қолган эди⁵⁰.

СССР Олий Кенгаши президиумининг Шимолий Кавказ халқларини кўчириш ҳақидаги қарорларининг ҳаммаси махфий тарзда қабул қилиниб, бу халқлар кўчириладиган ерлар, шу жумладан Қозоғистон республикаси ҳам уларни жойлаштириш бўйича керакли тайёргарлик кўриш учун хабардор қилинган эди. Жойлаштириш ишларига Республика маҳаллий ташкилотлари, кенгашлари, транспорт ва алоқа воситаларини жалб қилиш учун Қозоғистонга СССР НКВДси мутахассислари жўнатилади. Улардан ташқари Қозоғистон ички ишлар халқ комиссари Н.Ф. Богданов Республика НКВДси ходимларига ёрдам учун 200 кишини юборишни сўраб шахсан Бериянинг ўзига мурожаат қилади⁵¹. Юқоридан олинган кўрсатмаларга мувофиқ, Республиканинг барча вилоятларида Шимолий кавказликларни кутиб олиш учун тайёргарлик кўрила бошланади.

Қозоғистон халқ комиссарлиги Кенгаши ва партия марказий кўмитаси (ЦК КП(б)) 1943 йил 27 октябрда «Шимолий Кавказдан махсус кўчириб келинганларни Жанубий Қозоғистон территориясига жойлаштириш тўғрисида» махсус қарор қабул қилади. Бу қарорнинг биринчи бандига кўра, Кавказдан кўчириб келинган 6 минг оила Жамбул вилоятининг 7 та туманига, Жанубий Қозоғистоннинг 8 та туманига

⁵⁰Бугай Н.Ф., Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах М.: Инсан. 1998. – С. 214-217, 217, 219.

⁵¹Бугай Н.Ф., Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах М.: Инсан. 1998. – С. 143

жойлаштириш тартиби белгиланди⁵². Қарорнинг иккинчи бандида Шимолий Кавказ фуқароларини мавжуд жамоа биноларидан ташқари колхозчиларнинг уйларига жойлаштириш ҳам назарда тутилган эди. Шунингдек, қарорда Шимолий Кавказ халқларининг уй-жой, хўжалик шароитини яратиш, уларни ишга жойлаштириш масалаларига эътибор берилиб, вилоят ва туман раҳбарларига бу ишларни бажариш мажбурияти юклатилди. Худди шу мазмундаги қарорлар тегишли вилоят, туман партия ва ижроия кўмиталари томонидан ҳам қабул қилинган эди.

Шундай қилиб, Иттифоқ халқ комиссарлиги кенгашининг 1943 йил 14 октябр № 1118-342 сс сонли, 1944 йил 31 январ № 5074 сс сонли ва 1944 йил 5 март № 5309 сс сонли қарорларига кўра, 40 минг қорачайлар, 420 минг болқорлар, умумий ҳисобда 470 минг киши 111 593 оила таркибидаги Шимолий Кавказликлар Қозоғистонга кўчирилиб, улар республикадаги 14 та вилоятнинг 145 та туманига жойлаштирилди⁵³.

Уларнинг вилоятлар бўйича қандай жойлаштирилганликлари 1944 йил Қозоғистон ХККга берилган маълумотларда ўз аксини топган. Мисол учун Шарқий Қозоғистоннинг Лениногорск, Киров, Верх Убин, Предгорнен, Бахтармин, Улан, Шемонанхин ва Таври туманларида 6000 оила Шимолий Кавказликларни жойлаштириш белгиланиб, бу ишни бошқаришга вилоят раҳбарияти вакилларидаан ушлик ташкил қилинган⁵⁴. Жанубий Қозоғистон вилояти Туркистон, Бўстонлиқ, Илич, Сари-Агач, Арис, Пахта – Арал туманларига эса Шимолий Кавказликлардан 12 725 оила (52 482 киши) кўчирилиб, улар асосан маҳаллий кишилар оилалари уйларига жойлаштирилган⁵⁵. Кустанай вилояти Таранов, Қизилнав ва бошқа туманларида ЧИАССРдан 10 954 оила (46 141 киши), Қизил Ўрда вилоятига эса умумий ҳисобда 6 191 оила (26 924 киши) кўчирилиб, улар ҳам қолган вилоятлардаги сингари колхоз, совхоз ва маҳаллий саноат корхоналарига

⁵² Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 273.

⁵³ Архив Президента Республики Казахстан. Ф.708. Оп. 1. Д. 1820. Л. 14.

⁵⁴ АПРК. Ф.708. Оп. 8. Д. 113. Л. 1.

⁵⁵ АПРК. Ф.708. Оп. 8. Д. 113. Л. 7.

жойлаштирилади. Худди шу тарзда Актюба вилоятининг ўнта туманларига 4 129 оила (20 248 киши) чеченлар жойлаштирилиб, уларнинг асосий қисмини (12 921 киши) ёш болалар ва ўсмирлар ташкил қилган. Павлодар вилоятига 1944 йил мартдан 28 мартга қадар 16 та темир йўл эшелонлари келиб, унда Шимолий кавказликлардан 8 651 оила (41 780 киши) келган, Жамбул вилоятига эса 1943 йил охири 1944 йил мартига қадар улардан 11 594 оила, Олма – Ота вилоятининг Энбекши Казах, Каскелен, Чили ва бошқа туманларига 3 595 оила (13 946 киши) жойлаштирилган⁵⁶.

Шимолий Кавказдан сургун қилиниб махсус кўчирилган халқларнинг Қозоғистон республикаси вилоятлари бўйича қандай жойлаштирилганлиги ушбу жадвалда акс этган⁵⁷.

Жадвал №1. Махсус кўчириб келтирилганларнинг Қозоғистон республикаси бўйича жойлаштирилиши.

Вилоятлар номи	Қорачайлар		Чечен ингушлар*		Қалмиқлар	
	оила	Киши	оила	Киши	Оила	киши
Олма – ота	-	-	3 600	13 600	-	-
Актюба	-	-	4 129	20 248	-	-
Ақмола	-	-	10 789	51 242	-	-
Шар.Қозоғистон	-	-	6 779	31 140	-	-
Жамбул	5 069	20 285	4 873	23 474	-	-
Қарағанда	-	-	8 682	36 891	-	-
Қизил Орда	-	-	5 700	26 951	648	2 268
Кокчетов	-	-	7 254	31 415	-	-
Қустанай	-	-	10 434	45 125	-	-
Павлодар	-	-	8 533	41 960	-	-
Шим.Қозоғистон	-	-	5 072	22 561	-	-
Семипалатинск	-	-	6 777	32 575	-	-
Талди-Қурган	-	-	5 225	21 159	-	-
Жан.Қозоғистон	6 642	25 244	5 452	23 450	-	-
Гурьев	-	-	237	840	-	-
Олма-Ота ш.	-	-	1 025	4 894	-	-

⁵⁶ АПРК. Ф.708. Оп. 8. Д. 113. ЛЛ. 11, 16, 18, 21. 45.

⁵⁷ АПРК. Ф.708. Оп. 10. Д. 1855^а. Л. 2.

Умумий	11 711	45 529	94 561	427 525	648	2 268
--------	--------	--------	--------	---------	-----	-------

*Чечен ва ингушлар қардош тилда сўзлашувчи икки турли хил халқ ҳисобланади. Уларнинг сургун қилиниши бир хил вақтда бўлиб ўтганлиги сабабли барча ҳужжатларда уларнинг умумий сони бирга кўрсатилади. – М.Х.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, болқор, қорачай, чечен ва ингуш халқлари Республика бўйича унча катта бўлмаган гуруҳларга бўлиниб, туман ва колхозларда бошқа миллат вакиллари – қозоқ, рус, қрим татарлари, немис ва бошқалар билан аралаш ҳолда қуйидагича жойлаштирилган: Олма-Ота вилоятида 8 та тумандаги 162 та колхоз, 12 та совхоз ва 107 та саноат корхоналарига; Оқмола вилоятида 12 та тумандаги 343 та колхоз, 18 та совхоз, 102 та саноат корхоналарига, Актюба вилоятида 10 та тумандан 117 та колхоз, 15 та совхоз ва 80 та саноат корхоналарига ва республикадаги қолган Шарқий Қозоғистон, Жамбул, Қарағанда, Қизил Ўрда, Кўкчетов, Кустанай, Павлодар, Шимолий Қозоғистон, Семипалатинск, Талди-Қўрғон, Жанубий Қозоғистон, Гурьев вилоятларига ҳам шу тартибда бўлинган⁵⁸. Шимолий Кавказ халқларининг вилоят ва туманлар бўйича тарқоқ ҳолда жойлаштирилгани эса, улар ўртасидаги алоқага салбий таъсир кўрсатиб, оғир шароитларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш имконияти бўлмаганидан тушкунликка тушишларига сабаб бўлган.

Шимолий кавказликлар халқ хўжалигининг йўналиши бўйича қуйидаги тартибда: колхозларда 68 968 оила, совхозларда 11 377 оила ва саноат корхона ва ташкилотларида 31 274 оила ҳисобида жойлаштирилди⁵⁹. Мавжуд ҳужжатлар бу халқларни жойлаштириш ишлари жуда оғир кечганлигини кўрсатади.

Республика саноат ташкилотлари ва корхоналарга дастлабки кўчирилганни жойлаштириш аҳволини ўрганиб чиқадиган бўлсак, Олма-Ота шаҳри бўйича 20 июл 1944 йилдаги маълумотга кўра, ГЭС қурилишидаги 524 оила 2 043 киши зах бўлган ертўлалаларда, вақтинчалик палаткалар,

⁵⁸ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп 1. Д. 21. Л. 5.

⁵⁹ АПРК. Ф. 708. Оп. 1. Д. 1820. Л. 14.

ошхоналарда жойлаштирилган. 3-сон ғишт заводида 502 кишидан иборат бўлган 135 оила кўчирилиб, улардан 405 кишига нисбатан яшашга яроқли бўлган барак хоналар берилиб, 80 киши умуман яшаш учун яроқсиз бўлган керамика цехида ёки эшик, ойнасиз, шунингдек, печкаси бўлмаган баракларга жойлаштирилган. Худди шундай аҳвол 1-сонли ғишт заводида ҳам бўлиб, 2-сон қурилиш майдонидаги махсус кўчириб келинганлар вагон ва балаганларда (муваққат биноларда-таъкид бизники- М.Х.) жойлаштирилган⁶⁰. Республиканинг бошқа вилоят корхона ва ташкилотларида ҳам аҳвол шу тарзда эди. Масалан, Жанубий Қозоғистон вилояти Чимкент шаҳридаги «Кельтемашатуголь» конида 30 та махсус кўчириб келинганлар оиласи ертўлаларда яшаганлар⁶¹. Шарқий Қозоғистон вилоятидаги «Иртишстрой» ишчи посёлкасида кўчириб келинган чечен ва ингушлар эса яшаш учун мослаштирилган баракларга 3 400 киши эркак, аёл ва болалар жойлаштирилган, ваҳоланки, бу баракларга 200 киши зўрға сиғса бўлар эди⁶². Талди Қўрғон вилояти Кугалин туманида эса 211 оила ҳаммом, молхона ва товукхоналарда яшаганлар⁶³.

Мавзуга доир ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, Шимолий Кавказ халқларини жойлаштириш ишлари вилоят колхоз ва совхозларида ҳам ёмон бўлган. Масалан, Олма-Ота қишлоқ туманининг кўпчилик колхозларида махсус кўчириб келинганлар шалаш (чайла) ва товукхоналарда яшаганлар. Шунингдек, «Калинин» номли колхозда 14 м кв. майдонга 26 киши жойлаштирилган. «Чапаев», «Париж коммунаси» ва бошқа колхозларда уларга яшаш учун ойна ва эшиксиз уйлар берилган⁶⁴.

Сургун қилинган Шимолий Кавказ халқларига ажратилган уйлар баҳор, қиш фасллари учун оддий талабларга ҳам жавоб бермаган. Аҳолининг жуда зич жойлаштирилиши, яъни бир кишига 1,5-2,5 кв. м. жой тўғри келиб, бу ҳолларда бир хонада

⁶⁰ ЦГА РК. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 337. Л. 52.

⁶¹ ЦГА РК. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 337. Л. 38.

⁶² АПРК. Ф. 708. Оп. 8. Д. 186. Л. 1.

⁶³ АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1807. Л. 121.

⁶⁴ ГА Алма Атинской области. Ф. 685. Д. 875. Оп. 4. Л. 32.

бир неча оила (20-25) киши яшаб, шу хонада овқат пишириб, кир ювиб, соғлом кишилар билан бир хонада касаллар туриши, бу халқлар орасида юқумли кассаликлар, айниқса, тиф касаллигининг кўпайиб кетишига сабаб бўлади⁶⁵. Биргина Қизил Ўрда вилоятида махсус кўчирилганларни жойлаштиришнинг дастлабки йили бир ой ичида тиф касаллигидан 87 киши вафот этган, улардан 43 таси ёш болалар бўлган⁶⁶, Талди Қўрғон вилояти Бюрле тепа туманида эса июл август ойида касалликдан ўлган 96 кишидан 35 таси ёш болалар бўлган⁶⁷. Жанубий Қозоғистон вилоятида ҳам 1944 йил март ойидан 1 сентябрга қадар 378 киши турли хил касаллик туфайли вафот этган, улардан 150 тасини ёш болалар ташкил қилган⁶⁸. Умумий ҳисобда эса 1944 йил 1 апрелига келиб Қозоғистоннинг 11 та вилоятлари бўйича Шимолий Кавказликлардан 4 168 киши касалланганлар сифатида рўйхатга олинган⁶⁹.

Республика вилоятларида доимий равишда санитария ишларини олиб бориш учун совунлар захираси, махсус кўчириб келинганларнинг кийимлари ва уйларини дизенфекция қилиш учун эса хлоропикрин бўлмаган. Натижада касалликлар маҳаллий халқлар орасида ҳам тарқалиб, жуда хавфли тус олган⁷⁰.

Тўғри, ёқилғининг етишмаслигига қарамай санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида ўша даврдаги баъзи жойларда ҳаммомлар ташкил этилар эди, аммо махсус кўчириб келинганлар у ерга хоҳламай борар ёки умуман бормаганлар. Сабаби эса, баъзи раҳбарлар тушунтирганларидек, уларнинг ювинмасликка ўрганганликлари эмас, балки биринчи навбатда уларни совуқ ва зах уйлар – яшаш жойлари кутиб турса, иккинчидан, уларнинг алмаштириш учун кийимлари ҳам бўлмаганлигида эди⁷¹.

⁶⁵ ЦГА РК. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 337. Л. 56 об.

⁶⁶ АПРК. Ф. 708. Оп. 8. Д. 113. Л. 28.

⁶⁷ АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1807. Л. 121.

⁶⁸ АПРК. Ф. 708. Оп. 8. Д. 1322. Л. 5.

⁶⁹ Репрессирование народы России: чеченцы и ингуши. – М. 1994. – С. 132.

⁷⁰ Репрессирование народы России: чеченцы и ингуши. – М. 1994. – С. 132.

⁷¹ ЦГА РК. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 337. Л. 55.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, республикада санитария ишларини биров яхшилаш учун ёқилғи ўрнига ажратилган саксовул ҳам мақсадга мувофиқ ишлатилмаган. Масалан, Олма-Ота ГЭС қурилиш бошлиғи Бойнасеев Шимолий Кавказдан сургун қилинган 1950 киши учун ажратилган 8 тонна саксовулни 10-20 кишидан иборат ўз ишчиларга тарқатиб юборган⁷².

Шимолий Кавказликларнинг дастлабки кўчирилиш йилларида ўлим сонининг юқори бўлиши сабабларидан бири, бу яшаш жойларнинг энг зарур талабларга жавоб бермаганлиги, жойларда санитария ва дизенфекция ишлари олиб борилмаганлиги натижасида юқумли касалликларнинг кенг тарқалиб кетишидир. СССР НКВДсининг 1945 йилги маълумотида кўра, сургун қилинган Шимолий Кавказликлардан 44652 киши вафот этган⁷³.

40-йилларга келиб Қозоғистон ҳудудига мамлакатнинг ғарбий туманларидан ярим миллиондан ортиқ бошқа халқларнинг (немис, корейс, қрим-татарлар ва бошқалар) сургун қилинганлиги, бу халқлар билан бир қаторда Шимолий Кавказ халқларининг жойлаштирилиши масаласини янада кескинлаштирар эди.

Шу ўринда яна Шимолий Кавказдан сургун қилиб келтирилганлар сони қанча бўлганлиги масаласига қайтадиган бўлсак, бу масала бўйича архив материалларида кўпгина чалкашликларга йўл қўйилган. Бунинг биринчи сабаби: кўп ҳужжатларда уларнинг сони бошқа сургун қилинган халқлар – қрим- татарлар, грузинлар, қалмиқлар, немислар ва бошқалар билан умумий ҳолда кўрсатилгани бўлса, иккинчидан, махсус кўчириб келтирилган оилаларнинг республика вилоятлари бўйича кўпайиши ёки камайишга сабаб, бу армия ва госпиталлардан қайтганлар, кўчирилиш пайтида мажбуран

⁷² ЦГА РК. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 337. Л. 57.

⁷³ Бугай Н.Ф. 40-50-е годы: последствия депортации народов (свидетельствуют архивы НКВД-МВД СССР). // История СССР.- 1992.-№ 1- С.122-143.

ажрашиб кетган қариндош-уруғ, оилаларнинг бирлашиши ёки оилаларнинг мустақил иккита оилага бўлиниши, МВД буйруғига кўра бошқа республикалардан кўчириб келинган ёки кетганлар ҳисобига эди.

Юқорида айтиб ўтилганларни биз Олма-Ота вилояти мисолида кўришимиз мумкин. Бу вилоят бўйича махсус кўчириб келтирилганларнинг ҳўжалик ва меҳнат шароити бўйича йиллик ҳисоботида кўйидагилар ҳақида маълумот берилади: агар 1946 йил 1 январига келиб чеченлар 12 750 киши бўлган бўлса, 1947 йилга келиб уларнинг сони 14 388 кишига, ингушлар 299 кишидан 478 кишига, болқорлар 947 кишидан 10 091 кишига, қорачайлар 47 кишидан 68 кишига ўзгарган⁷⁴. Шунингдек, 1945 йилдан бошлаб, саноат корхона ва ташкилотларида махсус кўчириб келтирилганларнинг сони ошиб борди. Олма-Ота шаҳрида 1944 йил март-апрель ойларида Шимолий кавказликларнинг 559 оиласи 8 та ташкилот ва корхоналарга жойлаштирилган бўлса, 1945 йил 1 апрелга келиб, уларнинг сони 1 650 оиладан ошиб, улар жойлаштирилган корхона ва ташкилотларнинг сони ҳам 250 тага етди⁷⁵. Бунинг асосий сабабларидан бири Қизил Армия сафидан бўшатирилганларнинг саноат корхоналарига жойлаштирилиши бўлса, иккинчидан, кўпгина колхоз ва совхозлардаги оилалар ҳўжаликларидаги ишлар мавсумий бўлганлиги сабабли саноатга ўтганлар. Мисол учун, республикага сургун қилинганлар бўйича берилган умумий ҳисоботга кўра, агар 1946 йил корхона ва ташкилотлардаги махсус кўчириб келтирилганлар сони 36 000 оилага яқин бўлган бўлса, 1947 йилга келиб, уларнинг сони яна 3000 оилага кўпайган, бир йил ичида колхозлардаги оилалар сони 60 653 оиладан 9 618 оилага камайган. Бу ҳужжатда айтилишича, саноатда улар сонининг кўпайишига сабаб «бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш кафолатланган эди»⁷⁶. Бу фактни Олма-Ота вилояти мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, 1946 йил 1 январь маълумотида кўра, махсус кўчиртилганлар

⁷⁴ ГА Алма-Атинской области. Ф. 1881. Оп. 1. Д. 5. Л. 2.

⁷⁵ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 71.

⁷⁶ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 111.

Олма-Ота вилояти саноат ташкилотларида 1 889 киши бўлган бўлса⁷⁷, шу йилнинг 10 августига келиб саноат корхоналаридагилар сони 206 кишига, 10 ноябрга келиб эса, уларнинг сони 275 кишига ошган⁷⁸. 50-йилларга охирига келиб ҳукумат қарорига кўра махсус кўчириб келтирилган халқларга бир региондан иккинчи регионга кўчиб ўтиш рухсат берилгандан сўнг, вилоят ва туманлардаги Кавказ халқларининг сони доимий равишда ўзгариб тура бошлайди. Махсус кўчириб келтирилган халқлар шу жумладан, Кавказликлар ўз ватанларига қайтиш иштиёқида шаҳар, туман марказларига кўчиб кела бошлайдилар. Иттифоқ министрлиги кенгашига Қозоғистон ССР Министрлар кенгаши раиси Тайбеков ва Марказий қўмитаси котиби Шайаҳметовнинг «мутлақо махфий» грифи остидаги 1952 йил 10 мартдаги хатида маълумот берилишича, Қозоғистон ССР вилоят шаҳарлари, туман марказлари ва темир йўл станцияларида яшовчи махсус кўчиртирилганларнинг сони бу даврга келиб аҳамиятли тарзда ошиб борган ва 1952 йил 1 январга келиб 135 581 кишини ташкил этган. Уларнинг шаҳар ва ишчи посёлкаларидаги сони қишлоқ жойларида кўчиб келган кўп миқдордаги чечен ва ингушлар ҳисобига кўпайган⁷⁹.

Шундай қилиб, СССР Олий Кенгаши қарорларига кўра, ярим миллиондан ортиқ Кавказ халқлари 1943-1944 йилларда Марказий Осиё республикаларига кўчирилади. Аммо, иккинчи жаҳон уруши бораётган даврда бу республикалар ҳудудига мамлакатнинг ғарбий Туманларидан ярим миллиондан ортиқ бошқа халқлар (немис, корейс, крим-татар ва бошқалар) ҳам сургун қилинган эдилар, бу эса уларни жойлаштириш масаласини янада кескинлаштирган эди.

⁷⁷ ГА Алма-Атинской области. Ф. 1881. Оп. 1. Д. 5. Л. 21.

⁷⁸ ГА Алма – Атинской области. Ф. 685. Оп. 4. Д. 875. Л. 10.

⁷⁹ Репрессированные народы России: чеченцы и ингуши. – М. 1994. – С . 193.

II БОБ

Марказий Осиё республикаларида Кавказ халқларининг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий аҳволи.

Сургун қилинган халқларнинг ҳуқуқлари ҳақида гапирар эканмиз, шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, ўша даврда ҳукм сурган тоталитар тузум давлат томонидан белгиланган ҳеч қайси ҳуқуқий нормалар билан ҳисоблашмас эди. Бу тузум шароитида бу ёки у усулнинг ҳуқуқий экани муҳокама қилинмас, энг асосийси, фаолият кўрсатаётган тизимнинг асоси бузилмаслиги зарур эди. Агар урушдан олдин халқларни депортация қилиш ҳақидаги қонунлар ўзининг конституцион ҳуқуқларга зид бўлган моҳиятини сал бўлса ҳам яширишга ҳаракат қилган бўлса, уруш давридаги ва урушдан сўнгги дастлабки йиллардаги сургун қилинган халқларга нисбатан қонунлардаги расмийчилик ниқоблари олиб ташланиб, уларнинг реакцион йўналишлари яққол кўринди⁸⁰. Бу вазиятда СССР Прокуратурасига алоҳида ўрин белгиланиб, унинг жойлардаги бўлимлари эса «ҳуқуқларни ҳимоя қилишга жалб қилинади, улар жойларда қаттиқ назорат олиб боришлари, шу ҳисобдан халқларни сургун қилиш борасидаги тадбирларда иштирок этиб, мамлакатдаги ғавқулодда ҳолатларда давлат қонун чиқарувчи органлар сифатида фаолият кўрсатган СССР НКВД, ички ишлар министрлиги ва Давлат Мудофаа қўмитаси кўрсатмалари, буйруқлари асосида сургун қилинган халқларнинг ҳаётларини бошқарар эдилар⁸¹.

Қонунчиликни назорат қилувчи орган ҳисобланган СССР Прокуратураси аслида эса кўчирилиш жойларидан қочган махсус кўчирилганларга чоралар кўриш, уларни жойларига қайтариш, норозилик ҳаракатларида қатнашганларнинг ишларини тафтиш қилиш билан шуғулланарди.

1945 йил январга қадар сургун қилинганларнинг ахлоқий нормалари махсус кўрсатма, буйруқ, инструкциялар билан

⁸⁰ Депортированные в Казахстан народы. Алматы: 1998. – С. 346.

⁸¹ Бугай. Н. Ф. Гонов А. М. – Кавказ : народы в эшелонах. –М. 1998. - С. 230.

катъий белгиланган бўлса, 1945 йилдан сўнг махсус кўчириб келтирилганларнинг ҳаёти ниҳоят, янги жойларда ҳуқуқий томондан белгилаб берилди. 1945 йил 8 январдан СССР ХККнинг «Махсус кўчириб келтирилганларнинг ҳуқуқлари ҳақида»ги махсус қарори кучга киради. Бу қарорнинг биринчи бандига кўра, «Махсус кўчириб келтирилганлар қуйидаги чекланишлардан ташқари, СССР фуқароларининг ҳамма ҳуқуқларидан фойдаланадилар». Чекланган ҳуқуқлар ўқилар экан, кишининг кўнглини кўтарувчи биринчи бандда кўрсатилган ҳуқуқлар йўққа чиқади; энг аввало махсус кўчириб келтирилганлар НКВД махсус комендатураси рухсатсиз жойлаштирилган туманларидан чиқа олмас эдилар⁸². Натижада кўчирилиш вақтида ажралишга мажбур бўлганлар ўз оилалари, қариндош – уруғлари билан учрашишдан маҳрум бўладилар. Ҳудди шундай тарзда оилаларнинг ажралиб кетиш фактлари ўша давр учун характерли бўлиб, кўрилган маълумотлар кўпгина оила аъзоларининг бир – бирини излаши жуда оғир бўлганини кўрсатади. Чечен Х. Мусаев ўз эсдаликларида қуйидагиларни сўзлаб беради: «Бизни Кустанай вилоятига жойлаштирдилар. Қишлоқдан чиқиш мумкин эмас эди, аммо хат орқали алоқада бўлиб турар эдик ва почта орқали онам Жамбул вилоятида жойлаштирилганини билиб олдим. У ерга бориш ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди: комендатура ҳеч қандай илтимосларга эътибор бермас, рухсатномасиз кетиш эса, узоқ муддатга қамалиш дегани эди. Менинг онам билан учрашувим фақат узоқ 11 йилдан сўнг бўлди...»⁸³.

Жойлаштирилган туманлардан ўзбошимчалик билан чиққанлар қочоқ сифатида қаралиб, жиноий жавобгарликка тортилар эди. Шунингдек, махсус кўчиртирилганлар – оила бошлиқлари ёки уларнинг ўринбосарлари 3 кун ичида оила таркибидаги ўзгаришлар (бола туғилиши, оила аъзосининг вафоти, қочиш ва бошқалар) ҳақда маълумот бериб туришлари

⁸² Бугай Н.Ф. 40-50-е годы: последствия депортации народов (свидетельствуют архивы НКВД-МВД СССР). // История СССР.- 1992.-№ 1- С. 126.

⁸³ Белая книга. Из истории выселения чеченцев и ингушей. 1944 – 1957 гг. – Алма-Ата. 1991. – С.80.

шарт бўлиб, уларнинг ҳар бирларига эса бу ҳақида кўрсатма берилган ва жамоа тартибини қаттиқ риоя қилиш мажбурияти юклатилган. Бу мажбуриятни бажармаганлар маъмурий йўл билан белгиланган жазога; яъни 100 сўм жаримадан 5 суткагача ҳибсга олинар эдилар⁸⁴.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўчирилиш шароитининг муҳим томони – сургун қилинганларнинг яшаш тартиби ва бу борадаги ахлоқий нормаларнинг ҳамма тури уруш даврида алоҳида ҳуқуқларга эга бўлган махсус комендатуралар томонидан белгилаб бериларди. Мисол учун, қорачайларни сургун қилишга тайёргарлик вақтида уларни кўчирилган жойларда қандай назорат қилиш кераклиги ҳақида кўрсатмалар берилиб, унга мувофиқ назорат махсус комендатуралар орқали олиб борилиши керак бўлган. Унга кўра, 700 оилага ўртача 1 та комендант тўғри келиб, комендантларнинг 50% и Қозоғистон НКВДси маҳаллий ишчилари бўлса, 50% собиқ Қорачай автоном вилоятидагилар ташкил қилган эди. 1943 йил декабрь – 1944 йил январь ойларида Қозоғистон ССРнинг Жанубий Қозоғистон вилоятида 13та, Жамбул вилоятида 11 та комендатура ташкил этилган бўлса⁸⁵, 1944 йил сентябр ойига келиб уларнинг сони республика бўйича 488 тага етади⁸⁶. Кўп ҳолларда маҳаллий ҳукумат органлари ўзларининг ҳаракатларини махсус комендатура раҳбарлари билан келиштиришлари шарт эди. Махсус комендатураларнинг тўлиқ ҳуқуқларини эса СССР ХКК томонидан 1945 йил 8 январда тасдиқланган «махфий» грифи остидаги «НКВД махсус комендатураларининг мавқеи» ҳақидаги қарори белгилаб берар эди. Бу қарорга кўра, НКВД махсус комендатуралари комендантлари кенг ҳуқуқий ваколатларга эга бўлиб, махсус кўчириб келтирилганларни рўйхатга олишлари, улар устидан назорат олиб боришлари, «антисовет элементлари» ва жинойтчиларни, шунингдек, қочганларни излашлари, ҳар

⁸⁴ Полян П. Не по своей воле... История и география принудительных миграций в СССР. О.Г.И. – мемориал. – М, 2001. – С.144.

⁸⁵ Бугай. Н. Ф., Гонов А. М. –Кавказ : народы в эшелонах. –М, 1998. –С. 232.

⁸⁶ Кокурин И.А. Спецпереселенцы СССР в 1944 году или год большого переселения.// Отчественные архивы. 1993. №5. - С.107.

қандай тартибсизликни бартараф этишлари, сургун қилинганларни жойлашган ерларида уларнинг хўжалик ва меҳнат шароитларини назорат қилишлари ва зарур тадбирлар ўтказишлари лозим бўлган. Махсус кўчирилганларга жойлашган тумандан вақтинча чиқиш учун рухсатномалар бериш ҳам улар зиммасига юкланган⁸⁷, корхона ва ташкилот раҳбарлари бу ҳуқуқдан маҳрум бўлган. Шу мақсадда ташкил қилинган махсус комендатуралар сони 1949 йили апрель ойида 2 679 тага етган бўлиб, бу штатлар фақатгина бир томоннинг ҳуқуқини – яъни давлат ҳуқуқи бўлган маъмурий назорат ва тартибга риоя қилишликни таъминлар эди⁸⁸.

СССР Олий Кенгаши Президиумининг 26 ноябрь 1948 йилда «Улуғ Ватан уруши даврида Иттифок ҳукуматининг узоқ туманларига сургун қилинган шахсларнинг мажбурий ва доимий жойлаштирилган жойларидан қочганлиги учун ҳуқуқий жавобгарлиги тўғрисидаги» қонун бадарға қилинган халқларнинг сургун муддати ҳақидаги саволга жавоб бериб⁸⁹, унинг кириш қисмида шундай дейилган: «Улуғ Ватан уруши даврида СССР Олий органлари томонидан сургун қилинган чеченлар, қорачайлар, ингушлар, болқорлар, қалмиқлар, немислар, қрим-татарлари ва бошқаларни жойлаштиришдаги тартибни мустаҳкамлаш мақсадида ҳамда улар бадарға қилинган вақтда сургун муддати белгиланмаганлиги сабабли, юқорида кўрсатилган шахсларнинг Иттифок ҳукуматининг олис туманларига кўчирилишини бир умрга, олдинги яшаш жойларига қайтиш ҳуқуқсиз деб белгилансин». Бу фикр СССР Давлат хавфсизлик министрининг 1951 йил 24 октябрдаги № 00776-сон қарорида ҳам такрорланади: «Қуйидаги санаб ўтилган махсус кўчирилганларга: немис, қалмиқ, ингуш, чечен, болқор, қорачай, грек ва қрим татарларига тилхат билан СССР Олий кенгашининг 9 октябр 1951 йилдаги қарорига биноан улар бир умрга махсус кўчиртирилганликлари эълон қилинсин»⁹⁰.

⁸⁷ Бугай Н.Ф. Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах. – М.1998. – С.232.

⁸⁸ Репрессированные народы России: чеченцы и ингуши. – М. 1998. –С. 173.

⁸⁹ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы. 1998. – С. 347.

⁹⁰ Ўша жой.

Юқорида кўрсатилган халқларни бир умрга сургун қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган давлат, бунга эришиш усуллари ҳам танлайди. Бу қарорлардан сўнг кўплаб сургун қилинганлар кўчирилган жойларидан қоча бошлаган. Қочоқлар ичида Шимолий кавказликлар кўпчиликти ташкил қилган. Бундай қочоқларнинг сони умумий ҳисобдан 3,5% ни ташкил қилган ва 1949 йилнинг ўзида улардан 2 208 киши ушланган⁹¹.

СССР ички ишлар министрлиги маҳаллий органларининг махсус кўчирилганлар устидан ўтказаетган маъмурий назоратини вақти-вақти билан текшириб, бундай қочишларни бартараф этиш учун ҳамма чораларни кўрар эди. СССР Давлат хавфсизлик министрлигига темир йўл ва сув транспортида «Мажбурий кўчириш жойларидан қочганларни аниқлаш, уларни ҳибсга олиб қайтариш учун ҳамма чораларни кўриш» мажбурияти юклатилади⁹². Мажбурий жойлаштирилган жойлардан қочган одамлар жиноий жавобгарликка тортилиб, улар учун жазо 20 йил сургундаги меҳнат қилиб белгиланган. Мажбурий кўчирилган жойлардан қочган одамларга ёрдам берган, уларни яширган ёки уларни олдинги жойларига қайтишлари учун рухсатнома берган ва олдинги жойларида жойлашишга кўмак берганлар ҳам жавобгарликка тортилган ва 5 йилгача озодликдан маҳрум қилинган.

Маҳаллий комендатура ва НКВДнинг бошқа органларида махсус кўчиртирилганларни рўйхатга олиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва қайд қилиш жараёни инсон қадрини камситувчи тарзда олиб борилган. Комендатура ўта синчковлик билан махсус кўчиртирилганларнинг ҳар бир қадамини майда – чуйдасигача шафқатсизлик билан назорат қилар эди. Бошқа сўз билан айтганда, ҳеч ким давлатнинг сургун қилинган халқларга нисбатан аҳдининг қатъийлигига шубҳаланмаслиги керак эди.

Миллати чечен бўлган Х.И. Хутуев ўзи гувоҳ бўлган қўйидаги воқеани келтиради. Миллати болқор бўлган А. М. Эльбаев ва К. Х. Шаваеваларнинг никоҳ тўйи маросимида комендант унинг рухсатсиз турмушга чиққани учун келинни

⁹¹ Полян П. Не по своей воле... История и география принудительных миграций в СССР. О.Г.И. – мемориал. – М.2001. – С.144.

⁹² Репрессированные народы России: чеченцы и ингуши. – М. 1994. – С. 163-164.

ҳибсга олади. Яна бир воқеа, 1948 йил 2 май куни Фрунзе (Қирғизистон)дан узоқ бўлмаган дарахтзорда махсус кўчириб келинган қорачайлар йиғилиши бўлади. Гармонь садоси остида «Кабардинка» рақси бошланади. Тез фурсатда «жиноят содир этилган» ерга капитан бошлиқ ҳарбийлар етиб келиб, тўйга келганлардан ҳужжатлар талаб қилади. Ҳамма нарса жойида бўлгани аниқланганидан сўнг, НКВД ходимлари бу «бандитлар мусиқаси» тугатилсин деб буйруқ беради⁹³.

Махсус кўчиртирилганлар статусини тартибга солувчи қонунчилик нормаларининг амалда қўлланилиши кўп ҳолларда сургун қилинган халқларнинг шундай ҳам қийин шароитини янада оғирлаштирган. Уларни ҳақ-ҳуқуқсиз фуқаролар ҳисоблаб, ҳар томонлама ҳақоратлаганлар.

Мисол учун Семипалатинск вилояти Кўкчатов туманида кавказликлар комендатура ишчилари ва бир қатор колхоз раҳбарлари томонидан қонунсиз равишда ишлатилиб, уларга мажбурий тарзда уйлар қуриш, томорқаларга қараш, ёқилғи тайёрлаш ишлари бепул қилдирилган. Шу туманнинг «Красная поляна» колхозида уларга давлат томонидан ажратилган маҳсулотлар тарқатилмаган⁹⁴. Жанубий Қозоғистон вилоятидаги цемент завод раҳбарияти касаллиги туфайли ишга чиқа олмаган махсус кўчиртилганларни нон карточкалари ва турар жойларидан маҳрум қилган⁹⁵.

Шунингдек, Кустанай вилояти Қорабалиқ туманидаги «Учқудук», «Жада-Саун» колхозларида, Урицкий туманидаги Дмитров номли, Шевченко номли, «Қизил октябрь» колхозларида, Оржонокидзе тумани «Коминтерн», Калинин номли колхозлар ва бошқа колхозларнинг раҳбарлари томонидан махсус кўчиртирилганларнинг меҳнат ҳақлари ноқонуний тарзда қисқартирилган⁹⁶, баъзи раҳбарлар эса ишчи кучининг етарлилигини баҳона қилиб уларни умумун ишга қабул қилмаганлар ва «чеченлар бизнинг душманларимиз,

⁹³ Бугай Н.Ф., Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах. – М. 1998. – С. 231.

⁹⁴ АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 1027. Л.Л. 9-11.

⁹⁵ АПРК. Ф. 708. Оп. 8. Д. 1322. Л. 5.

⁹⁶ ЦГА РК. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 336. Л. 30.

уларни очликдан қириб ташлаш керак» деган фикрларни ҳам билдирганлар⁹⁷.

Архив ҳужжатларининг маълумот беришича, раҳбарларнинг ноқонуний ва ноинсоний муносабатлари туфайли биргина Актюба вилояти Темир тумани Киров номли колхозда 18 киши⁹⁸, Жанубий Қozoғистон вилояти Тюлқубас туманидаги «Кельмашатауголь» кони ва «Ачисой» корхонасида 600 га яқин киши ҳаётдан бевақт кўз юмган⁹⁹.

Шунингдек, Қozoғистон халқ комиссарлиги кенгаши махсус кўчирилганлар бўйича бўлим бошлиғининг маълумотномасида сургун қилинганлар устидан ўзбошимча суд ва зўравонлик фактлари кўрсатиб ўтилган. Масалан, Талди Қўрғон вилояти Киров туманида ферма бошқарувчиси Тактабоев эмизикли бола билан ишга чиқа олмаганлиги учун уни омборхонага қамаб қўйишган¹⁰⁰ ёки Семипалатинск вилояти Жармин туманидаги касалхонага олиб борилган 5 ёшли чечен қизчаси Висаригова нарсалари билан кўчага чиқариб юборилган¹⁰¹. 1944 йилнинг ўзида картошка ўғирлаганликда гумон қилиниб ёки фақатгина далага кирганлиги учун маҳаллий аҳоли ва колхоз раҳбарияти иштирокида Талди Қўрғон вилояти Кутелин туманида махсус кўчириб келинганлардан Усимов, Мурадов, бошқа колхоздан Накаевлар¹⁰², Талди Қўрғон туманида 60 ёшли чечен У.Гаплиев ўзининг ёш боласи кўз олдида калтакланиб ўлдирилади¹⁰³. Худди шу тарзда зўравонлик билан Семипалатинск вилояти Кўкчатов тумани «Красная поляна» колхозида 30 та маҳаллий аҳоли вакиллари 2 та чечен аёлини калтаклаб¹⁰⁴, Шарқий Қozoғистон вилояти Лениногорск туманида ҳеч қандай айби бўлмаган Илясов ва Дамбраиловлар маҳаллий аҳоли вакили Немцов томонидан қуролдан ўқ отиб ўлдирилган¹⁰⁵. Кўп

⁹⁷ АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1807. Л. 121.

⁹⁸ АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 315. Л. 10.

⁹⁹ АПРК. Ф. 708. Оп. 8. Д. 1322. Л. 5.

¹⁰⁰ АПРК. Ф. 708. Оп. 10. Д. 1855^а. Л. 90.

¹⁰¹ АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 1027. Л. 47.

¹⁰² АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1807. Л. 151.

¹⁰³ АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 1027. Л. 82.

¹⁰⁴ АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 1027. Л. 9.

¹⁰⁵ АПРК. Ф. 708. Оп. 10. Д. 203. Л. 43.

ҳолларда суд ва прокуратура органлари бу ишларни четлаб ўтиб, айбланувчиларни жазосиз қолдирганлар.

Махсус кўчирилган халқларга нисбатан яна бир қатор қарорлар чиқарилди. Бу қарорларга кўра, чечен, ингуш, болқор ва қорачай халқлари вакиллари партияга, олий ўқув юртларига қабул қилинмас, улар фақат иккинчи даражали ишчилар сифатида қаралиб, раҳбарлик лавозимларига кўтариш, жамоатчилик ишларини бошқариш ҳам ман этилади. Шунингдек, улар Қизил армия сафига қабул қилинмас ва тақдирланмас ҳам эдилар¹⁰⁶.

1952 йил 11 мартдан СССР Олий кенгаши президиумининг «Жазо муддатини ўтаганларнинг оилаларини кўчирилган жойларга махсус кўчириш ҳақида» кўрсатмаси турли хил жиноят учун қамоқхона, меҳнат колонияларида жазоларини ўтаб бўлган қорачай, ингуш, чечен, болқор, қалмиқ, немис ва бошқаларга тегишли эди. Бу кўрсатмага мувофиқ, улар борган жойларида МГБнинг маҳаллий бўлимлари томонидан назорат остига олинадилар. Уларга ҳам 26 ноябрь 1948 йилги қарор бевосита тааллуқли эди¹⁰⁷.

Фақатгина 50 йилларга келиб давлат сиёсати сургун қилинган халқларга нисбатан бир оз ўзгара бошлади. СССР Министрлар кенгашининг 1954 йил 5 июлда № 1439 – 649 с сонли «Махсус кўчирилганларнинг ҳуқуқий ҳолатидан баъзи чекланишларни бартараф этиш» ҳақидаги қарори қабул қилинади. Бу қарорда айтилишича, мамлакатдаги ва махсус кўчирилганлар ҳаётида бўлиб ўтган ўзгаришлар туфайли уларга нисбатан баъзи чекланишлар зарур бўлмай қолади. Ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб, рўйхатда турган махсус кўчиртирилган халқларга шу вилоят ҳудудида яшаш ҳуқуқи берилиб, уларга хизмат сафарлари бўйича умумий асосга кўра мамлакатнинг турли туманларига эркин боришга рухсат этилади. Ички ишлар министрлиги рўйхатидан ўтиш йилига бир марта қилиб белгиланади. Органларда 16 ёшгача бўлган болалар рўйхатдан чиқарилиб, маъмурий назоратдан озод

¹⁰⁶ Изгой общества или без вины виноватые. // Вайнахский вестник. 1994. 24 февраля. – С. 4.

¹⁰⁷ Бугай Н. Ф. Гонов А. Н. Кавказ: народы в эшелонах. – М. 1998. – С. 236.

этилади. Кейинчалик болаларга махсус кўчирилганлар учун белгиланган ҳуқуқий чекланишлар умуман қўлланилмайди. Шунингдек, кўчиртирилган жойлардаги тартибни бузганлиги учун маъмурий жазо усуллари, жарима ва ҳибслар ҳам бекор қилинади¹⁰⁸.

Бу қарорнинг махсус кўчиртирилган халқларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маърифий ҳолатига бўлган таъсирини мазкур тадқиқотнинг кейинги бобларида кўриб чиқамиз.

Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган материаллар махсус кўчириб келтирилган халқларнинг ҳуқуқлари ҳар томондан чегараланиб, ўша давр қонунчилик тизимининг ҳукумат ва давлат структурасига сўзсиз хизмат қилганини кўрсатади. Давлатнинг бутун шафқатсиз – репрессив тузуми, бу халқларнинг ўз ватанларини унутишга ва бир умрга бадарға этилганликларига кўникишга қаратилган эди.

Сургун қилинган халқларнинг **ИЖТИМОЙ** аҳволи масаласини кўриб чиқадиغان бўлсак, Қозоғистоннинг Жамбул вилояти ижроия кенгаши ва Ўзбекистон ХККси биринчи навбатда кавказликларнинг ҳуқуқлари билан бирга ижтимоий таъминоти ҳақида маълумот беришни сўрайди. СССР НКВДси бу сўровга қуйидагича жавоб беради: «Улар учун кўчирилган жойлардан кетишдан ташқари ҳеч қандай фуқаролик ҳуқуқлари чегараланмайди ва уларнинг ҳар қандай ижтимоий таъминот турларига тўлиқ ҳуқуқлари бор»¹⁰⁹.

Кейинчалик жойларга СССР ХККнинг «Махсус кўчириб келинганларга пенсия ва нафақа тўлаш ҳақида»ги қонун лойиҳаси юборилади. Бу ҳужжатга кўра чечен, ингуш, қорачай, болқор, қрим татарлар ва бошқаларга пенсия ва нафақалар Қизил Армия ва Ҳарбий денгиз флотида хизмат қилаётганлар оилаларига, урушда ҳалок бўлганлар оилаларига, ногирон ва меҳнат пенсионерларига, кўп болали оилаларга тўланиши қарор қилиниб, қонун қабул қилингандан сўнг Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Халқ комиссарлар

¹⁰⁸ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы. 1998. – С. 348.

¹⁰⁹ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы. 1998. – С. 348.

кенгаши шунга риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатиши керак эди¹¹⁰. Аммо кўпгина ҳолларда бу ёзувлар фақат қоғозларда қолиб кетади. 1946 йил учун Олма-Ота вилоятида жойлашган махсус кўчирилиб келинганларнинг хўжалик ва меҳнат шароити бўйича йиллик ҳисоботда маълумот берилишича, бу вилоятлардаги қариялар ва ногиронлар сони 2 045 киши бўлиб, давлат нафақасини фақат 46 киши олган¹¹¹.

Республиканинг қолган вилоятларида ногирон ва нафақахўрларнинг аҳволи ҳам Олма-Ота вилоятига ўхшаш бўлиб, Оқмола вилоятида 2 211 кишидан фақат 281 кишига нафақа тўланган. Актюба вилоятида эса 266 кишидан 62 кишига, Шарқий Қозоғистонда 3 141 кишидан 92 кишига, Жамбулда 2 794 кишидан 58 кишига, Карағандада 693 кишидан 184 кишига, Қизил Ўрдада эса 271 кишидан ҳеч кимга берилмаган, Кўкчетовда 272 кишидан 31 кишига, Кустанайда 984 кишидан 52 кишига, Павлодарда 1 448 кишидан 65 кишига, Шимолий Қозоғистонда 1 908 кишидан 120 кишига, Семипалатинскда 3 098 кишидан 7 кишига, Талди Қўрғон вилоятида 2 192 кишидан 215 кишига, Жанубий Қозоғистонда 769 кишидан 315 кишига, Гурьевда 31 тадан атиги 2 кишига ва Олма-Ота шаҳрида 422 кишидан 36 кишига нафақа тўланган, холос. Республика бўйича умумий ҳисобда 1946 йил ҳисоботига кўра, 22 545 та нафақахўр ва ногиронлар бўлиб, фақат 2 040 кишига нафақа тўланган¹¹².

Қариялар ва ногиронлар уйларига жойлаштирилган махсус кўчирилган халқларнинг сони 1946 йил ҳисоботига кўра, республика бўйича 474 кишини ташкил қилган. Ваҳоланки, уларнинг сони республика бўйича 22 545 кишини ташкил этиб (бу ҳисобга қрим татар, Грузиядан кўчирилган халқлар ва қалмиқлар ҳам киритилган), вилоятлар бўйича қуйидаги тартибда жойлаштирилган.

Жадвал №2. Қария ва ногиронларнинг Қозоғистон республикаси бўйича сони. (1946 й.)

¹¹⁰ Бугай Н.Ф. Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах. – М. 1998. – С. 231.

¹¹¹ ГА Алма-Атинской области. Ф. 1881. Оп. 1. Д. 5. Л. 13.

¹¹² ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 18.

№	Вилоятларнинг номи	Кекса ва ногиронлар Сони	Қариялар ва ногиронлар уйларига жойлаштирилганлар
1.	Олма-Ота	2 045	3
2.	Оқмола	2 221	35
3.	Актюба	266	8
4.	Шарқий Қозоғистон	3 141	24
5.	Жамбул	2 794	1
6.	Қарағанда	693	15
7.	Қизил Ўрда	271	-
8.	Қўкчатлов	272	-
9.	Қўстанай	984	10
10.	Павлодар	1 448	161
11.	Шимолий Қозоғистон	1 908	-
12.	Семипалатинск	3 098	2
13.	Талди-Қўрғон	2 192	5
14.	Жанубий Қозоғистон	769	210
15.	Гурьев	31	-
16.	Олма-Ота шаҳри	422	-
17.	Умумий ҳисобда	22 545	474

Ихтиёримиздаги архив ҳужжатлари махсус кўчириб келтирилганларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи яхши бўлмаганлигидан далолат беради. СССР давлат хавфсизлик министрлигининг маълумотида кўра, 1950 йил июлга қадар «Пенсия ва ёрдам пуллари масаласи тўлиқ ечилмаган. Қозоғистон Республикаси бўйича 1952 йилда ишга лаёқати бўлмаган, иқтисодий томондан оғир аҳволдаги 749 та ёлғиз ва ногирон кексалар аниқланган»¹¹³.

Ҳужжатда айтилишича, қариялар ва ногиронларнинг асосий қисми ўз қариндошлариникида яшаган. Қариялар ва

¹¹³ Бугай Н.Ф. 40-50-е годы: последствия депортации народов. // История СССР. 1992. № 1. – С. 141.

ногиронлар уйида Кавказдан кўчириб келтирилган халқларнинг камлиги уларнинг қадимги анъаналари билан боғлиқдир. Чунки ўтмишда бу халқларда қариялар доимо ҳурмат – иззатда бўлиб, ҳар қандай қийин аҳволда ҳам ўз қариндошлари билан бирга яшаганлар.

Қозоғистон Олий Кенгашининг кўп болали оналарни тақдирлаш ҳақидаги қарорига асосланиб, 1946 йилда Олма-Ота вилоятида 172 та кўп болали оналар аниқланган ва шу ҳисобдан «Қаҳрамон она» ордени билан 2 киши, «Оналик» ордени билан 14 киши, «Оналик» медали билан 118 киши тақдирланган. Республика бўйича эса, махсус кўчириб келтирилган аёллардан «Қаҳрамон она» ордени билан 94 киши, «Оналик шарафи» ордени билан 574 киши ва «Оналик» медали билан 1424 киши тақдирланиб, кўп болалилар учун 2 700 кишига нафақа ажратилган. Бу ҳисобга бошқа махсус кўчириб келтирилган халқлар ҳам киритилиб¹¹⁴, улардан Шимолий кавказликлар жуда ҳам камчиликни ташкил қилган ёки умуман тақдирланмаганлар.

Болалар уйи масаласи бўйича шуни айтиб ўтиш жоизки, кўпгина болалар уйлари мактабгача ва мактаб ёшдаги болалар билан тўлиб кетиб, улар асосан кўчирилиш пайтида ота-онасиз қолган махсус кўчириб келтирилганлар бўлган ва уларнинг аҳволи жуда оғир эди. Мисол учун Павлодар вилояти Цюрипин туманида жойлашган Раевка қишлоғидаги болалар уйи 70 кишига мўлжалланган бўлиб, унда 1946 йилда 234 бола тарбияланган. Хужжатда ёзилишича, «болаларнинг деярли ҳаммаси ярим ялонғоч бўлиб, бир бирлари билан қучоқлашган ҳолда ерларда ухлаб, устиларига ёпишга ҳеч нарса бўлмаган, жойларнинг зичлиги ва атрофнинг расволиги туфайли юқумли касалликлар тарқалиб кетган...»¹¹⁵. Семипалатинск вилоятининг 14-болалар уйига жойлаштирилган 215 та¹¹⁶, Қарағанда вилоятида 416 та¹¹⁷ чечен болалари ва бошқалар ҳам шундай аҳволда бўлган.

¹¹⁴ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 20.

¹¹⁵ АПРК. Ф. 708. Оп. 10. Д. 1831. Л. 22.

¹¹⁶ АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 1027. Л. 28.

¹¹⁷ АПРК. Ф. 708. Оп. 10. Д. 1831. Л. 8.

Баъзи болалар уйилар, масалан, Талди Қўрғон вилояти Қоратол туманидаги болалар уйи кийим-кечак, ётоқларнинг йўқлиги ва болалар уйининг тўлиб кетганлиги сабабли Кавказлик болаларни умуман қабул қилмаган. Шу сабабли тумандаги 40 та қаровсиз болалар колхозчиларнинг уйларига мажбуран тарқатилган¹¹⁸.

Шуниндек, «Ватан хоинлари»га бўлган муносабат махсус кўчирилганларнинг болаларига ҳам қўлланиб, халқ таълими бўлимлари бошлиқларининг кўпчилиги бу болалар билан тарбиявий ишлар олиб борган. Мисол учун, Қизил Ўрда вилоятининг Чили туман халқ таълими бўлим бошлиғи Косназаров болалар уйидаги чечен болаларига нисбатан «сотқинларнинг фарзандлари» сифатида таҳқирли муносабатда бўлиб, антисанитария ва кийим-кечак билан таъминланмаганлик муаммоларини бартараф этмаган¹¹⁹. Бу болалар уйида тарбиячилар болалар билан хоҳлаганларича ёмон муносабатда бўлганлар. Болалар уйи бошлиғи томонидан шу уй тарбияланувчиси Самуралиев қайиш билан урилган. Боланинг елкасида чуқур излар қолган, ...поллар ювилмаган, кийим-кечак йўқлиги туфайли болалар «ярим яланғоч» юрганлар. Ёқилғининг йўқлиги туфайли хоналар бутунлай истилмаган¹²⁰. Бундай аҳвол бошқа вилоятларда ҳам аниқланган.

Республика бўйича 1946 йилнинг охирига келиб аниқланган 5 980 боладан 3 521 таси болалар уйига жойлаштирилган. Қолган 2 353 та қаровчисиз қолган болалардан 1000 таси 1952 йилга қадар ҳам болалар уйларига жойлаштирилмаган.¹²¹

Шимолий кавказликларнинг **иқтисодий** аҳволи ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг дастлабки кўчириш йиллардаги аҳволи турар жой шароитидан ҳам анча оғирроқ эди. Айниқса кўчирилишнинг дастлабки йилларида озиқ-овқат маҳсулотлари

¹¹⁸ АПРК. Ф. 708. Оп. 10. Д. 1855^а. Л. 103.

¹¹⁹ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 291.

¹²⁰ Ўша жой.

¹²¹ Бугай Н.Ф. 40-50-е годы: последствия депортации народов. // История СССР. 1992. № 1. – С. 141.

етишмаганлиги туфайли республиканинг ҳамма вилоят ва туманларида очликдан шишиб кетганлар ва мадорсизланганлар сони кўпайиб кетиб, ўлимлар сони ошиб борган. Мисол учун Актюба вилоятининг биргина Темир тумани «Киров», «Шевченко» номли ва бошқа колхозларида очликдан шишган 146 киши¹²², Семипалатинск вилояти Бородулин туманида 340 киши рўйхатга олинб, 75 киши очликдан ўлган¹²³. Бу масалани Қизил Ўрда туманлари мисолида кўриб чиқсак, 1944 йилнинг ўзида Джалагаш туманида 237 киши, Чили тумани «Энбекши», «Тамантон», «Аши Қудук», «Танкурс» колхозларида 80 киши¹²⁴, Казалин тумани «Меден-Кул», «Сталин», «Ворошилов», «Жана-Талас» колхозларида 359 киши рўйхатга олинган¹²⁵. Кармакчи туманида шу йили 70 киши очликдан ўлган бўлса¹²⁶, Чили туманида 1945 йилда 78 киши вафот этиб, улардан 43 таси ёш болалар бўлган¹²⁷. Бу туманлардаги текширишлар натижасида кишлоқ ва туман кенгашларининг ўликларни кўмишда ёрдам бермагани, шунинг учун махсус кўчириб келинганларнинг ўликлари ҳафталаб кўчаларда қолиб кетганлиги фактлари аниқланган. Иқтисодий оғир аҳвол туфайли очликдан шишган ва мадорсизланганлар сони йил сайин ошиб борган. Агар шу вилоятнинг Тирень Узьяк туманида 1944 йил апрел ойида уларнинг сони 794 та бўлган бўлса¹²⁸, 1945 йил январ ойига келиб 1073 тага етган¹²⁹. 1945 йилнинг 10 феввалидаги маълумотга кўра, Қизил Ўрда вилоятида Шимолий кавказликлар 5 814 оила (21 470 киши) рўйхатда бўлган бўлса, бу халқларнинг 3/1 қисми, яъни 9 минг киши озиқ-овқатга муҳтожлар сифатида рўйхатдан ўтиб, улардан 2000 киши мутассил равишда овқатланмаганлиги туфайли заиф, ҳолсиз ва шишиб кетганларни ташкил этган¹³⁰.

Озиқ-овқат етишмаслиги туфайли юзага келган бундай

¹²² АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 315. Л. 39.

¹²³ АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 1027. Л. 20.

¹²⁴ АПРК. Ф. 708. Оп. 8. Д. 113. Л. 11.

¹²⁵ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 287.

¹²⁶ Ўша жой. Б.288.

¹²⁷ АПРК. Ф. 708. Оп. 8. Д. 113. Л. 11.

¹²⁸ АПРК. Ф. 708. Оп. 8. Д. 113. Л. 11.

¹²⁹ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы. 1998. – С. 288.

¹³⁰ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 19. Л. 1 об.

кескин вазият Кустанай вилояти Қорабалиқ туманидаги «Оқ қудуқ», «Иккинчи большевик баҳори», «Коммунар» колхозларида, Кустанай Туманидаги «Жамбул», «Қизил октябрь», «Ильич васиятлари» колхозларида, Ўрин, Оржонокидзе туманларида¹³¹, Жанубий Қозоғистон вилояти Сари-Агач, Каратас, Чаянов, Келес ва қолган туман колхозларида¹³², шунингдек, Республиканинг бошқа вилоятларида ҳам аниқланган. Умумий ҳисобда эса иттифок ҳукумати НКВДси ҳужжатларига кўра, 1944 йилда Қозоғистон республикасида 225 000 киши озиқ-овқат маҳсулотларига жуда муҳтожлар сифатида рўйхатга олинган. Бу ҳол махсус кўчирилганлар жойлаштирилган бошқа республикаларда ҳам кузатилади. Мисол учун, Қирғизистонда 80 минг киши, Ўзбекистонда 55 000 минг киши, умумий ҳисобда эса жуда муҳтож бўлганлар 360 000 кишини ташкил қилган¹³³.

Бу қийинчиликлар бир томондан уруш йиллари билан боғлиқ бўлиб, барча имкониятлар фронт эҳтиёжига сафарбар этилган эди. Иккинчидан, мамлакат бўйича сургун қилинган халқларнинг асосий қисми Қозоғистонда жойлаштирилиши шундай ҳам оғир бўлган озиқ-овқат таъминоти масаласини янада кескинлаштирар эди. Бу қийинчиликларни маҳаллий аҳоли билан бирга бошидан ўтказган чечен ва ингушлар қуйидагиларни эслайдилар: «Кунлар исий бошлаши билан ёш болалар ҳовлилар бўйлаб тиланчилик қилар эдилар. Турли хил ўтларни териб еб, шўр сув ичиш натижасида турли касалликлар: бет, кўз, қоринларнинг шишиб кетиш ҳоллари кўпайиб кетади... Бир ой давомида бизнинг оилада очликдан 7 киши ўлди... Уларни керакли тарзда дафн қилиш учун эса ҳолимиз йўқ эди...»¹³⁴. Айниқса кўчириш вақтида оила қаровчиларини йўқотган кексалар, аёллар ва болалар ичида ўлим сони кун сайин кўпайиб борарди. «Баҳор давомида уч фарзандим ёруғ дунёдан кўз юмди. Қолган болаларим ҳаётини сақлаб қолиш учун нималаргина қилмадим. Аммо кўпларининг

¹³¹ ЦГА РК. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 336. Л. 31.

¹³² ЦГА РК. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 337. Л. 38.

¹³³ Репрессированные народы России: чеченцы и ингуши. – М. 1994. – С.145.

¹³⁴ Белая книга. Из истории выселения чеченцев и ингушей. 1944-1957 гг. – Алматы:1991. – С. 83.

тақдири меникидан ҳам фожеалироқ эди. Масалан, ўн саккиз нафар оила аъзоси бўлган тоғам (онамнинг акаси)нинг оиласидан фақат битта қизчаси тирик қолди» - деб эслайди уй бекаси С.Исломова¹³⁵.

Махсус кўчириб келтирилганларнинг иқтисодий аҳволини корхона, совхоз ва колхозлар мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, саноат корхона ва ташкилотларда жойлаштирилган ишчиларга карточка бўйича нон берилиши керак эди. Шунинг учун давлат маҳсулот ёрдами бу ишчиларга жорий қилинмас эди. 4 киши ҳисобидаги оиллага 250 сўм маош тўғри келса, ҳар бир кишига кунига 2, 07 сўм маош тўғри келар эди. Бу эса нон карточкалари бўйича нон олишга зўрға етарди, холос¹³⁶. Баъзи вилоятларда эса ноқонуний равишда бу карточкалар бўйича нон бериш камайтирилган. Масалан, Жанубий Қозоғистон вилоятидаги «Кельтемашат» қонидаги маҳаллий ёқилғи саноати халқ комиссари Маковкин ишлаб чиқариш нормасини бажармаган махсус кўчириб келинганлар учун карточкалар бўйича нон беришни камайтирган¹³⁷. Яна шу вилоятнинг Сас-туба цемент заводида махсус кўчириб келтирилган ишчилар учун январь ойида 10-12 кун карточка бўйича нон тарқатилмаган¹³⁸. Республика вилоятларидаги колхоз ва совхозларда жойлаштирилган махсус кўчириб келтирилганларнинг иқтисодий аҳволи корхона ва ташкилотларга жойлаштирилганларникидан фарқ қилмас эди. 1944 йилдаги ҳосилсизлик туфайли колхозлардаги махсус кўчириб келтирилган колхозчилар ишлаган ҳақлари учун жуда кам маҳсулот берилган. Шу сабабли, улар орасида озиқ-овқат таъминоти масаласи жуда оғир бўлган¹³⁹. 1945 йил июнь ойида ҳам Талди Қўрғон вилоятида «озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилмаганлиги сабабли айниқса қишлоқ жойларда озиқ-овқат борасида кескин вазият юзага келган»¹⁴⁰.

¹³⁵ Ўша жой. – Б. 99.

¹³⁶ ЦГА РК. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 337. Л. 59.

¹³⁷ ЦГА РК. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 337. Л. 38.

¹³⁸ Ўша жой.

¹³⁹ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С 287.

¹⁴⁰ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 20. Л. 2.

Ички ишлар министрлиги махсус кўчиртилганлар бўйича бўлим бошлиғи полковник Шияннинг «Қозоғистон ССРдаги кўчирилганлар орасида озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича қийинчиликлар тўғрисида»ги 1949 йилга тегишли маълумотномаси бу халқларнинг кейинги йилларда ҳам иқтисодий аҳволи яхшиланмаганлидан далолат беради¹⁴¹. Бу ҳужжатга кўра, Оқмола, Актюба, Кўкчатов, Кустанай, Шимолий Қозоғистон ва Семипалатинск вилоятларида озиқ-овқатга жуда муҳтож бўлган 118 259 та сургун қилинганлар ҳисобга олиниб, улардан 18 кишининг очликдан ўлганлиги ва 2 590 кишининг дистрофия (ҳолсизлик) билан касалланганлиги ҳодисалари аниқланган. Шунингдек, бу халқлар ўртасида ўлган ҳайвонлар гўштларини истеъмол қилиш фактлари аниқланиб, улар учун ажратилган буғдойларни сотиб олиш учун эса, айниқса кавказликларда маблағ ҳам бўлмаган¹⁴². Бунинг ҳаммаси эса, ўз навбатида норозилик, ўғрилиқнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлган. Масалан, Жамбул вилояти Курдай тумани Успенровка қишлоғида Ахмедов бошчилигида чеченлар ишлай олмаганлиги сабабли уйда ўтирганларга ҳам маҳсулот карточкалари берилмагунча ишга чиқмасликларини айтган. Жамбул тумани Молотов номи колхозда Дадаев бошчилигидаги бир гуруҳ чеченлар уларни жиноят устида ушламоқчи бўлган ферма бошлиғи Молдабоевни уриб, 10 бош қўйни ўғирлаб кетганлар ва ҳоказо¹⁴³.

Қозоғистон халқ комиссарлар кенгаши қошидаги махсус кўчириб келтирилганларни жойлаштириш бошқармасининг маълумотиغا биноан 1954 йил 28 январга кўра, Актюба вилоятидаги махсус кўчирилганларнинг кўпчилиги ишчи хўкизларга қараш билан машғул бўлганлар. Уларга 5 тадан хўкиз тарқатилиб, ҳар бир хўкиз учун 0, 1 меҳнат куни белгиланган. Шунинг учун бу кишиларнинг маоши 0,5 – 0,6 меҳнат кунини ташкил этиб, бу орқали иқтисодий шароитни

¹⁴¹ Бугай Н.Ф. 40-50-е годы: последствия депортации народов. // История СССР. 1992. №1. – С 135.

¹⁴² Бугай Н.Ф. 40-50-е годы: последствия депортации народов. // История СССР. 1992. №1. – С 136.

¹⁴³ АПРК. Ф. 708. Оп. 8. Д. 113. Л. 22.

яхшилаш имкониятлари йўқ эди¹⁴⁴. Бу ҳужжатлар махсус кўчириб келтирилган халқларнинг иқтисодий масаласи 50-йилларда ҳам ўз ечимини тўлиқ топмаганини кўрсатади.

Шундай қилиб, яшаш жойларидан мажбурий тарзда Марказий Осиё республикаларига сурган қилинган Кавказ халқларининг ҳаётлари тўлиқ тарзда НКВД махсус комендатурлари томонидан назорат қилиниб, бунинг учун комендатураларга кенг ҳуқуқий ваколатлар берилган эди. Шу мақсадда ташкил қилинган махсус комендатуралар фақатгина бир томоннинг ҳуқуқини яъни, давлат ҳуқуқи бўлган маъмурий назорат ва тартибга риоя қилишликни таъминлар эди.

Кўчириб келтирилган халқларнинг ижтимоий аҳволи ҳақида гапирадиган бўлсак, расмий ҳужжатларда улар ҳар қандай ижтимоий таъминот турларига тўлиқ ҳуқуқлари бўлгани таъкидланади. Аммо архив ҳужжатлари асосида биз буйруқларнинг аксариат ҳоларда фақат қоғозларда қолиб кетгани тўғрисида хулоса чиқаришимиз мумкин. Бу албатта, бир томондан уруш йиллари билан ҳам боғлиқ эди. Мамлакат бўйича сурган қилинган халқларнинг асосий қисми Қозоғистонда жойлаштирилиши эса шундай ҳам оғир бўлган озиқ-овқат таъминоти масаласини янада кескинлаштирар эди.

¹⁴⁴ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 19. Л. 1 об.

III БОБ

Сургун қилинган халқларни уй-жой билан таъминлаш муаммолари.

Кавказ халқларини депортация қилиш даврига келиб, Марказий Осиё республикаларига мамлакатнинг ғарбидан ярим миллиондан ортиқ эвакуация қилинган халқларнинг жойлаштирилганлигини эътиборга олган ҳолда, уларни айниқса уруш йилларида республика бўйича жойлаштириш, моддий жиҳатдан ва иш билан таъминланишда дуч келинган қийинчиликга қарамай, сургун қилинган халқларнинг янги жойларга келиб жойлашиши билан маҳаллий ҳокимият муассасалари уларга яшаш учун яхши бўладиган шароит яратиб беришга ҳаракат қилган.

Бизга маълумки, кавказликлардан биринчи бўлиб СССР Олий кенгашининг 1943 йил 14 октябрдаги қарорига кўра қорачайлар сургун қилинган эдилар¹⁴⁵. Албатта, улар кўчириладиган ҳудудлардаги ҳокимият органларига олдиндан хабар қилинар эди. Юқоридаги қарорга асосланган ҳолда Қозоғистон халқ комиссарлар кенгаши ва Марказий қўмитаси 1943 йил 27 октябрда «Шимолий Кавказдан махсус кўчирилганларни Жанубий Қозоғистон ҳудудида жойлаштириш ҳақида»ги қарори қабул қилинади¹⁴⁶.

Қарорнинг иккинчи бандида ёзилишича, Жамбул ва Жанубий Қозоғистон вилоятлари ижроия қўмиталари ва Марказий қўмитаси вилоят қўмиталарига махсус кўчирилганларни колхоз ва совхозлардаги бўш биноларга, шунингдек, колхозчилар уйларига вақтинчалик зич тарзда бўлса ҳам жойлаштириш мажбурияти юклатилади. Махсус кўчириб келинганларга 1943-1944 йилларда маҳаллий қурилиш материаллари сомон ва ғиштдан шахсий уйлар қуриб олишларига, жойлардаги бўш уйларни таъмирлаб олишларига имконият яратиб берилиши керак бўлган. Шу билан бирга бу икки вилоят ижроия қўмиталари раислари, вилоят партия

¹⁴⁵ Депортированные в Казахстан народы. — Алматы: 1998. — С. 239.

¹⁴⁶ Депортированные в Казахстан народы. — Алматы: 1998. — С. 273.

қўмиталари котиблари ва НКВД бошлиқлари тартибидаги учликлар ташкил қилиш мажбурияти юклатилиб, бу учликларнинг зиммасига қуйидаги вазифалар юкланган эди:

а) махсус кўчириб келинган халқларни жойлаштирилиши керак бўлган уйларни таъмирлаш, унга маҳаллий қурилиш материалларини ишлатиб, бу ишларни 1943 йил 10 ноябргача тугатиш;

б) махсус кўчириб келинган халқлар жойлаштириладиган колхоз ва совхозларда камида 15 кунга етадиган ёқилғи тайёрлаш;

в) махсус кўчириб келинганларни қабул қилиб олиш учун эшелонлар тўхташ жойларида болалар учун керакли жойлар ажратиш ва махсус кўчириб келинганларни қайнаган сув, нон билан таъминлаш ва тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш;

г) махсус кўчириб келинганларни темир йўл станцияларидан жойлаштириш пунктларигача олиб бориш учун колхоз, совхоз, маҳаллий корхона, ташкилотларнинг автомобиль транспортини сафарбар этиш ва уларни эшелонлар келиш вақтида станцияларга ўз вақтида етказишни таъминлаш;

д) жойлаштириладиган ерлардаги колхозчи ва совхоз ишчиларга махсус кўчириб келинганларга зарур ёрдам беришлари ҳақида оммавий тушунтириш ишларини олиб бориш;

е) махсус кўчириб келинганлар кўчирилиш жойларига келганларидан кейин тезда уларни иш билан таъминлаш ва колхоз, совхоз ишларига ҳамма ишга лаёқатли оила аъзоларини жалб қилиш.

Шу билан бирга Жамбул ва Жанубий Қозоғистон вилоятлари ижроия қўмиталари зиммасига бу қарорнинг 4-бандига мувофиқ, махсус кўчириб келинган халқларнинг кўчирилиш вақтида топширган моллари ўрнига берилган квитанциялар бўйича 25% ини 1943 йилда натура (пул эвазига тўланадиган мол маҳсулот) сифатида қорамоллар ва маҳсулотларнинг қолганини эса 1945 йил 1 январга қадар тарқатиш юклатилади ва ҳоказо.

1944 йилга келиб СССР халқ комиссарлар кенгашининг қарорига кўра, Қозоғистон республикасига умрбод яшаш учун 40 минг қорачайлар, 400 мин чечен ва ингушлар, 25 минг болқорлар ва бошқа халқлар кўчирилгандан сўнг¹⁴⁷, улар учун ҳам 1944 ва 1945 йилларда «Шимолий Кавказдан махсус кўчириб келинганларга хўжалик ва меҳнат шароитини яратиб бериш тўғрисида»ги қарорлар қабул қилинади.

Худди шундай қарорлар Ўзбекистон республикасида ҳам қабул қилиниб, бу қарорларда ишга лаёқатли бўлган махсус кўчирилган халқлардан қишлоқ хўжалиги ва саноатда тўлиқ фойдаланиш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уй-жой қурилишини тезлаштириш ва бошқа масалалар борасида аниқ кўрсатмалар берилади¹⁴⁸. Махсус кўчириб келинган халқларни республика ичига кўчириш ва жойлаштиришни назорат қилиш ва бошқариш Қозоғистон ва Ўзбекистон ССР халқ комиссарлари кенгашига топширилади. Шунингдек, жойларда махсус кўчириб келинганларни жойлаштиришга ёрдам бериш ва раҳбарлик қилиш учун Қозоғистон ва Ўзбекистон ССР КП Марказий қўмитаси ва Халқ комиссарлар кенгашининг вакиллари жавобгар шахслар сифатида сафарбар қилинади¹⁴⁹.

Шундай қилиб, бу қарорларга кўра, биринчи навбатда махсус кўчирилганларни уй-жой билан таъминлаш масаласи қандай ҳал этилганини кўриб чиқадиган бўлсак, айтиб ўтилган, яъни СССР ХКК нинг 1943 йилдаги қарорга кўра, сургун қилинган қорачайлар ва болқорларнинг 11 минг оиласи учун 1943 йил IV квартал учун 200 вагон ёғоч, 10 т. мих ва 10 минг кв. м. ойна, 1944 йил I квартал учун эса 400 вагон ёғоч, 15 т. мих ва 10 минг кв. м. ойна ажратилиши керак эди. Аммо бу қурилиш материалларидан ҳеч қайсиси Марказий Осиё республикаларига берилмаган¹⁵⁰.

СССР ХКК 1944 йил 16 январь 796 С- сонли қарорига кўра, шу йил учун Қозоғистонга сургун қилинган қорачай ва болқорлар учун ажратилган 70 000 кв. м. ёғочдан 1945 йил

¹⁴⁷ АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 314. Л. 1.

¹⁴⁸ Ўша жой. Б.2

¹⁴⁹ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы. 1998. – С. 274-275.

¹⁵⁰ Ўша жой. Б. 278.

фақат 8 минг куб ёғоч, 170 т. михдан 78 тонна, 65 минг кв. м. ойнадан 11 100 кв. м., 1 200 т. чўяндан 745 тонна берилган¹⁵¹. Натижада қурилиш материаллари етишмаслиги сабабли режа бўйича керакли миқдорда махсус кўчириб келинганларга уйлар қурилиб берилмаган. Олма-Ота шаҳри корхоналарига талаб қилинган 4 565 м куб ёғоч ўрнига 576 м куб, 3 045 кг мих ўрнига 1000 кг, 4 060 минг тўп сомон ўрнига 0,34 минг тўп сомон ажратилганлиги сабабли Шимолий Кавказдан сургун қилиниб, Қозоғистонда жойлаштирилган 1 630 та оила учун фақат 604 та уй тайёрлаб берилган. Шундан 111 таси қурилган бўлиб, 489 таси бўш уй ва таъмирланган квартиралар бўлган, бундан ташқари қолган кишилар учун 1 026 та уй қурилиши керак бўлган¹⁵². Талди Қўрғон вилояти Киров туманида эса Шимолий Кавказликлар учун қурилиши керак бўлган 250 та уйдан фақат 5 та қурилган¹⁵³. Республиканинг вилоятлари бўйича ҳам аҳвол худди шундай бўлиб, Жамбул вилоятида фақат 23 та уй¹⁵⁴, Оқмола вилоятида режа бўйича қурилиши керак бўлган 1000 та уйдан 28 таси, Талди Қўрғон вилоятида 1 400 та ўрнига фақат 23 таси¹⁵⁵, Олма-Ота вилоятида 1 357 та ўрнига 152 та уй қурилган¹⁵⁶ бўлиб, баъзи вилоятларда эса уйлар умуман қурилмаган¹⁵⁷.

Умумий ҳисобда Шимолий Кавказдан сургун қилиб келинган халқлар учун 55 900 та уй қурилиши керак бўлган бўлса, (ундан биринчи навбатда 29 000 таси оғир аҳволдаги оилалар учун) фақат 1 638 та уй қурилган холос¹⁵⁸.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, уй-жой қурилиши борасида юзага келган бу кескин вазиятдан чиқиш учун ҳукумат томонидан маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиш ҳақида қарорлар қабул қилинади. Аммо 1944-45 йилга доир

¹⁵¹ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 281.

¹⁵² ЦГА РК. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 337. Л.Л. 58-59

¹⁵³ АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1807. Л.151.

¹⁵⁴ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы.:1998. – С. 278.

¹⁵⁵ Бугай Н.Ф. Правда о депортации чечено-ингушского народов. // Вопросы истории. 1990. №7. – С. 43.

¹⁵⁶ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 281.

¹⁵⁷ Бугай Н.Ф. Правда о депортации чечено-ингушского народов. // Вопросы истории. 1990. №7. – С. 43.

¹⁵⁸ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 278.

архив хужжатларидаги маълумотларга кўра, Олма-Ота вилояти бўйича маҳаллий ресурслардан тайёрланиши керак бўлган 1 500 м куб ёғочдан фақат 500 м куб, 3 млн тўп сомондан 500 минг тўп, 1 млн ғишдан 100 минг дона тайёрланган¹⁵⁹, бошқа вилоятларда ҳам аҳвол шундай бўлган. Талди-Қўрғон, Шарқий Қозоғистон, Жанубий Қозоғистон вилоятларида эса бу борада ҳеч қандай иш олиб борилмаган¹⁶⁰. Натижада уй-жой қурилиши ишларининг бориши «барбод бўлиши хавфи остида бўлган»¹⁶¹.

Мамлакатда махсус кўчириб келинганларни уй-жой билан таъминлаш борасида юзага келган бундай қийинчиликлардан чиқишнинг бирдан бир йўли – бу қурилиш ишларига узоқ муддатли кредит (қарз) берилиши бўлиб қолади. Уй-жой қурилишини маблағ билан таъминлаш учун Қозоғистон ҳукумати томонидан 1946 йил 65 950 сўм миқдорда кредит ажратиш тасдиқланган эди. Кейинчалик Иттифоқ ҳукумати томонидан кредитлаш режаси фақат 40 млн сўмга тасдиқланади ва у Қозоғистон ССР ХКК томонидан вилоятларга бўлинади¹⁶².

Қозоғистон қишлоқ хўжалик банки махсус кўчириб келинганларга пул тарқатишда шундай шартлар қўйдики, бу шартларни билган ҳолда улар кредитдан воз кечар эдилар. Уй-жой қуриш учун етти йиллик муддат билан 5000 сўм ссуда (қарз) олиш учун махсус кўчириб келинганлардан қуйидагилар талаб қилинар эди: МВД комендатурасидан маълумотнома, махсус кўчириб келинганларнинг кафолатланган мажбурияти; колхоз, совхоз ёки ташкилотнинг бу халқлар ўз вақтида қарзини тўлашлиги тўғрисида кафолатнома, ижроия қўмиталарининг кредитни тарқатишда воситачилик қилиш ҳақидаги қарори ва ниҳоят колхоз томонидан махсус кўчириб келинганларнинг меҳнат кунининг минимумини ишлаб берганлиги ҳақида маълумотнома. Агар бу маълумотномада махсус кўчириб келинганлар ҳар қандай сабабга кўра меҳнат кунининг минимумини ишламаган бўлса, қишлоқ хўжалик банки уларга кредит беришдан воз кечар эди. Банк томонидан

¹⁵⁹ ГА Алма-Атинской области. Ф. 685. Д. 875. Оп. 4. Л. 31 об.

¹⁶⁰ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 20. Л. 9.

¹⁶¹ Ўша жой.

¹⁶² ЦГА РК. Ф. 1987. Оп 1. Д. 21. Л. 14.

бундай расмиятчиликнинг натижаси шу бўлдики, банк бўлимларидан 70-80 км узоқда жойлашган колхоз ва совхозлар бир неча бор қилган ҳаракатлари натижасиз бўлганлиги сабабли улар махсус кўчириб келинганларга уй-жой қурилиши учун ажратилган пулдан воз кечар эдилар. Бундан ташқари 1946 йил давомида банк бўлимларида пул йўқ ҳисоби эди. Шунинг учун ҳукумат томонидан ажратилган 40 млн сўмдан фақат 21 277 сўм ёки 53,1% ишлатилган¹⁶³.

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳукуматдан махсус кўчирилган халқлар учун олинган бу пуллар ҳам кўп ҳолларда мақсадга мувофиқ ишлатилмаган. Масалан, Павлодар вилояти Лазов тумани «Жана Турмис» колхози раиси Бекдосов ва ҳисобчи Сатибаевлар махсус кўчирилганлар билан биргаликда қишлоқ хўжалик банкидан 35 000 руб.ни қурилган уйлар билан ҳисоб китоб учун деб расмийлаштириб олганлар.

Ваҳоланки, колхозда бирорта ҳам уй қурилмаган бўлиб, махсус кўчириб келинганлар омборхоналарда яшаганлар¹⁶⁴. Талди Қўрғон вилояти Киров тумани «Қаратал» колхозида уй-жой қурилиши учун олинган 45 000 руб. колхознинг кам-кўстлари учун ишлатилиб, колхоздаги Шимолий кавказликлардан 18 та оила умуман яшаш учун яроқсиз муваққат биноларда истиқомат қилганлар¹⁶⁵. Худди шундай аҳвол шу вилоятнинг Талди Қўрғон туманида¹⁶⁶, Актюба вилоятининг Темир туманида¹⁶⁷, Семипалатинск вилоятининг Жармин, Урджар, Жана-Семий ва бошқа туманларида ҳам кузатилган¹⁶⁸.

Юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра, 1946 йил ҳам уй-жой қурилиши режалари бажарилмаган. Қозоғистон министрлар кенгаши раисига берилган маълумотга кўра, 20 июль 1946 йилга қадар республика бўйича уй-жой қуриш режаси фақат 28% га, таъмирлаш ишлари эса фақат 29% га

¹⁶³ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп 1. Д. 21. Л. 15.

¹⁶⁴ АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1822. Л.39.

¹⁶⁵ АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1807. Л.151.

¹⁶⁶ Ўша жой. Б.143

¹⁶⁷ АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 1029. Л.30.

¹⁶⁸ Ўша жой.

бажарилган. Жамбул, Қарағанда, Актюба вилоятларида эса бундай уйлар умуман қурилмаган¹⁶⁹.

Уй-жой билан таъминлаш борасидаги яна бир қийинчиликнинг сабаби, уруш тугагандан сўнг тарқатилган бўш уйларга эгаларининг қайтиб келиши бўлди. Махсус кўчириб келинганлар уйларни ўз эгаларига топшириб, ўзлари бошпанасиз қолдилар. Масалан, Олма-Ота вилоятида 1944-45 йил тарқатилган 2428 уйлардан ўз эгаларига 2127 таси топширилади¹⁷⁰.

Архив ҳужжатларида 1947 йилга келиб уй-жой қуриш режаси 120,5% ва таъмирлаш ишлари 139,2% бажарилгани ҳақида маълумот берилади. Республика бўйича фақат Актюба (86%), Семипалатинск (79%) ва Талди-Қўрғон вилояти (71%) режани бажармаган. Сабаби, биринчи навбатда бу вилоятларда маҳаллий қурилиш материалларининг йўқлиги бўлса, иккинчидан, вилоят ва туман ижроия кўмиталари раҳбарларининг керакли ёрдам бермаганлигидир¹⁷¹.

Махсус кўчириб келинганлар уй-жой қуришда керакли ёрдам олмаганларидан сўнг ўзларининг шахсий маблағлари ҳисобига қурилиш материалларини олишга мажбур бўладилар. Масалан, Или ёғоч заводидаги ишчилар (Олма-Ота вилояти) нон карточкаларини бозорда сотиб, унинг ўрнига ўзлари ишлаган заводдан ёғоч сотиб олганлар¹⁷².

Республика бўйича эса 1946 йил умумий ҳисобда уй-жой қуриш учун кўчириб келинганлар 41 449 сўм миқдордаги маблағни ўз ҳисобларидан ишлатганлар. 1947 йилга келиб уй-жой билан таъминланмаган 10 359 оила бўлиб, улардан 8 494 оила зич жойлашган ҳолда, 1 865 оила ярим ертўла уйларда яшаганлар¹⁷³. Худди шунга ўхшаш маълумотлар 1949 йил 17 сентябрда ҳам Қозоғистон ССР партия Марказий кўмитаси Зеленскийга ва Министрлар кенгаши раиси Молчановга

¹⁶⁹ Бугай Н.Ф. 40-50-е годы: последствия депортации народов. // История СССР. 1992. № 7. – С. 130.

¹⁷⁰ ГА Алма-Атинской области. Ф. 1881. Оп. 1. Д. 5. Л. 7.

¹⁷¹ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 13.

¹⁷² ГА Алма-Атинской области. Ф. 423. Оп. 1. Д. 180. Л. 168.

¹⁷³ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 17.

берилиши бу борада икки йил давомида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганини кўрсатади¹⁷⁴.

Кейинги йиллардаги архив ҳужжатлари уй-жой муаммолари анча ўз ечимини топганини кўрсатади. Масалан, Марказий комитетнинг 1949 йилги партия комитетига берилган маълумотга кўра, Қарағанда вилоятидаги Қарағанда, Балхаш, Темир-Тау ва Жезказғанда ишловчи Шимолий кавказликлар маҳаллий урф-одатларига кўра қурилган уйларда яшаб, вилоят бўйича эса ҳамма уй-жой билан таъминланган¹⁷⁵.

Талди-Қўрғон вилоятидаги барча туманларда уй-жой билан таъминлашдаги асосий камчиликлар бартараф этилган. Павлодар вилоятида Шимолий Кавказликлардан фақат 73 оила уйсиз қолиб, вақтинча зич ҳолда жойлаштирилган¹⁷⁶. Аммо бу республика бўйича уй-жой масаласи ўз ечимини тўлиқ равишда топди дегани эмас эди. Чунки ҳали кўпгина вилоятларда махсус кўчириб келинганлар ҳали ҳам зич жойлашган ҳолда яшаганлар. Айниқса Кустанай вилояти туманларида махсус кўчириб келинган аҳоли яшаш учун яроқсиз уйларда турган¹⁷⁷.

Республика ва маҳаллий ҳокимият муассасаларининг Кавказ халқларини моддий жиҳатдан таъминлашдаги фаолияти масаласини кўриб чиқадиган бўлсак, архив ҳужжатларида СССР Министрлар Кенгаши қарорига асосланиб, сургун қилинаётган вақтда одамлардан олинган буғдой ҳисобига ҳар кишига 19 кг ҳисобдан буғдой, ҳар бир хўжаликка 200 кг.ли қорамол ва ҳар кишига 2, 6 м. ип-газлама ва бошқалар тарқатиш ҳақида қарор қабул қилиниб, бу маҳсулотлар биринчи навбатда кўп болали оилалар, уруш қатнашчилари ва яхши ишлаган колхозчиларга берилиши белгиланган эди¹⁷⁸.

1945 йил 10 январда Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари Ю.Бобожонов Л.Берияга «Грузиядан келган 8 минг киши (15%) озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминланмаганини ва бу масалани ҳал қилиш борасида уларга 200 т. ун, 50 т. гуруч

¹⁷⁴ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 25. Л. 4-5.

¹⁷⁵ АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1820. Л. 15.

¹⁷⁶ АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 203. Л. 28-29.

¹⁷⁷ Ўша жой. — Б. 18.

¹⁷⁸ АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 314.

ва 50 минг м. ип-газлама ажратилганини» хабар қилади. Бу масала СССР ХКК да ҳам кўриб чиқилиб, 1945 йил 20 январда Грузиядан кўчириб келтирилганлар учун 851 т. ун ва 213 т. гуруч ажратилиши қарор қилинади. Шунингдек, бу халқларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун бошқа чоралар ҳам кўрилиб, 1945 йил 5 мартда СССР ХКК нинг «Грузияда кўчириш вақтида улардан қабул қилиб олинган мол-мулк ҳисобидан уларга озиқ-овқат тарқатиш тўғрисида» ги қарори қабул қилинади. Шу мақсадда уларга 4 594 900 руб, 11 500 бош қорамол, 975 тонна буғдой ва 2 257 т. сўли ажратилади¹⁷⁹.

Қозоғистон ССР Халқ комиссарлар кенгаши ҳам 1944 йил 18 март 251-55 сонли «Махсус кўчириб келинганларга қорамол тарқатиш тўғрисида» қарор қабул қилади¹⁸⁰. Бу қарор тегишли вилоят ва туманларга юборилади. Бу қарорга кўра ҳар бир хўжаликка оғирлиги 200 кгдан ортиқ бўлмаган қорамол тарқатилиши, қорамол бўлмаса унинг ўрнига 3 та қўй ёки сигир берилиши керак эди. Шунингдек, вилоят ва туман раҳбарларига уларни ем-хашак билан таъминлаш мажбурияти ҳам юклатилди¹⁸¹.

Бу қарорга кўра, вилоят ва туманлар бўйича қорамоллар тарқатила бошланди. Аммо, махсус кўчирилганлар ўзларининг тўғри яшаш жойлари йўқлиги учун молхона ва ем-хашак масаласи ўз-ўзидан равшан бўлади. Бунинг устига 1944-1945 йил қиши жуда ҳам совуқ келиб, ем-хашак муаммоси янада оғирлашади¹⁸². Натижада, қорамоллар билан таъминланган оилалар уларни сўя бошлайдилар ёки сотадилар. Кўпгина хўжалик раҳбарлари ўзлари бу қорамолларни сўйишга мажбур қилиб, гўштларни эса буғдойга алмаштириб оладилар¹⁸³. Қизил Ўрда вилояти Янги Қўрғон туманидаги «Кенес» колхози раиси, ферма бошлиғи Топишев, «Ворошилов» колхози раиси Балтаев ва бошқалар эса қорамолларни буғдойга алмаштириб, уни ўзлари сўйганлар¹⁸⁴.

¹⁷⁹ Бугай Н.Ф. Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах. – М. 1998. – С. 221.

¹⁸⁰ ГА Алма-Атинской области. Ф. 423. Оп. 17. Д. 178. Л. 160.

¹⁸¹ Ўша жой. – Б. 160.

¹⁸² ЦГА РК. Ф. 37. Оп. 12. Д. 337. Л. 53. об.

¹⁸³ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы, 1998. – С. 286.

¹⁸⁴ Ўша жой. – Б. 287.

Бошқа жойларда ҳам ахвол шундай бўлган. Масалан, Олма-Ота шаҳрида махсус кўчириб келинганлар учун тарқатилган қорамоллардан 152 таси сўйдириб юборилган, 150 таси эса сотилган, 39 та сигирдан 12 таси сўйилган. Актюба вилояти Мартюк туманидаги «III Интернационал» колхозида 146 та молдан фақат 8 та сигир ва 1 та қўй сақланиб қолган, «1 Май» колхозида тарқатилган 32 молнинг ҳаммаси сўйилган¹⁸⁵.

Кўпгина вилоятларда эса ажратилган қорамоллар махсус кўчирилганларга умуман тарқатилмаган. Мисол учун, Талди-Қўрғон вилоятида, колхозларда яшовчи махсус кўчирилганларга 250 бош от, 67 бош хўкиз шахсий тарзда эса 2100 центнер тирик вазндаги қорамол тарқатилмаган¹⁸⁶.

Қозоғистон ХКК қошидаги махсус кўчириб келтирилганлар ва эвакуация қилинганларни хўжаликларга жойлаштириш бошқармасининг бошлиғи Родиннинг кенгашга берган маълумотига кўра, 1944 йил 1 декабрга қадар Республика бўйича режаланган 20 101,0 т. ўрнига 15 336,0 т. тирик вазндаги қорамол тарқатилган¹⁸⁷. Бу ҳужжатда кўрсатилишича, режа 76,29 % бажарилиб, Қарағанда вилоятида режанинг бажарилмаганлиги ем-хашак йўқлиги туфайли оммавий сўйишнинг олдини олиш учун тарқатилмади, деб айтилган¹⁸⁸. Шунингдек, бу ҳужжатларда юзага келган вазиятда ҳамма шароитни ҳисобга олиб, қорамол тарқатилиши йилнинг охиригача тугатилиши имконияти йўқлиги, буни тезлатиш эса қорамолларнинг қирилиб кетишига олиб келиши ҳақида ёзилиб, бу масала бўйича юқори ташкилотлардан янги кўрсатмалар сўралган¹⁸⁹.

Кўпгина қорамоллар сақлаб қолиш мақсадида яйловларга ҳайдалган, аммо қиш совуқ келганлиги сабабли, у ерда ҳам қорамолларнинг кўплари очликдан қирилиб кетган. Қолганлари эса сўйилган, ёки уларнинг гўшти ўз вақтида махсус

¹⁸⁵ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 19. Л. 1. об.

¹⁸⁶ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 20. Л. 2.

¹⁸⁷ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 19. Л. 15.

¹⁸⁸ Ўша жой.

¹⁸⁹ Ўша жой. Л. 5. об.

кўчирилганларга тарқатилмаганлиги сабабли, иссиқ келиши билан бузила бошлаган¹⁹⁰.

Махсус кўчириб келинганларга қорамол тарқатиш 1945 йилда ҳам Иттифок министрлар кенгашининг 28 майдаги қарорига кўра, давом эттирилиб¹⁹¹, Қозоғистонда ҳам бу борада тегишли қарорлар чиққанини биз 1945 йил 17 август № 537 сонли Қарағанда ижроия қўмитасининг «Шимолий Кавказдан махсус кўчирилган оилаларга шахсий тарзда қорамол ва улар жойлашган колхозларга ишчи қорамол тарқатиш тўғрисида»ги қарорда кўришимиз мумкин¹⁹². Бу қарорда кўрсатилишича, Қозоғистон ССР ХКК нинг 22 июнь № 49 рс ва 21 июль № 63 сонли қарорига биноан 1945 йилдаги чечен-ингуш ва кабардин болқорларини қорамол билан таъминлаш борасида Қарағанда вилоятига кўшимча тарзда 111 т. (555 бош сизир ва бузоқлар) қорамол ажратилган эди¹⁹³. 1946 йилга келиб эса Марказий Қўмита ва Министрлар кенгашининг аралашишига қарамай Актюба вилоятида махсус кўчириб келтирилганлар учун ажратилган 341 бош от, 374 бош хўкиз Республика бўйича эса 1947 йилга келиб, 770 йирик туёқли қорамол, 510 майда туёқли қорамол суистеъмол қилиниб, махсус кўчирилганларга етиб бормаганлиги, уларнинг бу махсулот билан тўлиқ таъминланмаганлиги ҳақида архив ҳужжатлари далолат беради: «Ваҳоланки, бу ишларда баъзи вилоят ва туман ижроия қўмиталарининг жавобгар шахслари бевосита иштирок этганлар»¹⁹⁴.

Иттифок ҳукумати ХКК ва Марказий қўмитанинг 1944 йилдаги 26 июндаги кўрсатмаси асосида ҳар бир кишига 19 кг. ҳисобидан буғдой тарқатилиши таъкидланади¹⁹⁵. Шунга кўра, Олма-Ота шаҳри учун 39 399 кг. ун тарқатиши белгиланган, аслида эса 38 240 кг. ажратилиб, махсус кўчириб келинганларга эса 32 430 кг. тарқатилган¹⁹⁶. Баъзи вилоятларда ҳам махсус

¹⁹⁰ ЦГА РК. Ф. 37. Оп. 12. Д. 337. Л. 58.

¹⁹¹ Бугай Н.Ф. 40-50-е годы: последствия депортации народов. // История СССР. 1992. № 1. – С.

126.

¹⁹² ЦГА РК. Ф. 37. Оп. 12. Д. 337. Л. 74.

¹⁹³ ЦГА РК. Ф. 37. Оп. 12. Д. 337. Л. 74.

¹⁹⁴ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 28.

¹⁹⁵ ЦГА РК. Ф. 37. Оп. 12. Д. 337. Л. 52. об.

¹⁹⁶ Ўша жой.

кўчириб келтирилганларга ажратилган буғдой ўз вақтида уларга етказиб берилмаган. Мисол учун, Қозоғистон ХКК қошидаги махсус кўчирилганларга эвакуация қилинган халқларнинг хўжалик ишлари бошқармаси маълумотига кўра, Олма-Ота базасидан 4 881 кг. буғдой ажратиб олинмаган. Шунингдек, Жамбул туманида 324 кг., Чили туманида 5 158 кг., Или туманида 2 630 кг., Эңбекши-Казах туманида 204 кг буғдой маҳсулотлари омборлардан ажратиб берилмаган¹⁹⁷. Яна бу хужжатда кўрсатилишича, ҳатто Эңбекши-Казах сельпосига олиб келинган 7 383 кг. ундан бирор килоси ҳам махсус кўчиртирилганларга тарқатилмаган. Ҳаммаси бўлиб эса, Олма-Ота вилояти бўйича 13 000 кг. буғдой махсус кўчиритирилганларга тарқатилмаган¹⁹⁸. Шу вилоятнинг Или тумани баъзи колхоз раислари эса ҳар бир кишига белгиланган 19 кг. буғдой унини ҳам жуда кам миқдорда тарқатганлар. Масалан, Қизилут номи колхоз раиси 19 кг. ўрнига 5 кг. ун тарқатган, тамаки заводининг директори эса, тарқатилган ундан ҳар кишидан 900 гр. дан ушлаб қолган. Молотов номи колхоз раиси Тюнил эса 19 кг. ўрнига фақат 17 кг. дан тарқатиб, махсус кўчиртирилганлар томонидан норозилик келиб чиқишига олиб келган. Или ёғоч заводи директори Чеверхон эса, 16 кг. дан «Челакимир» колхоз раиси 15 кг. дан тарқатган, «Тункурус» колхоз раиси эса, умуман ун тарқатмай, махсус кўчиртирилганларга унни олганликлари ҳақида сохта хужжатга имзо чектириб олган. «Тангор» СельПОси раиси 1520 кг. унни ишлатиб юбориб, шу ернинг ўзида тарқатилиши керак бўлган қисмини уларнинг ўзларига сотган¹⁹⁹. Шунингдек, махсус кўчириб келтирилганлар учун ажратилган ун, гуруч, шакар, туз каби энг зарур бўлган маҳсулотлар ҳам талон-тарож қилинган. 1945 йил маълумотига кўра, Кўкчатов вилоятидаги Зерендинь туманида январь ойида махсус кўчиртирилганлар учун ажратилган 1 005 кг. ун, 252 кг. гуруч; февраль ойи учун 500 кг. ун маҳаллий аҳолига тарқатиб юборилган; Эңбекшилар туманида 1944 йил декабрь ойи ҳисобидан 590 кг. туз ва 17 кг.

¹⁹⁷ ГА Алма-Атинской области. Ф. 685. Д. 875. Оп. 4. Л. 31. об.

¹⁹⁸ ГА Алма-Атинской области. Ф. 685. Д. 875. Оп. 4. Л. 31. об.

¹⁹⁹ ГА Алма-Атинской области. Ф. 423. Д. 178. Оп. 1. Л. 144.

шакар, Айр Тау туманида 3 756 кг ун эса талон-тарож қилинган²⁰⁰. Талди Қўрғон вилоятида 1944 йил декабрдан 1945 йил апрель ойига қадар 2 820 кг ун, 229 кг шакар махсус кўчириб келинганларга умуман тарқатилмаган, апрель ойи учун эса маҳсулотларни тарқатишга умуман киришилмаган.²⁰¹

Шундай қилиб, ҳукумат томонидан ёрдам учун ажратилган озиқ-овқат маҳсулотларининг кечиктириб тарқатилиши ёки умуман белгиланган мақсадга зид тарзда ишлатилиши республиканинг бошқа вилоятлари учун ҳам тегишли бўлган. Масалан, 1945 йил 30 майда Қозоғистон партия марказий кўмитаси раиси Шаяхметовга берилган маълумотга кўра, Қарағанда вилоятида 2 286 центнер ун, 2 112 центнер гуруч, Шимолий Қозоғистон вилоятида 10 центнер буғдой, 10 минг метр ип газлама, Оқмола вилоятида 328 центнер ун, шарқий Қозоғистон вилоятида 34 центнер буғдой ва жанубий Қозоғистон вилоятида 350 центнер ун, Жамбул вилоятида 120 центнер ун ва Кўкчатов вилоятида 16 центнер ун қонунсиз равишда ишлатилган²⁰². Оқибатда махсус кўчириб келтирилганларнинг жуда кўпчилиги нимжон, касалманд бўлиб, озиқ-овқатга муҳтож бўлган, улар ўзлари учун ажратилган озиқ-овқат маҳсулотларини олиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлганлар.

Шундан сўнг Қозоғистон ҳукумати Иттифоқ ички ишлар халқ комиссари Л. Берияга 1945 йил июнь-июль ойига махсус кўчиртирилганлар учун маҳсулот ёрдами бериш зарурлиги тўғрисида мурожаат қиладилар²⁰³. Ана шу сўровга биноан СССР НКВДси бу ойлар учун ялпи ҳосилга қадар ҳар бир кишига кунлик 150 грамм ун, 50 грамм гуруч, 15 гр. туз ва шакар (фақат болаларга) ажратишни зарур деб топади. Бунинг учун 3 200 т. ун, 100 т. гуруч, 50 т. туз, 25 т. шакар зарур бўлган²⁰⁴.

²⁰⁰ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 20. Л. 8-8. об.

²⁰¹ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 20. Л. 7.

²⁰² ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 20. Л. 10.

²⁰³ Ўша жой.

²⁰⁴ Ўша жой. – Б. 146.

Махсус кўчирилганларга ажратилган ёрдам жамғармасининг қандай тарзда «етиб боргани»ни архив ҳужжатлари асосида вилоятлар мисолида кузатиш мумкин. Олма-Ота вилояти Олма-Ота туманидаги 1945 йилнинг август ойида «Бахтли ҳаёт», «Калинин» номли, «Шарқ нури», «Ужег», «Қизил меҳнаткаш», «Чапаев» номли, «Сталин» номли колхозларида давлат томонидан махсус кўчирилганларга ажратилган 14 427 кг. озиқ-овқат ёрдами маҳсулотлари суистеъмол қилинган. Кўкчатов вилояти Зеренден тумани махсус кўчирилганларга январь ойи учун ажратилган 1505 кг ун, 252 кг гуруч райпотребсоюз томонидан туман маҳаллий аҳолисига тарқатиб юборилган. Энбекшельдер туманида 1944 йил декабрь ойи учун ажратилган 590 кг туз ва 17 кг шакар ҳам ўринсиз ишлатилган ва ҳоказо. Бундай фактлар эса вилоят бўйича жуда кўп бўлган²⁰⁵. Актюба вилояти Ключев тумани «Жана-Турмыс» колхози раиси Шушаков муҳтож оилалар учун ажратилган 20 ц. буғдойдан 5 ц. ўзига олиб қолиб, 300 кг. ни қариндошига, 160 кг. ни туман ижроия қўмитаси масъул котибига бериб юборган. Шу туман «Сабак-Балга» колхози раиси Артбаев эса 20 ц. буғдойдан 3 ц. ни сотиб юборган ва маблағини ўзлаштирган. Мартух туманида эса муҳтож оилалар учун ажратилган ун туман маркази ишчиларига тарқатилиб, ҳужжатда эса махсус кўчирилганларга тарқатилди, деб кўрсатилган. Шунга ўхшаш ҳодисалар Кустанай вилояти Семиозер ва Кокчетов вилоятининг Зерикден туманларида ҳам юз беради. Бундай аҳвол бутун республиканинг бошқа вилоятларига ҳам хос бўлган²⁰⁶.

Маълумки, Қозоғистон Республикаси партия Марказий қўмитаси ва Халқ комиссарлар Кенгашининг қарори билан ажратилган жамғармаларни таъминловчидан истеъмолчига етказиш Қозоғистон матлубот уюшмаси (Казпотребсоюз)га юклатилган эди. Ойна, мих, чўян, ип газлама ва бошқа турдаги моддий бойликларни тарқатиш эса Қозоғистон ССР Халқ комиссарлиги кенгаши қошидаги ГЛАВ УПРСНАБга

²⁰⁵ ЦГА РК Ф. 1987. Оп. 1. Д. 20. Л. 8 об.

²⁰⁶ Н.Ф.Бугай. 40-50- годы: Последствия депортации народов (свидетельствуют архивы НКВД – МВД СССР). // История СССР. 1992. №1. – С 137.

юклатилади. Бу муассаса таъминловчи томонидан ажратилган жамғармаларни Облпотребсоюзга етказиши, сўнгра истеъмолчиларга тарқатиши лозим эди. 1944 йилда эса белгиланган 1200 минг м. ип газламадан фақат 600 м. метр газлама етказиб берилган, холос.

Ҳукумат томонидан ўша даврда ажратилган жамғармаларни тарқатиш қониқарсиз бўлиб, бунга кўплаб фактлар келтиш мумкин. Масалан, Кўкчатов вилоятидаги махсус кўчириб келтирилган халқлар учун 62 067,2 м. ип газлама олинган бўлиб, ундан вилоят ижроия қўмитаси раиси Ергебеков фармойишига биноан вилоят маориф бўлимига 3 608 м. ва Красноармейская касалхонасига 300 м. берилган. Облпотребсоюз раиси ўринбосари Букатов фармойишига кўра, вилоят савдо бўлимига 15 м. ва партия қўмитасига 20 м. ажратилган. Вилоят ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Гаражанкин фармойишига биноан эса, 10 м. вилоят партия қўмитасига, 265 м. Чкалов ва Кўкчатов туман ижроия қўмиталарига, 20 м. «Путь социализма» колхози раисига, 40 м. туман партия қўмитаси котиби Рузаевга, 25 м. маҳаллий аҳоли вакиллари Максимова ва Глуховаларга, 30 м. эса Жимантос МТСи директори тарқатилган.

Шундай қилиб, фақатгина вилоят савдо бўлими омборхонасидан вилоят раҳбарлари томонидан 4 333 м. ип газлама мақсадга номувофиқ ишлатилган. Облторготдел мудирини ўринбосари Циганков фармойишига кўра Облторгнинг Кўкчетов дўконига берилган 8 комплект пахталик нимча ва шимдан, 5 та пахталик нимча ва шим ОблЗО қишлоқ хўжалик мутахассисларига ноқонуний тарқатилган²⁰⁷. Масалан, Щучинский туманида туман ижроия қўмитаси фармойишига кўра махсус кўчирилганлар ип газламасидан 372 м болалар уйига берилган, Зерендинский туманида 10 м. ип газлама райпотребсоюз раиси ўринбосари фармойишига биноан собиқ райисполком раиси Жолдибековга; Энбекшильдер туманида туман ижроия қўмитаси раиси фармойишига кўра 100 м. болалар уйига берилган, 38 м. – райкомхозга; Чкалов туманида

²⁰⁷ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 20. Л. 8.

45 м. ип газлама Белоярский магазинидан қишлоқ хўжалик кенгаши раисига берилган. Арык-Балык туманида туман ижроия кўмитаси раиси фармойишига биноан, 30 м. ип газлама Нижне-Бурлукский интернатига берилган. РПС раиси Федоров кўрсатмасига биноан, 1 жуфт шим ва пахталик нимча РК КП(б) ишчисига берилган, Туман савдо бўлими раиси Антонченко фармойишига кўра, 2 комплект пахталик нимча ва шим РК КП(б) ишчиларига берилган ва ҳоказо.

Вилоят бўйича махсус кўчирилганларга уст-бош ва пойафзалларни етказиш ишлари ҳам шу тарзда бўлган. Масалан, Севастополь совхози директори совхозда ишловчи махсус кўчириб келинганлар учун ажратилган 11 жуфт пийма (кийгиз этик)ни ўринсиз ишлатган. Худди шу тарзда Зерендин тумани партия кўмитаси котиби Борисенко буйруғига кўра, 3 та пўстин, Кўкчатов шахрида Гортоп бошлиғи Шодиев томонидан 4 жуфт кийгиз этик талон-тарож қилинган. Облторг магазини эса, 40 жуфтга яқин кигиз этикни кичик ўлчамдагилари билан алмаштирган ва бошқалар²⁰⁸.

Талди Қўрғон вилояти райпотребсоюзнинг раиси Ким махсус кўчирилганлар учун ип газламани сотишда белгиланган нарх устига ҳар қайси метр учун кўшимча 29 сўмдан олган. Бунинг натижасида бу халқлар газламани сотиб ололмай, бу ҳуқуқни бошқа шахсларга бериб, ўзлари кийимсиз қолганлар. Бундан ташқари 680 метр ип-газлама туман раҳбарлари орасида сотилган²⁰⁹.

Қарағанда вилоятида катта миқдордаги газмол меҳмонхона учун берилган. Махсус кўчирилганлар учун ажратилган ип газлама бўйича жамғармаларни худди шундай талон-тарож қилиш ҳоллари Петропавловск, Олма-Ота ва бошқа вилоятларда ҳам кузатилган²¹⁰.

Шундай қилиб, сургун қилинган халқларни тез ва қисқа муддат ичида жойлаштириш, уларни моддий жиҳатдан ва иш билан таъминлаш борасида Қозоғистон Республикаси халқ

²⁰⁸ ЦГА РК Ф. 1987. Оп. 1. Д. 20. Л. 8 об.

²⁰⁹ ЦГА РК Ф. 1987. Оп. 1. Д. 20. Л. 7.

²¹⁰ АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 314. Л. 10.

комиссарлар кенгаши ва КП Марказий қўмитасининг 12 декабр 1944 йил № 706 сонли қарори²¹¹; 1945 йил 26 апрелдаги «Қозоғистон ССРда жойлашган махсус кўчирилганларнинг хўжалик шароитидаги камчиликлар ҳақидаги қарори»²¹² ва бошқа қарорларда партия-совет раҳбарларини, шунингдек, хўжалик ташкилотлар ва корхона раҳбарларига 1944-1945 йилларда махсус кўчириб келинган халқларга тўлиқ яшаш учун шароит яратиш бериш, уларни колхоз, совхоз, қурилиш ва саноат ташкилотларига жойлаштириш мажбурияти юклатилган эди. Аммо 1945 йил 30 майда партия Марказий қўмитаси раиси Шаяхметовга Халқ комиссарлар кенгаши қошидаги махсус кўчирилган ва эвакуация қилинган халқлар бўйича бўлим бошлиғи Родин берган ҳисоботига кўра, бу қарорлар вилоятлар бўйича муҳокама қилинмаган ва тўла бажарилмаган²¹³. Шунингдек, бу маълумотномада кўрсатилишича, 1945 йилга келиб республика колхозларида жойлашган 6251 оила қишлоқ хўжалик артелларига аъзо бўлмаган; Жанубий Қозоғистон вилоятида 2262 оила, Талди Қўрғон вилоятида 500 оила, Жамбул вилоятида 970 оила, Шарқий Қозоғистон вилоятида 350 оила, Олма-Ота вилоятида 800 оилада худди шундай ҳолат кузатилган ва бошқалар.

8500 оилага ер участкалари умуман ажратилмаган. Қозоғистон ССР Наркомземи ва унинг маҳаллий органлари колхозларда жойлашган махсус кўчирилганларнинг хўжалик шароити бўйича ишларни ёмон олиб борган. Айниқса, Талди Қўрғон, Шарқий Қозоғистон ва Жанубий Қозоғистон вилоятларидаги махсус кўчирилганларнинг хўжалик шароити жуда ёмон бўлган. Халқ комиссарлар кенгашининг уларга уйлар қурилиши учун қурилиш бригадалари, транспортлар ажратиш борасидаги махсус қарорларига қарамай, бу борада ҳеч қандай ишлар олиб борилмаган. Махсус кўчириб келинганлар учун ажратилган жамғармаларни бошқа мақсадларда ишлатиш, уларни талон-тарож қилиш ҳоллари эса тобора кенг тус олиб борган ва таъкидлаб ўтиш керакки, бу

²¹¹ АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 314. Л. 10.

²¹² Репрессированные народы России: чеченцы и ингуши. – М. 1994. – С. 144.

²¹³ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 20. Л. 9-10.

ишлар бевосита вилоят раҳбарларининг буйруғи билан амалга оширилган²¹⁴.

Прокуратура органларида ва Қозоғистон ССР Адлия вазирлигида махсус кўчириб келинганлар жамғармаларининг талон-тарож қилинишига қарши ишлар ва айбдорларни жиной жавобгарликка тортиш жуда суғ оғиб борилган.

Махсус кўчирилганлар учунажратилган жамғармаларни қонунсиз равишда ишлатилганлиги тўғрисида юборилган материаллар жойларда кўриб чиқилиб, ўз вақтида керакли чоралар кўрилмаган. Ваҳоланки, бу ишларда вилоят ва туман ижроия қўмиталари ҳам бевосита иштирок этганлар²¹⁵.

Қозоғистон республикасига сургун қилиниб оғиб келинган Кавказ халқларини жойлаштириш, моддий жихатдан ва иш билан таъминлаш масаласи кейинги йилларда ҳам тўлиқ равишда ҳал қилинмаганлигини Қозоғистон ССР партия Марказий қўмитасининг 1948 йил 4 ноябрдаги «Махсус кўчириб келинганларнинг хўжалик шароити борасида»ги кўрсатмаси²¹⁶ ва шу масала бўйича 1949 йил 5 август № 700-950 с сонли Министрлар кенгашининг қарори²¹⁷ ҳам далолат беради.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, архив материаллари билан ишлар эканмиз, бу соҳада кўпгина ноаниқликларга ҳам дуч келдик. Масалан, бир архив ҳужжатида Кустанай вилоятида махсус кўчириб келинган халқларнинг хўжалик ва меҳнат шароитидаги қийинчиликлари кўрсатиб берилиб, уларнинг моддий аҳволи оғир эканлиги таъкидланган. Худди шу масала бўйича айнан шу вилоят бўйича бошқа ҳужжатда эса унинг акси ҳақида маълумот берилади. Бу эса Қозоғистон КП Марказий Қўмитасининг Иттифок ҳукуматида берган ҳисоботи бўлиб, бу ҳисоботни ёзганлар ўзларини танқид қилишга ёки ишдан оғиб ташланишига ўрин қолдирмаслик учун ҳамма вақт ҳам юқорига холисона маълумот берилмаганлигини кўрсатади. Масалан, бир ҳужжатда айтилишича, Кустанай вилоятидаги

²¹⁴ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 20. Л. 9-10.

²¹⁵ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 9.

²¹⁶ АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 203. Л. 28-29.

²¹⁷ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 25. Л. 1.

колхозларда жойлаштирилган махсус кўчириб келинганлар колхозга тўлиқ аъзо бўлганлар. Ҳамма кўчириб келинганлар дала ҳовли участкалари олганлар ва тўлиқ уй-жой билан таъминланганлар. Тасдиқланган қурилиш режаси 103 % га бажарилиб, берилган кредит ҳам тўлиқ ишлатилган. Ваҳоланки, биринчи ҳужжатга кўра эса кредитнинг фақат 25% ишлатилган ва Кустанай, Зотобольский Убаганов ва бошқа бир қатор туманларнинг колхозларида эса бу кредит ҳам мақсадга мувофиқ ишлатилмаган²¹⁸ ва ҳоказо²¹⁹.

Сургун қилинган халқларни республика ҳудудида жойлаштириш, моддий жиҳатдан таъминлаш масаласи ҳақида гапирар эканмиз, уруш йилларидаги қийинчиликлар, шу билан бирга Қизил Армиядан демобилизация қилинганларнинг республикага кўчирилиши, депортациянинг кейинги йилларда ҳам давом этиб, кўчирилган халқларнинг тобора ошиб бориши, ҳокимият муассасаларининг бу борадаги ишларини янада оғирлаштирганини ҳам эътиборга олиш керак. Шунингдек, Шимолий кавказликлар доимо ўз ватанларига қайтиш умиди билан ва республикада ўз хўжалик шароитини яхшилашга ҳаракат қилмаганлар. Бу борада А.Уралов (Автарханов) ўзининг «Убийство чечено-ингушского народа» китобида шундай ёзади: «...Уларни бир марта ўз ватанларидан хоинларча сургун қилганларидан сўнг, улар ҳеч нарсага ишонмас эдилар. Улар ўзларига паст, қоронғи ва кўримсиз саклилар (Кавказдаги тоғлилар уйи) ясаб, кўринишидан бир тепса йиқилгудай ўша кулбаларда турар эди. Шунингдек, бу халқларнинг бадарға хўжалиги ҳам шундай ҳолатда бўлиб, фақат бир кунлик, шу ойлик, шу йиллик эди. Улар еб, ичиб, ёшлар кийинар эдилар. Йиллар ўтиб уларнинг дастлабки вақтдагидек ҳеч нарсалари йўқ эди...»²²⁰

1954 йилдаги махсус кўчирилган халқлар ҳуқуқларидаги баъзи чекланишлар олингандан сўнг бу халқларнинг оммавий тарзда ҳамма нарсаларини ташлаб, ўз ватанларига қайтиш

²¹⁸ ЦГА РК. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 336. Л. 31.

²¹⁹ АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 314. Л. 6.

²²⁰ А.Уралов (Автарханов). Убийство – чечено- ингушского народа. Народо-убийство в СССР. – С.П. Вся Москва. 1991. – С.68.

умиди вилоят марказлари, станцияларга кўчиб келишлари юқоридаги гапларнинг исботидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, уруш вақтидаги қийинчиликларга қарамай маҳаллий ҳокимят муассасалари томонидан сургун қилинган халқлар учун зарур шароитлар яратиб бериш учун кўпгина сай-ҳаракатлар қилинган ва бу борада кўплаб қарорлар қабул қилинган. Аммо архив ҳужжатларига асосланган ҳолда биз бу қарорларнинг кўплаб ҳукумат раҳбарлари томонидан тўлиқ равишда бажарилган, деган хулоса чиқара олмаймиз. Кавказ халқларининг ҳар доим ўз ватанларига қайтиш умидида яшашлари ҳам уларнинг уй-жой билан таъминлаш тўғрисида қабул қилинган қарорларнинг кўп ҳолларда қоғозларда қолиб кетишига ҳам ўз ҳиссасини қўшган.

IV БОБ

Кавказ халқларининг иш билан таъминланиши ва уларнинг меҳнат фаолиятлари.

Халқларни оммавий тарзда депортация қилиш сиёсати остида қандай сабаблар турарди? Шу вақтга қадар бу саволга олимларимиз томонидан жавоблар айтилган бўлса-да, аммо аниқ жавоб ҳозирги кунга қадар ҳам берилмаган. Расмий жиҳатдан бу ҳодиса қатор халқларнинг гитлерчи босқинчилар билан «ҳамкорлиги», «советларга қарши кўзғолончилик ҳаракатлари» деб тушунтирилган.

Биз олимларимизнинг ушбу мавзуга боғлиқ бўлган бир фикрига тўхталиб ўтмоқчимиз. Унга кўра, урушнинг дастлабки ойларида Россия марказидан Марказий Осиё Республикаларига кўчирилган мудофаа аҳамиятига эга бўлган саноат корхонлари учун ишчи кучлари зарур бўлиб, жойларда эса улар жуда кам бўлган ва махсус кўчирилганлардан айнан шу мақсадда фойдаланиш кўзда тутилган. Уларнинг бу гигант объектлар қурилишида ишлатилгани бу тахминнинг қисман тўғри эканлигига гувоҳлик беради. Шунингдек, улардан кўпчилик мудофаа аҳамиятидаги ташкилотларда ишлаганликлари ҳам бу фикрни янада мустаҳкамлайди. XX асрнинг 40-йиллар ўрталарида Марказий Осиё республикалари саноат корхоналарида ишловчи махсус кўчириб келтирилганларнинг миқдори тўғрисидаги маълумотномага кўра, умумий ҳисобда 65 та ташкилот ва корхоналарда 1 015 850 та махсус кўчирилган кишилар ишлаган бўлиб, улардан чечен ва ингушлар 151 349 кишини, қорачайлар 23 092 кишини, болқорлар 11 783 кишини ташкил этар эди²²¹.

Кавказ халқларининг иш билан таъминланиши масаласига тўхталиб ўтадиган бўлсак, сургун қилинган халқларни мамлакатнинг бир регионидан иккинчи регионига юборар экан, давлат бу катта ишлаб чиқарувчи кучни хўжаликнинг турли тармоқларида фойдаланиш фактини албатта эътиборга олар эди. Бу ҳақда СССР давлат мудофаа кенгаши томонидан

²²¹ Репрессированные народы России: чеченцы и ингуши. – М. 1994. – С. 190-192.

чиқарилган махсус буйруқлар, СССР ҳукумати қарорлари гувоҳлик бериб, улардаги тегишли пунктларда ҳамма ишга лаёқатли кўчирилганларнинг қаерга юборилиши кўрсатиб ўтилар эди.

Давлат мудофаа кўмитасининг 1944 йил 31 январдаги №5073 «Мутлоқо махфий» грифи остидаги «Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудига махсус кўчирилганлар (яъни чечен, ингуш ва бошқалар)ни жойлаштириш борасидаги тадбирлар қарори»нинг 2- ва 3-бандларида қуйидагича ёзилади: «етиб келган махсус кўчирилганларни жойлаштириш ва уларнинг меҳнатидан фойдаланишни эътиборга олган ҳолда, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликка, ишчи ва хизматчиларни эса ўша ердаги мавжуд ташкилотларга, мутахассисликлари ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилсин»²²².

Қайд қилиб ўтганимиздек, Кавказ халқларининг асосий қисми кўчирилишидан аввал тоғли туманларда яшаган бўлиб, асосан чорвачилик билан шуғулланган эдилар. Мамлакатга эса ишчи кучи керак эди, шунинг учун махсус кўчириб келтирилган халқлар турли хил мутахассисликларга ўқитила бошланган. Масалан, 1946 йил давомида махсус кўчириб келтирилган халқлардан 588 киши тракторчиликка, 143 киши шофёрликка, слесар(чилангар)ликка 122 киши, бурғуловчиликка 26 киши, комбайнчиликка 186 киши, темирчиликка 81 киши, пайвандловчиликка 25 киши, дурадгорликка 178 киши, шунингдек кочегарликка, чармгарликка, этикдўзликка, тикувчиликка, трикотаж ишчиси мутахассислиги ва бошқаларга умумий ҳисобда 5 299 киши ўқитилган²²³.

Мутахассисликларга ўқитиш кейинги йилларда ҳам давом этганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, 1949 йил 28 сентябрь №272 сонли «Мутлоқо махфий» грифи остида Марказий Комитетга Қарағанда вилоятидаги махсус кўчирилганлар (чечен, ингуш, болқор, қорачай ва греклар)нинг

²²² Бугай Н.Ф., Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах. – М.: 1998. – С. 245.

²²³ Бугай Н.Ф., Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах. – М.: 1998. – С. 261.

моддий турмуш шароити бўйича берилган маълумотга кўра, чечен-ингушларнинг вилоятидаги кўмир саноатида 1 683 киши, рангли ва қора металлургия саноатида 2 165 ва темир йўл транспортида 900 киши, алоқада 76 киши оммавий мутахассис кадрлар сифатида тайёрланганлар. Вилоятдаги 14 та МТС дан 8 тасида 8 та чечен комбайнчи, 168 та тракторчи (ундан 136 таси чеченлар) ва бошқалар тайёрланган²²⁴. Павлодар вилояти Павлодар Туманининг Чернорец МТСсида ишлаган 36 та чечен ва ингушлардан 24 киши тракторчи бўлиб, 4 киши комбайнчи бўлиб 1 киши эса шофёр бўлиб ишлаган²²⁵.

Ишчи ва колхозчилар турмуш шароитининг яхшиланиши уларнинг меҳнат самарадорлигини оширар ва давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга ҳам уларнинг муносабатлари ўзгариб борар эди. Шунинг учун бу халқларнинг аввалги яшаш жойларига қайтиш истаги камая боради. Бунга бу халқлар орасида ўлим сонининг кескин камайиб, туғилишнинг кўпайиши гувоҳлик берган. СССР НКВДсининг маълумотига кўра, 1948 йилга қадар месхети турклари, курд ва хемшиллардан 14 985 киши (11,8%) вафот этган бўлса, 1948 йилга келиб улар орасида ўлим сони 2,8% га камайган²²⁶. Албатта, ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда махсус кўчирилганларнинг ҳуқуқлари ҳам бузилар эди. Ўзбекистон Республикасида ҳам сабабсиз ишдан ҳайдаш ёки бутун бир гуруҳларни маъмурий тартибда уларнинг мутахассисликларини эътиборга олмаган ҳолда бир ишдан иккинчи ишга ўтказиш ҳоллари ҳам бўлган. Махсус кўчирилганлар МТС, совхоз, колхоз, корхоналарнинг бошқарувига жуда кам ҳолда жалб қилинган. Лекин шунга қарамай, Ўзбекистон Республикасида Кавказ халқларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида, мутахассис ишчилари олтин конлари, тоғ саноати, нефть ишлаб чиқаришда меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатишлари ўзларининг турмуш шароитини яхшилашга, бу борада ўз талабларини минимал тарзда бўлса ҳам қондиришга имкон берар эди.

²²⁴ АПРК Ф. 708. Оп. 13. Д. 1820. Л. 191.

²²⁵ АПРК Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 36.

²²⁶ Бугай Н.Ф. Гонов А.М. Кавказ: народы в эшелонах. – М.: 1998. – С. 219.

Қозоғистон республикасига кўчириб келтирилган Шимолий Кавказ халқларининг меҳнат фаолияти масаласига тўхталиб ўтсак, дастлабки кўчириш йиллариданоқ улар ҳам ўзларининг фаол меҳнатлари билан ажралиб турганлар.

Масалан, 1944 йилда Талди Қўрғон вилоятининг шу номли тумани Текелей комбинати чилангари Хаипов ишлаб чиқариш мажбуриятини 100%, электр цехи ишчиси Темирханов Али 200% га бажарган. Ёғочни қайта ишлаш цехидаги 18 кишидан иборат махсус кўчириб келтирилганлар иш режасини 100% дан ортиқ бажарганлар. Хутуевнинг бригадаси май ойи режасини 82% бажарган бўлса, июль ойида бу кўрсаткич 100% га етган. Жабрейловнинг бригадаси ҳам май ойида режани 65% бажарган бўлса, июн ойида бригаданинг кўрсаткичи 108 дан 111% га етган²²⁷. Худди шундай Жанубий Қозоғистон вилоятининг Туркистон туманидаги «Ачисой», «Халтачи», «Бўстонлик» туманидаги «Обирахмат» ва «Союзмишяк» конларида ишловчи махсус кўчириб келтирилганлар ишлаб чиқариш нормаларини 150-160 фоизга бажарганлар²²⁸. Кустанай вилоятининг Таранов, Қизилнав колхозларидаги махсус кўчирилганлар ичида 6 киши стахановчилар бўлиб, улар доимий равишда ишлаб чиқариш нормасини ортиғи билан бажариб турганлар²²⁹ ва ҳоказо. Аммо шу билан бирга кўчирилишнинг дастлабки йилларидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари қолган йиллардагидан анча паст бўлиб, кўпчилик махсус кўчирилганларнинг меҳнат фаолияти жуда суст бўлган. Мисол учун Қизил Ўрда вилоятида 7 299 киши махсус кўчириб келинган Шимолий Кавказликлардан 40% ёки 2 914 киши ишламаганлар²³⁰. Кўкчатов вилоятида эса умумий ҳисобда ишга лаёқатли бўлганлардан тахминан 30 фоизи ишламаган²³¹. Айрим вилоятларда эса бу кўрсаткич янада юқори бўлган.

²²⁷ АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1807. Л. 116.

²²⁸ АПРК. Ф. 708. Оп. 8. Д. 113. Л. 8.

²²⁹ АПРК. Ф. 708. Оп. 8. Д. 113. Л. 12.

²³⁰ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 28.

²³¹ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 20. Л. 8.

Бунинг сабабларидан бири, қайд қилганимиздек, уй-жой шароитининг жуда ёмонлиги бўлса, иккинчидан, иқтисодий қийинчиликлар уларни тушкунликка тушириб юборди ва бу ўз навбатида уларнинг меҳнат фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. 1944 йилдаги ҳосилсизлик туфайли эса, махсус кўчирилганлар ишлаган меҳнат кунлари ҳисобига жуда кам маҳсулот олганлар, баъзи колхозларда эса меҳнат ҳақи учун умуман бугдой тарқатилмаган²³². Шунингдек, Шимолий Кавказ халқларининг кўпчилиги тоғли туманларда яшаб, асрлар давомида фақат чорва билан шуғулланганликлари, саноат корхонларида ишлаш ва экин экиш билан шуғулланмаганликлари ҳам уларнинг меҳнат кунлиги нормаларини бажара олмаганликларига сабаб бўлади. Энг асосий сабаб эса, дастлабки кўчирилган пайтда махсус кўчирилган халқлар ўз ватанларига қайтиш умидида бўлганликлари сабабли, уларнинг кўпчилиги меҳнат фаолиятида иштирок этмаганлар.

1944 йил июнь ойида Қозоғистон Марказий Комитети қошида чечен ва ингуш собиқ раҳбар ходимлари билан махсус йиғилиш ўтказилиб, бу мажлисда 30 киши қатнашади. Уларнинг ҳаммалари вилоят ва туманларга совет ва хўжалик органларида махсус кўчирилган халқлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш учун инструктор вазифасида жўнатиладилар²³³.

1945 йилдан бошлаб архив хужжатларида махсус кўчириб келтирилган халқлар, шу жумладан, Шимолий Кавказ халқлари ҳам ишлаб чиқариш ҳаётида янада фаол қатнаша бошлаганликлари ҳақида маълумот берила бошлайди. Қозоғистон ССР ХКК райси Ундасиновга «махфий» грифида юборилган маълумотга кўра, 1945 йил 24 апрелига келиб Талди Қўрғон вилоятидаги 8 210 киши ишга лаёқатли бўлиб, уларнинг ҳаммаси колхозлардаги ишлаб чиқариш жараёнида фаол иштирок этиб, кунлик нормани ортиғи билан бажарганлар. Масалан, Киров туманидап дала ишларида ишловчи 814

²³² Депортированные в Казахстан народы. — Алматы: 1998. — С. 28.

²³³ Депортированные в Казахстан народы. — Алматы: 1998. — С. 276.

кишининг ҳаммаси белгиланган нормани тўлиқ равишда бажарганлар. Шунингдек, Қоратов, Талди Қўрғон, Копаль ва бошқа туманлардаги махсус кўчирилганлар ҳам топшириқни ошириб бажарганлар²³⁴. Копаль туманидаги пичан тайёрлаш масаласига бағишланган раислар мажлисида, хўжалик раҳбарлари чеченларнинг ишга бўлган яхши муносабатидан миннатдор бўлиб гапирадилар²³⁵.

Шунингдек, бу ҳужжатда махсус кўчирилганларнинг ишга бўлган муносабатидаги ижобий ўзгаришларни уларга иқтисодий томондан ёрдам кўрсатилганлиги натижаси, деб кўрсатиб ўтилган. Олма-Ота вилоятида 1945 йилда, 1944 йилга нисбатан махсус кўчириб келтирилган халқлар меҳнат фаолиятга фаол қатнашиб белгиланган режаларни бажарганлар²³⁶. Оқмола вилоятидаги ишлаб чиқаришда Оқмола туман «Авангард», Казачин, Шортандин тумани «Тельман», Новочеркас тумани Калинин МТСлари ва вилоятнинг бошқа туманларидаги қатор МТСларда махсус кўчириб келтирилган халқлар ҳам юқори кўрсакичларга эришганлар. Уларнинг кўпчилик қисми чорвачиликда хизмат кўрсатиб, у ерда ҳам яхши ютуқларга эришганлар. Масалан, «Атбасар» тумани «Қизил Шафак» («Красная Заря») колхози чорвадори Дукаев Сайдусан унга бириктирилган қўйлардан 602 та қўзичоқ олган, ўзининг подасидаги ҳар бир қўйдан олган жуни 2 762 граммни ташкил қилган. Шунингдек, вилоят бўйича 1 099 махсус кўчирилганлар умумжамоа ишлари билан шуғулланган. Улардан 674 киши Шимолий Кавказликлар бўлган²³⁷.

Жанубий Қозоғистон вилояти Келес тумани темир йўл ишчилари 5 та туман мусобақасида биринчи ўринни олиб, мусобақа совринига эга бўлган. 120 киши эса турли хил мукофотлар билан тақдирланган. Шундай тақдирланишга «Пахта Арал» совхозидан ҳам кўплаб вакиллар сазовор

²³⁴ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 20. Л. 1.

²³⁵ Ёша жой.

²³⁶ ГА Алма-Атинской области. Ф. 685. Оп. 4. Д. 875. Л. 32.

²³⁷ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 4.

бўлганлар. Яна бу ҳужжатда ёзилишича, Қизил Ўрда вилояти Чешлин тумани канал қурилишда 30 киши тақдирланган²³⁸.

Афсуски, Қозоғистон ички ишлар халқ комиссариати (НКВД) маълумотида кўрсатиб ўтилганидек, яхши кўрсаткичга эга бўлган махсус кўчириб келтирилганлар ҳамма жойда ҳам муносиб рағбатлантирилмаган. Баъзи бир вилоят ва туман раҳбарлари учун улар «ватан хоинлари» ва «халқ душманлари» сифатида қолиб, уларга шу тарзда муносабат кўрсатилган. Мисол учун, Қизил Ўрда вилояти Казалин туманидаги темир йўл транспортида ишловчи махсус кўчириб келтирилганларнинг ҳаммалари ишлаб чиқариш нормаларини бажарган бўлсалар-да (масалан, чилангар Магомердиев Хамид нормани 200% га, «Ремаш путь» заводи тоқари Байбаритов эса 350-400% га бажарган ва ҳоказо), аммо шу завод директори Целишев меҳнат зарбдорлари Байбатировга нон карточкасидан ташқари, ҳеч қандай озиқ-овқат маҳсулотлари бермаган²³⁹. Талди-Қўрғон вилояти Текелей комбинатида яхши кўрсаткичларга эришган 47 киши стахановчилар рўйхати тузилган, аммо улар махсус кўчириб келтирилганлар бўлгани учун мукофотдан ўчирилган²⁴⁰. Шундай аҳволни бошқа вилоят ва Туман, колхоз ва совхозларда ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Олма-Ота вилоятидаги колхозларда яшовчи кўпгина махсус кўчирилганлар топширикни ортиғи билан бажарганликларига қарамай мутлақо тақдирланмаганлар. Бундан ташқари, бир қатор колхозларда қилинган меҳнат куни ҳақлари тўлиқ берилмаган. Масалан, «Чапаев» колхозининг ўзида Мошиев, Сулаймонов, Абишев ва бошқаларнинг бригадаларига уч ой давомида маош берилмаган²⁴¹.

Шимолий Қозоғистондаги асосий ишчилар махсус кўчирилганлар ташкил этган «Мамлюд» ишлаб чиқариш комбинатида беш ой давомида маош берилмаган, Петропавловск шаҳридаги «Сталин» номли артелда эса уч ой

²³⁸ Н.Ф.Бугай. 40-50- годы: Последствия депортации народов (свидетельствуют архивы НКВД – МВД СССР).// История СССР, 1992. №1. – С. 127.

²³⁹ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 284.

²⁴⁰ АПРК. Ф. 708. Оп. 10. Д. 1855^а. Л. 90.

²⁴¹ ГА Алма-Атинской области. Ф. 685. Оп. 4. Д. 875. Л. 32.

давомида маош берилмаган. Худди шундай аҳвол МТС ва совхозларда ишловчи трактористларга нисбатан ҳам бўлган. Бошқа вилоятлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, Қарағанда вилояти, Оскарров туманидаги «1 май» колхозида бир вақтнинг ўзида маҳаллий аҳоли-колхозчиларига маош берилиб чеченларга эса берилмаган²⁴². Ваҳоланки, махсус кўчирилганларнинг ишлаб чиқариш нормалари кўп ҳолларда маҳаллий аҳолига нисбатан юқори бўлган. Олма-Ота вилояти Энбекши Казах туманининг махсус кўчириб келтирилган халқларнинг хўжалик шароити бўйича берилган ҳисоботига кўра, 1944-1945 йилларда махсус кўчирилган ва маҳаллий халқларнинг ишлаб чиқариш нормалари солиштириб кўрилганда қуйидаги натижага эга бўлинган: агар маҳаллий халққа мансуб колхозчи 1944 йилда 195 кунгача бўлган меҳнат кунини ишлаб берган бўлса, махсус кўчирилган колхозчи 137 меҳнат кунини ишлаб берган. 1945 йилга келиб эса, маҳаллий колхозчи 167 меҳнат кунини ташкил этган бўлса, махсус кўчирилганларники 171 меҳнат кунига етган²⁴³.

Шунингдек, Семипалатинск вилояти Новопокров тумани «Пушкин» номли колхоз биринчи ва иккинчи бригадалар кундалиги текширилганда маълум бўлганки, 1955 йил июль ойида 10% махсус кўчириб келинган эркаклар ишламаган бўлса, маҳаллий эркаклардан эса ишламаганлар 50% ни ташкил қилган. Аёллар ҳисобида эса 30% махсус кўчириб келинган аёллар кўп ҳолларда сабабли равишда иш жараёнида иштирок этмаган бўлсалар, маҳаллий аҳоли аёлларидан 90% иштирок этмаганлар²⁴⁴.

Махсус кўчирилганларнинг меҳнат фаолияти яхшиланиб ишлаб чиқариш кўрсаткичлари йил сайин ошиб борган. 1946 йилга келиб Олма-Ота вилоятида ишлаб чиқаришнинг 85% махсус кўчирилганлар ҳисобига бажарилар эди. Бу йилга келиб, ишга лаёқатли махсус кўчирилганларнинг кўпчилиги ишга жалб қилинади. Агар бу вилоятда 1946 йил 1 январга келиб 12

²⁴² АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1820. Л. 16.

²⁴³ ГА Алма-Атинской области. Ф. 1881. Оп. 1. Д. 5. Л. 59.

²⁴⁴ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339^а. Л. 36.

357 ишга лаёқатлилардан 10 949 таси ишлаган бўлса²⁴⁵, шу йилнинг 10 декабрига келиб уларнинг сони яна 1000 кишига кўпайган²⁴⁶. Колхозларда ишлаган махсус кўчириб келтирилганлар 1 209 725 меҳнат кунини ишлаб берган, бу эса ҳар бир кишига йилига ўртача 144 меҳнат куни тўғри келади демакдир. Бу бир йил олдингига қараганда 4 меҳнат куни кўп бўлган²⁴⁷.

1946 йилга келиб колхозлардаги Шимолий Кавказ халқлари вакилларининг кўпчилиги виждонан меҳнат қилганлар. Масалан, Жамбул тумани «Янги ҳаёт» колхозида ва Энбекши Казах туманидаги «Политотделец» колхозларидаги баҳорги экин экиш нормасини ортиғи билан бажарганликлари учун 12 киши пул мукофоти билан тақдирланганлар. Шу ўринда 270 меҳнат кунини ишлаб берган молбоқар М. Ашаханов номи алоҳида таъкидлаб ўтилган. У ўз ҳаётини хавф остига қўйиб икки отар қўйни сақлаб қолган. Унга колхоз томонидан битта сигир ва 200 сўм пул мукофоти берилган²⁴⁸. Олма-Ота вилоятининг бошқа туманларида ҳам бундай фарқлар кўп бўлиб, махсус кўчириб келтирилган халқлар вакиллари 1946 йилда 500-1000 меҳнат кунигача ишлаб берганлар. Или туман «Қизил ғайрат» колхозидаги махсус кўчирилган А. Хасмодомидов оиласидаги икки ишчи йил давомида 824 меҳнат куни ишлаб чиққан, ваҳоланки, шу колхознинг маҳаллий аҳоли-колхозчиси А.Айтибаев оиласидаги уч киши йил давомида 467 меҳнат кунини ишлаб берган²⁴⁹.

Махсус кўчириб келинганларнинг меҳнатга бўлган бундай яхши муносабати фақатгина Олма-Ота вилоятида бўлмай, республиканинг бошқа вилоятларида ҳам шунга ўхшаш кўплаб фактлар мавжудлиги архив хужжатларида қайд этилган. Масалан, Шарқий Қозоғистон вилояти бўйича 1 200 кишидан ортиқ меҳнат зарбдорлари аниқланган бўлиб, улар ўз ишларида юқори кўрсаткичларга эришганлар. Уларнинг кўпчилиги

²⁴⁵ ГА Алма-Атинской области. Ф. 1881. Оп. 1. Д. 5. Л. 4.

²⁴⁶ ГА Алма-Атинской области. Ф. 685. Оп. 4. Д. 875. Л. 2.

²⁴⁷ ГА Алма-Атинской области. Ф. 1881. Оп. 1. Д. 5. Л. 4.

²⁴⁸ ГА Алма-Атинской области. Ф. 685. Оп. 4. Д. 875. Л. 10.

²⁴⁹ ГА Алма-Атинской области. Ф. 1881. Оп. 1. Д. 5. Л. 4.

қимматбаҳо совғалар, қорамол, нон ва бошқа маҳсулотлар билан тақдирланганлар.

Шимолий Қозоғистон вилояти Преснов тумани комбайнчиси А.Ходжаев яхши кўрсаткичлари учун беш марта мукофотланган, Конюхов Туманидаги «Чистяков» МТСнинг комбайнчиси К.Умаев эса белгиланган 530 гектар норма ўрнига 900 га ёрдам буғдойини йиғиб олиб тегирмондан ўтказган ва туман ташкилотлари томонидан совғалар, колхоз томонидан эса сигир билан тақдирланган. Мамлют туманидан колхозчилар Израилов ва Ахметовлар ҳам қорамол билан мукофотланганлар²⁵⁰. Жамбул вилоятида ҳам колхозлардаги яхши кўрсаткичлари учун 1945 йилда 30 киши тақдирланган, 1946 йилга келиб эса 3 045 киши мукофотланган. Худди шу тарзда Кустанай вилоятининг Феодоров тумани «Калайди» колхозида Мимиров, Междигорин тумани «Овчи» колхозида чорвадор Марсуюевлар меҳнат кунини ортиғи билан ишлаб чиққани учун нон ва қорамол билан мукофотланганлар. Шу билан бирга вилоят бўйича 500 дан ортиқ махсус кўчириб келтирилганлар ҳам яхши кўрсаткичлари учун тақдирланганлар. Республиканинг қолган вилоятларида ҳам, яъни Оқмолада 1 886 киши, Қарағандада 4 677 киши, Жанубий Қозоғистонда 946 киши яхши меҳнатлари учун тақдирланган²⁵¹.

Кўриб турганимиздек, ўша давр қийинчиликларидан келиб чиққан ҳолда махсус кўчириб келтирилганлар меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун давлат томонидан кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар билан тақдирланганлар.

Бу яхши натижалар берганлигини биз республика бўйича берилган қўйидаги ҳисоботда кўришимиз мумкин. 1945 йилда ҳар бир махсус кўчириб келтирилган ишчига ўртача 133 меҳнат куни тўғри келган бўлса, 1946 йилда 196, 12 меҳнат куни тўғри келган²⁵².

Шу билан бир қаторда бир ҳужжатда кўрсатилишича, Қарағанда вилоятида меҳнат қилаётган чеченлар орасида меҳнат интизомини бузиш фактлари аниқланмаган, балки

²⁵⁰ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 9.

²⁵¹ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 10.

²⁵² ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 8.

уларнинг меҳнатга бўлган муносабати аввалги йилларга нисбатан янада яхшиланиб борган. Масалан, Оскаров туманидаги «Жанубий» («Южный») колхозидаги 12 та чечен ва 12 та маҳаллий колхозчиларнинг ишлаб чиқариши солиштириб кўрилганда, уларнинг ҳаммаларига бир қаторда 245 меҳнат куни тўғри келган²⁵³. Шунингдек, республикада жойлашган 106 092 оила махсус кўчириб келтирилганлар 1946 йилда саноат корхоналарида фаол ишлаганлар. Агар уларнинг сони 1945 йилда 158 471 киши бўлган бўлса, 1947 йилга келиб бу кўрсаткич 171 672 кишига етган. Шу билан бирга ишлаб чиқаришга оила бошлиқларидан ташқари 15 133 киши ўсмирлар ва 5 165 киши кекса ёшдагилар ҳам жалб қилинган²⁵⁴.

Махсус кўчириб келинганларнинг халқ хўжалигида республика вилоятлари бўйича қандай қатнашганликлари қуйидаги жадвал бўйича 1947 йил ҳисоботида берилган:

Жадвал №3. Махсус кўчириб келинганларнинг халқ хўжалигида республика вилоятлари бўйича 1947 йил ҳисоботи.

Вилоятлар Номи	Колхозларда		совхозларда		корхонларда		Умумий	
	Ишга лаёқат- ли	Ишлай- ди	Ишга лаёқат- ли	Ишлай- ди	Ишга лаёқат- ли	Ишлай- ди	Ишга лаёқатли	Ишлайди
Олма-Ота	9 426	8 404	935	899	1 889	1 646	12250	10949
Ақмола	11409	10393	1 373	1 331	5 299	4 659	18081	16283
Ақтўба	2 071	1915	691	672	2 351	2 300	5 113	4 887
Шарқий Қозоғистон	1 870	1380	3 703	367	6 538	4 641	8 778	6388
Жамбул	9 143	8 276	1 341	1 302	6 904	6 027	17388	15065
Қарағанда	4 623	3 807	409	387	8 004	7 193	13042	11387
Қизил Ўрда	2 214	2 171	307	273	5 339	5 126	7 860	7 570
Кўкчатов	7 692	7 145	322	293	2 157	1 965	10171	9403
Қўстанай	10998	10124	2 998	2 769	2 898	2 550	16894	15413
Павлодар	5 651	3 712	955	886	3 933	2 776	10539	7374
Шимолий Қозоғистон	6 593	6 111	926	857	557	420	8 076	7 388
Семи- Палатинск	4 231	4 121	830	810	2 903	2 751	7 964	7 682
Талди- Қўрғон	5000	4 887	724	721	2 926	2 663	8 650	8 271
Жанубий Қозоғистон	10210	9 109	3 852	3 231	5 047	4 455	19109	16795

²⁵³ АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1820. Л. 15.

²⁵⁴ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 7.

Гурьев	-	-	-	-	4 209	3 809	4 209	3 809
Олма-Ота Шаҳри	-	-	82	82	2 190	2 058	2 272	2 140
Умумий	91136	81455	16115	14880	63144	55039	170395	151374

Шундай қилиб, махсус кўчириб келтирилган халқлар йил сайин меҳнатда яхши кўрсаткичларга эга бўлиб борар эканлар, улар асосан ҳукумат томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари билан тақдирланган бўлсалар, ўтган асрнинг 40-йиллари охирига келиб эса аста-секин ҳукумат мукофотлари учун номзодлар кўрсатила бошланган.

Қозоғистонда 1947 йилда чорвачилик илғорларидан номзодлари қўйилган иккита чечен, 1948 йил далачилиқ илғорларидан икки киши Ленин ордени ва медаль билан мукофотланган. Улардан Нуриин тумани «Илғор» («Передовик») колхози чорвачилиқ фермаси бригадири Х. Мункаев ва «Париж коммунаси» колхози звено бошлиғи А. Магомедова Ленин ордени билан мукофотланган²⁵⁵. Бунинг сабаби Улуғ ватан уруши тугагандан кейин махсус кўчирилган халқларга нисбатан ҳукумат сиёсатининг биров ўзгарганлигида эди. Аммо, махсус кўчирилган халқлар қанчалар меҳнатда илғор фаолият кўрсатмасинлар уларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш, уларга турли хил жамоат ишларини топшириш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди.

1954 йил 5 июлда собиқ Иттифок ХКК ва Марказий Қўмитасининг «Махсус кўчириб келтирилганларнинг ҳуқуқларидаги баъзи бир чекланишларни бартараф этиш ҳақида»ги қарори махсус кўчириб келтирилган халқлар, шу жумладан, Кавказ халқларининг ҳаётида кескин бурилиш ясади. Маълумки, бу қарорга кўра, энди махсус кўчириб келтирилган халқлар ички ишлар халқ комиссиариати рухсатномасисиз бир вилоят, тумандан иккинчисига ўтиш ҳуқуқига эга бўла бошлайдилар. Кўпгина махсус кўчирилганлар кўчирилиш даврида йўқотиб қўйган оила аъзоларини излаш учун, баъзилари раҳбарлар томонидан бўлган нотўғри муносабат туфайли ва энг асосийси, энди улар

²⁵⁵ АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1820. Л. 21.

ўз ватанларига қайтиш умидида бир вилоят ва туманлардан иккинчисига кўчиб кета бошлайдилар. Бу ҳол албатта уларнинг иш фаолиятига салбий таъсирини кўрсатмай қолмасди. Кўпгина корхона ва ташкилотлар ўзларининг яхши кадрларини йўқота бошлади. Бу борада яна архив ҳужжатларига мурожаат қилайлик.

Қарор қабул қилингандан сўнг Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилоятида 1954 йилда қишлоқ хўжалигида ишлаган 14 674 кишидан 1955 йилга келиб фақат 2 957 киши қолган²⁵⁶. Оқмола вилоятидан эса 1954 йил 1 августидан 1955 йил 1 августга қадар 4 119 киши; шу ҳисобда шаҳар ва саноат ташкилотларидан 1 111 киши, қишлоқ хўжаликларида эса 3 038 киши кўчиб кетган. Уларнинг асосий қисмини чечен ва ингушлар ташкил қилган. Семипалатинск вилоятидаги Навопокров туманида эса 1954 йил ноябридан 1955 йил сентябрга қадар махсус кўчирилганлардан 230 киши кўчиб кетиб, туманга 392 таси кўчиб келган²⁵⁷. Шунингдек, бу ҳужжатда қуйидаги келтирилган далил юқорида айтиб ўтилган фикримизнинг яққол исботи бўлади: «Уларнинг кўпчилиги (махсус кўчириб келтирилганлар) Қозоғистоннинг жанубий вилоятларига кўчиб кетмоқдалар. Буни фақатгина чеченларнинг илиқ иқлимга ўрганганлиги билан тушунтирилмай, балки уруғлар бўйича гуруҳланиш билан ҳам тушунтириш мумкин. Масалан, ...Баъзи чечен оилалари жанубдан шимолга кўчмоқдалар. Дудаев оиласи яқинда Жамбул вилоятидан Бородумехин тумани Раздольное қишлоғига кўчиб келдилар.

...Ново-Шульбин Тумани (Форпост қишлоғи) Калинин номли колхоздаги колхозчи У.Дошукаев Алма-Ата вилоятига кўчиб келмоқчи. Кўринишдан унга Фопост қишлоғида нима етишмайди? Иртиш дарёсининг табиий шароити билан гўзал жойлари, яшил тоғлар, кўм-кўк ўрмон. Бундай жойлар Қозоғистонда жуда кам. Колхоз эса тумандаги бой колхозлардан бири ҳисобланади. Дошукаевнинг ўзи ҳам яхши

²⁵⁶ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 134.

²⁵⁷ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л.Л. 7, 70.

темирчи бўлиб, колхозда уни алоҳида ҳурмат қиладилар. Ҳамма нарсаси етарли бўла туриб, у ҳаммасини сотиб юборган. У билан бўлган суҳбатда, Олма-Ота шаҳридаги қариндошлариникига кетаётганлигини айтади. Бу чечен шунингдек ўзи билан бирга колхоздаги яхши комбайинчи, комсомол Качермановни бирга олиб кетиш учун ҳамма чораларни кўрмоқда...»²⁵⁸. Жамбул вилояти Меркин туманида 400 киши бу қарордан кейин кетиш умидида ишламаганлар. «Ғалаба» колхозининг ўзида 15 киши ишламаган. Худди шундай фактлар Лугов, Чуй туманларида ҳам аниқланган. Масалан, Лугов туманидаги «Калинин» колхозида 1952 йилда 62 та махсус кўчиртирилганлар яшаб меҳнат қилган бўлсалар, 1955 йилга келиб улардан фақат 12 киши қолган, шу туманнинг «Жана-Турмыс» колхозида эса 157 кишидан 14 киши қолган. Кўкчетов тумани колхозларидан эса бир йил давомида 60% ингушлар кўчиб кетган. Шунингдек, бу архив ҳужжатида кўрсатилишича: «махсус кўчирилган халқлар: чечен ва ингушлар колхоз ва совхозлардан кўчиб кетар эканлар, улар шаҳарлар, темир йўл станциялари ва катта асфальт кўчалари ёнидаги посёлкаларга бориб жойлашганлар. Улар борган сари колхозчи ва совхоз ишчилари қаторидан вақтинчалик иш билан ёки олиб сотарлик билан шуғулланувчи ташкиллаштирилмаган аҳоли сафига ўтиб борган. Масалан, Оқмола шаҳрига кейинги йил давомида 200 оила ингушлар кўчиб келиб, ишчи кучига муҳтож бўлган «Ленин номли» заводга ишга кирмай, балки хусусий ишбилармонлик билан шуғулланиб, уйларни ижарага олиб яшаганлар»²⁵⁹.

Павлодар вилояти худудида 1954 йил августдан 1955 йил январга қадар болаларни ҳисобга олмаганда ишга лаёқатли 1250 киши кўчиб кетиб, улардан 910 киши чечен ва ингуш миллатига мансуб бўлган. Шу вилоятнинг Ново-Троицкий совхозига икки йил олдин 59 киши ишга лаёқатли махсус кўчирилган чечен ва ингушлар юборилган бўлса, 1955 йилга келиб улардан 10 киши қолган²⁶⁰. Жанубий Қозоғистон

²⁵⁸ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 71.

²⁵⁹ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л.Л. 54, 117.

²⁶⁰ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 26.

вилоятида ҳам аҳвол бошқа вилоятларники сингари бўлиб, бу вилоятдан 2 576 киши кўчиб кетиб, бошқа вилоятлардан эса 3 254 махсус кўчирилганлар келиб жойлашганлар²⁶¹.

Кўрсатиб ўтилган бундай фактлар республика вилоятлари бўйича вужудга келган бу вазиятдан чиқиш учун шошилиш чоралар кўриш заруриятини туғдирди. Бу борада 1955 йилда Қозоғистон ва Ўзбекистон Марказий қўмиталари Иттифок Марказий қўмитасининг 1955 йил 23 июндаги «Махсус кўчириб келтирилган халқлар орасида оммавий-сиёсий ишлар олиб бориш ҳақида»ги қарори асосида шу масала бўйича махсус қарорлар қабул қилди. Бу қарорларга кўра махсус кўчириб келтирилган халқларнинг оммавий тарзда кўчиб кетишларининг олдини олиш мақсадида, шунингдек уларни иш жойларида олиб қолиш учун тарғибот ишларини кучайтириш зарурлиги кўрсатилди. Яхши кўрсаткичларга эга бўлган махсус кўчириб келтирилган халқларнинг меҳнати энди юқори даражада баҳоланиб, турли иттифок, вилоят қишлоқ хўжалик кўргазмаларига юборила бошланади, шунингдек, улар юқори лавозимларга кенг тарзда жалб қилиниб, уларга умумжамоа ишлари ишониб топширила бошланди. Илғор ишчилар бошқа халқлар билан бир қаторда ҳукумат мукофотлари билан тақдирланиб, уларга юксак унвонлар берила бошланди ва ҳоказо.

Мисол учун Ўзбекистонда махсус кўчирилган Кавказ халқлари вакиллари ҳам раҳбарлик лавозимига кўтарилиб, бу вақтга келиб маҳаллий кенгаш депутатлар таркибида 2 та чечен-ингуш, 4 та қорақай ва бошқа махсус кўчирилган халқлар бор эди²⁶².

Қозоғистоннинг Оқмола вилояти Вишнево тумани «Харьков» қишлоғидаги ўқитувчи Нацулханов узок вақт давомида КПССга аъзоликка номзод бўлиш учун сайланмай юрган бўлса, 1955 йилга келиб КПСС биринчи партия ташкилоти уни аъзоликка номзод қилиб олган²⁶³.

²⁶¹ АПРК. Ф. 708. Оп. 29. Д. 1133. Л. 109.

²⁶² С.Гитлин. Крымские татары в Узбекистане: события и проблемы.// Центральная Азия и Кавказ. 1999. №3-4. - С.125-132

²⁶³ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 4.

Шарқий Қозоғистон вилоятида 96 киши партияга аъзо бўлиб, 8 киши партияга аъзоликка номзод бўлганлар. ВЛКСМга эса 1 338 киши аъзо бўлган бўлиб, улардан 371 таси чечен ва ингушлар бўлган. Зырянов шаҳар кўмитаси инструктори лавозимида чечен Т.Лабазанов сайланган, вилоят тарғибот ва агитация бўлими инструктори лавозимида ҳам чечен Т.Адсаламов ишлаган. Йирик ташкилотлар – аёллар кенгаши (жен.совет)га аъзоликка махсус кўчириб келинган аёллар сайлана бошланган ва уларнинг аскарият қисми ишлаб чиқариш илғорлари бўлишган. Айниқса бошқаларга нисбатан фарқланган махсус кўчирилганлар жавобгарлик ишларига жалб қилина бошланган. Жанубий Қозоғистон вилоятида Мурадов ишчи қаторидан маркшейдер (конларни планга олиш ва улардан тўғри фойдаланиш бўйича мутахассис инженер) инструктори лавозимига кўтарилган. Автарханов шахтёрлар қаторидан машхур бригадир бўлган ва бошқалар²⁶⁴. Шунингдек, саноат, транспорт ва қурилишларда комсомол ташкилотларининг қурилтойлари ўтказилиб, уларга кенг тарзда махсус кўчириб келтирилганлар орасидан ёш илғорлар ва ташаббускорлар жалб қилина бошланди²⁶⁵. Қизил Ўрда вилоятида ҳам 1955 йилда партияга 20 киши, комсомолга 254 киши, профсоюзга эса 400 дан ортиқ махсус кўчириб келтирилганлар қабул қилинади. Партия туман ва шаҳар кўмиталарига аъзо қилиб 4 та коммунист сайланган. Партия аъзоси Янгикўрғон тумани МТСидаги илғор комбайнчи Дункаев вилоят партия кўмитаси аъзоси қилиб сайланган, МТСдаги, колхозлар, совхозлар, ташкилот ва корхоналардаги раҳбарлик лавозимларига, бригадирлик ва цех бошлиқлари қилиб 50 дан ортиқ киши ташкилот раҳбари қилиб 3 киши махсус кўчиртирилганлардан тайинланганлар. Масалан, врач Л.Лиджиев соғлиқни сақлаш бўлимининг бошлиғи этиб сайланган ва ҳоказо²⁶⁶.

Гурьев вилояти бўйича ишлаб чиқаришда 450 илғор махсус кўчириб келтирилганлар ишлаб, улардан 12 таси орден

²⁶⁴ Ўша жой.

²⁶⁵ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 138.

²⁶⁶ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 133.

ва медаллар билан тақдирланадилар ва вилоят ҳурмат тахтасига киритиладилар. Улардан И.Зармаев (мутахассислиги бурғуловчи) узоқ йиллар давомида нефть ишлаб чиқарувчи корхонадаги яхши меҳнати учун «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени билан тақдирланган; М. Магомиззаев нефть ишлаб чиқувчи корхонанинг устаси бўлиб, у меҳнатдаги яхши кўрсаткичлари учун «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофатланган. Гурьев нефтни қайта ишлаб чиқувчи заводининг слесари (чилангар) С. Ааматов ва «Казнефтстрой» трестининг ишлаб чиқарувчи корхоналарининг дурадгори Я.Аблякимовлар ҳам орден билан мукофатланганлар²⁶⁷.

Жамбул вилоятида чечен ва ингушлардан 14 киши, қорачайлардан 25 киши, болқорлардан 3 киши овул ва қишлоқ кенгашларига депутат бўлган, 5 киши эса шаҳар ва туман комсомол кўмитаси аъзоси ҳисобланганлар.

1954 йилда меҳнатдаги муваффақиятлари ва фаолликлари учун 49 киши турли ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланганлар²⁶⁸.

Агар Кустанай вилоятида 44 072 та махсус кўчирилган халқлар яшаган бўлса, улардан 15 700 кишини Шимолий кавказликлар ташкил қилган.Улар орасидан энг ишга лаёқатлилари раҳбарлик лавозимларига тайинланганлар: 3 киши колхоз раислари бўлиб , совхоз бўлимлари бошлиқлари сифатида 2 киши, колхоз фермаларини бошқарувчиси бўлиб 77 киши, трактор ва дала бригадирлари бўлиб 117 киши ишлаган, улардан Маҳаллий Кенгаш депутатлигига 152 киши сайланган²⁶⁹. Шу билан бирга яхши кўрсаткичларга эришган махсус кўчирилганларнинг меҳнати газеталарда ёритила бошланди. Масалан, Гурьев вилоятида нашр этиладиган «Прикаспийская коммуна» («Каспийолди коммунаси») газетасида 1955 йилнинг август-сентябрь ойларида оператор Цухаев ва пайвандловчи Сейтхалиев ҳақида очерклар босилган ва уларнинг расмлари чоп этирилган²⁷⁰. Жамбул вилояти

²⁶⁷ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339. Л. 122.

²⁶⁸ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 40.

²⁶⁹ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 92.

²⁷⁰ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339. Л. 122.

газетасида эса 1955 йил ҳисоби бўйича махсус кўчирилганларнинг меҳнати тўғрисида 50 дан ортиқ материаллар chop этилган бўлиб, уларда меҳнат илфोरларидан Кутуев, Геккиева, Мелкондиевлар ўз тажрибалари билан чиқиш қилганлар. Шунингдек, шу вилоятнинг Чуй МТСидаги трактор бригадаси ҳақида ҳам маълумотлар берилиб, унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Богодур Вельев раҳбарлик қилган. Умумжамоа меҳнатида иштирок этган махсус кўчириб келтирилганлар ҳақида ҳам доимий равишда мақолалар chop этиб турилган. Шундай мақолалардан бири Свердлов тумани «Янги ҳаёт» колхози сугир соғувчиси Юли Сабашева ҳақида бўлиб, у ҳар бир сугирдан 2 477 литр сут соғиб олган. Бир қатор материаллар Свердлов тумани «Ульгули» колхози энг яхши чорвадори Беджиевга бағишланиб, у 1 115 та кўзичок олган ва уларни сақлаб қолган, ҳар бир кўйдан эса 3,5 кг. дан жун олган²⁷¹.

Махсус кўчириб келинган халқлар меҳнати муносиб даражада баҳоланиши, албатта, уларнинг кейинги йиллардаги меҳнат фаолиятларига ўз ижобий таъсирини кўрсатиб, уларнинг меҳнат самарадорлигини оширган. Мисол учун, Қизил Ўрда вилояти Джагаш тумани «Калинин» номли колхоз сугир соғувчилари Бахаева, Чихановалар бириктирилган 13 та сугирнинг ҳар биридан 700-800 литр сут соғиб олганлар²⁷². Павлодар вилояти Павлодар туманидаги махсус кўчириб келинган халқлар ишлаган кўйчилик совхози бутуниттифок қишлоқ хўжалиги кўргазмаси (ВДНХ) иштирокчиси бўлган. Комбайнчи Мерхаев Усмон МТСда 10 йилдан бери ишлаб, 1954 йил мавсумий ишлар режасини 160% га бажариб, 10 913 центнер буғдойни тегирмондан ўтказган. Цичаев Камбулат ўртача ҳосилдорлик режаси 10,2 центнер бўлганда, у 19,95 центнер ҳосил олган. Шунинг учун улар 1955 йилда Москвада бутунииттифок қишлоқ хўжалиги кўргазмаси (ВДНХ) қатнашчилари бўлганлар. Меҳнаткаш колхозчи махсус кўчирилганлар ўзига тўқ ҳолда яшаб, артел аъзолари ўртасида

²⁷¹ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 52.

²⁷² АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 133.

хурматга эга бўлган. Шу туманнинг Сталин номли колхозида дурадгор бўлган А. Беркинхаев ўз шахсий хўжалигида иккита сигир, бузоқча, 10 та эчкига эга бўлган. Давлатга топширган нон ҳисобига мотоцикл олган. «Менинг меҳнат кунимга олинган ҳақим оиламга тўрт йилга етади» деб айтган унинг гаплари архив ҳужжатида қайд этилган. Колхозчилар уни артел бошқармаси аъзоси этиб сайлаганлар. Павлодар шахрининг «Октябрь» заводидаги цех ва завод профсоюз кўмиталарининг 47 та аъзосидан 7 таси махсус кўчириб келтирилганлардан бўлган. Заводнинг энг яхши чилангари ингуш Хасминов нормани 200-260% га бажарган. Завод «Хурмат тахтаси» га 13 та махсус кўчириб келтирилганлар ва шаҳардагига икки киши киритилган. Шаҳар ижроия кўмитасининг фахрий ёрлиғи билан 3 киши, комсомол ёрлиғи билан икки киши мукофотланган. Вилоят қишлоқ мактабларида 4 та чечен ва ингуш ўқитувчилари дарс бериб, Лябизин туман, Лябизин ўрта мактабида битта чечен аёли А.Н.Жанхомаева тўртинчи синфларга ўқитувчилик қилган²⁷³.

Жамбул вилоятида колхозчи-чечен Х.Бастанов Курдай тумани «Роза Люксембург» колхозида меҳнат қилиб, электр энергиясини ишлаб чиқариш ташаббусчиси бўлган. Унинг раҳбарлиги ва қатнашуви билан бу колхозда 12 та электр мотори ўрнатилган. Электр токи орқали тегирмон, сут фермасида ем-хашак тайёрловчи ва ҳоказолар ишга туширилган. Шунингдек, Бастанов эски комбайнни, буғдой тозаловчи машинага айлантирган ва у 2 025 кишининг ишини бажарган. У «Роза Люксембург» колхозида 1954 йил ҳосилни йиғиб олиш бўйича биринчи ўринни эгаллаган. Бастанов ихтиролари туфайли колхоз биринчи бўлиб туманда ҳосилни йиғиб бўлган ва муддатдан илгари давлатга буғдой топшириш бўйича қарзини узган. Шу колхознинг ўзида чечен аёли сут соғувчи К.Кубанова ўзига бириктирилган маҳаллий наслдаги сигирлардан режадаги 1 100 литр ўрнига 1 700 литрдан сут олган. Кустанай вилояти Мендигарен тумани Михайловск МТСида, комбайнчи, слесарь ва бошқа мутахассисликлар

²⁷³ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 36.

бўйича 30 та чечен ва ингушлар ишлаб, уларнинг ҳаммалари ўз ишларининг усталари бўлганлар. МТС комбайнчиси ингуш А.Итиев 12 кун ичида 469 гектар буғдойни йиғиб олган ва бу юқори кўрсаткичларни иккинчи йил ҳам такрорлаган. МТС директори уни экскурсант сифатида Бутуниттифок қишлоқ хўжалик кўргазмаси (ВДНХ)га жўнатган.

Семиозёр тумани «Энгельс» номли колхоздаги чеченлар Гизеркаева ва Автархановалар энг яхши сигир соғувчилардан ҳисобланганлар. Б. Гизеркаева 9 та бириктирилган сигирдан 1953 йили 11 483 литр, 1954 йили 18 476 литр сут соққан бўлса, 1955 йил 7 ой давомида 13 606 литр сут соғиб берган. Автарханова эса ҳар бир бириктирилган сигирдан 1953-54 йиллар давомида 3900 литрдан сут соққан. Махсус кўчириб келтирилган халқларнинг ишлаб чиқаришдаги фаоллиги ҳақида қуйидаги факт ҳам далолат беради. Агар 1954 йилда уларда ижтимоий фойдали меҳнати билан 305 киши машғул бўлган бўлсалар, 1955 йилда уларнинг сони 1085 кишига етган²⁷⁴.

Шундай қилиб, ҳукумат топшириғига кўра, Кавказ халқлари бошқа кўпгина халқлар билан бир қаторда Марказий Осиё республикаларига кўчирилар экан, давлат бу катта ишлаб чиқарувчи кучни хўжаликнинг турли тармоқларида фойдаланишни эътиборга олган ҳолда махсус қарорлар қабул қилади. Шунингдек, уруш даврида кўплаб мудофаа аҳамиятидаги саноат корхонлари ҳам Марказий Осиё республикаларига кўчирилган эди.

Кавказ халқлари Марказий Осиё республикалари вилоятларидаги колхоз, совхоз, саноат ва бошқа хўжалик корхоналарига жойлаштирилганидан сўнг улар ишлаб чиқаришда жуда суст равишда иштирок этадилар. Бунинг энг асосий сабабларидан бири уй-жой шароитининг жуда ёмонлиги бўлса, иккинчидан, улар иқтисодий аҳволининг оғирлиги эди. Бу даврда Улуғ ватан уруши кетаётган бўлиб озиқ-овқат танқислиги бу давр учун табиий ҳол бўлган, албатта. Меҳнат қилаётган махсус кўчириб келтирилган халқлар сонининг қиш фаслига келиб совуқ тушиши билан камайиб кетиши эса

²⁷⁴ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339. Л. 92.

уларнинг иссиқ кийим ва пойафзалларининг йўқлиги билан изоҳланади. Шунингдек, Кавказ халқларининг асосий қисми асрлар давомида тоғли туманларда яшаб, чорвачилик билан шуғулланганликлари сабабли уларнинг қўлларида хунарлари бўлмаган. Ниҳоят Кавказ халқлари дастлабки кўчирилиш йилларида ўз ватанларига қайтиш умидида яшаганликлари сабабли ҳам ишга жойлашмаганлар. Кейинги йиллардаги архив ҳужжатлари махсус кўчириб келтирилган халқларнинг иш фаолиятда фаол равишда иштирок эта бошлаганликларини кўрсатади. Аста-секинлик билан махсус кўчириб келинган халқларнинг меҳнатдаги унумдорлиги маҳаллий халқларникига нисбатан анча юқори кўрсаткичларга эга бўла бошлайди. Махсус кўчириб келтирилган халқлар ўша даврдаги аҳволдан келиб чиққан ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида давлат томонидан яхши меҳнатлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари билан тақдирлана бошлайди. Аммо ҳамма вилоятларда ҳам аҳвол бир хил бўлмай, кўп ҳолларда махсус кўчириб келтирилган халқларнинг яхши меҳнатлари мукофотланмай, баъзи раҳбарлар томонидан уларга нисбатан «ватан хоинлари» сифатида муносабат кўрсатилган. Шунингдек, улар ҳукумат мукофотлари билан тақдирланмас, уларни юқори лавозимларга кўтариш ҳам ман этилган эди. Фақатгина ўтган асрнинг 40-йиллари охирига келиб, яъни уруш тугаши муносабати билан аста-секин ҳукумат мукофотлари учун уларнинг номзодлари қўйила бошланади.

1954 йил 5 июнда ХКК ва Марказий партия қўмитаси томонидан қабул қилинган «Махсус кўчириб келтирилганларнинг ҳуқуқларидаги баъзи бир чекланишларни бартараф этиш ҳақида»ги қарори бу халқларининг меҳнатини муносиб даражада баҳолашни тақозо этади. Сабаби, кўрсатилган қарорга кўра, энди Кавказ халқлари республиканинг бир ҳудудидан иккинчи ҳудудига кўчиш ҳуқуқига эга бўладилар. Улар ўз ватанларига қайтиш умидида бир вилоятдан иккинчи вилоятга, темир йўл атрофидаги ерларга марказий шаҳарларга кўчиб кета бошладилар. Бу эса ўз навбатида кўпгина корхоналарнинг яхши кадрларини

йўқотишига сабаб бўлади. Марказий Осиё Республикалари махсус қарорларига кўра, махсус кўчириб келтирилган халқларни ўз жойларида сақлаб қолиш мақсадида энди улар маҳаллий аҳоли билан бир қаторда мукофотланар, юқори лавозимларга сайланар ва уларнинг ишлаб чиқаришдаги кўрсатган ютуқлари умумиттифоқ миқёсида тарғиб қилинар эди.

V БОБ

Кавказ халқларининг маънавий ҳаётини ташкил этиш муаммолари.

Марказий Осиё республикаларига Кавказ халқлари сургун қилинар экан Иттифоқ Халқ комиссарлар кенгаши 1944 йил 20 июнда № 13 287 рс сонли махсус қарор қабул қилиб, бу қарорда чечен, ингуш, қорачай, болқорлар ва крим-татар халқларининг болаларини ўқитиш масаласи кўриб чиқилади²⁷⁵. Бу қарорнинг биринчи бандига кўра: «Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ССРга кўчирилган чечен, ингуш, қорачай, болқор ва крим-татарларнинг болаларини яшаш жойларида бошланғич мактабларда рус тилида ўқитилиши кўзда тутилади.

Қозоғистон маориф министрлигининг кўрсатмаларига кўра, Шимолий Кавказдан махсус кўчирилган болалар рус ёки қозоқ тилида ўқитилишга рухсат берилади ва махсус кўчириб келтирилган болаларга республика ҳудудидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларига бориш учун рухсатномалар бериш мазкур республикалар ички ишлар халқ комиссарлигига юклатилган эди²⁷⁶. Аммо 1944 йил бўйича берилган ҳисоботда Қозоғистон Республикаси бўйича мактабгача ва мактаб ёшдагилар ўқишга жалб қилинмаганлиги, бўлим бошлиқлари эса вилоят халқ таълими бўлимларидан бу борада керакли чоралар кўришни талаб қилмаганлиги кўрсатилади²⁷⁷. Шу йилда 97 891 мактаб ёшидаги болалардан фақатгина 8 476 ўқувчи мактабга боришган²⁷⁸.

1945 йил апрелдаги Қозоғистон ССР Халқ комиссарлар кенгаши ва партия Марказий қўмитасининг «Қозоғистон ССРда жойлаштирилган махсус кўчириб келинганларнинг хўжалик шароитидаги камчиликлар ҳақида»ги қарорида кўрсатилишича, «Қозоғистон ССР халқ маориф қўмитасининг махсус кўчириб келинган халқларнинг болаларини мактабга жалб қилиш учун керакли чоралар ўтказмаганлиги сабабли, 1945 йилда

²⁷⁵ Репрессированные народы России: чеченцы и ингуши. – М. 1994. – С. 134.

²⁷⁶ Ўша жой.

²⁷⁷ АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 314. Л. 11.

²⁷⁸ Бугай Н.Ф., Гонов Л.М. Кавказ: народы в эшелонах. – М.: Инсан. 1998. – С. 262.

Республикада рўйхатга олинган 50 329 мактаб ёшидаги болалардан фақат 6 099 киши мактабга борган»²⁷⁹. Бу вазиятни вилоят халқ таълими бўлими бошлиғи ўринбосари П.Ливин 1946 йил 13 июлдаги Қозоғистон ССР маориф ва оқилолтириш министри Сембаевга берган «Шимолий Кавказдан махсус кўчирилган болаларни ўқитиш ҳақида»ги маълумотномасида қуйидагича изоҳлайди, Қозоғистон ССР маориф ва оқилолтириш министрлигининг кўрсатмасига мувофиқ, Шимолий Кавказдан махсус кўчириб келинганларнинг болалари (чеченлар) рус ёки қозоқ тилида ўқитилиши керак эди. Худди шу кўрсатма бўйича чечен ўқитувчиларини мактабда дарс беришларига рухсат берилган эди, аммо улар дарсларни рус ёки қозоқ тилларида олиб боришлари шарт эди. Шимолий Кавказда бошланғич синфларда дарс берган чечен ўқитувчилари рус тилини ёмон билганлар ва шунинг учун бу тилда дарс бера олмаганлар. Қозоқ тили ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ўқитувчилар орасида қозоқ тилини билладиганлар умуман бўлмаган²⁸⁰.

Марказий Осиё республикалари Халқ таълими органлари болаларни ўқитишда қуйидаги қийинчиликларга дуч келганлар:

Биринчидан, ота-оналар дарслар она тилида олиб борилмаганлиги сабабли ўз болаларини мактабга юборишмаган.

Иккинчидан, кўпгина Кавказ халқлари рус тилини билмаганлар, улар оилаларида она тилида сўзлашар эдилар. Табиийки, бу ҳолда болалар бошланғич мактабнинг биринчи синфига келар эканлар, ўқитувчининг гапига тушунмаганлар, натижада дарсларни ҳам ўзлаштира олмаганлар. Синфдаги ўқувчилардан орқада қолганлар ва биринчи синфда икки йиллаб қолиб кетганлар. Бу аралаш синфларда дарс берувчи ўқитувчилар бу болаларни ўқитиш борасида норозилик билдирадилар, чунки бу иш тажрибали ўқитувчилар учун ҳам оғир бўлган.

Бундай синфларда ўзлаштириш жуда паст бўлиб, камдан-кам махсус кўчирилган ўқувчилар кейинги синфга ўтганлар²⁸¹.

²⁷⁹ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 359.

²⁸⁰ ЦГА РК. Ф. 1692. Оп. 1. Д. 996. Л. 21.

²⁸¹ ЦГА РК. Ф. 1692. Оп. 1. Д. 996. Л. 21.

Шунингдек, бу ҳужжатда ёзилишича, бу фактларнинг ҳаммаси махсус кўчирилган халқлар болаларига алоҳида тайёрлов синфлари ташкил этиш керак бўлганлигидан далолат берган. Бу синфларда эса болалар Иттифоқ Маориф министрлиги томонидан ишлаб чиқилган алоҳида дастурлар бўйича ўқишлари керак. Бу дастурга мувофиқ умуммактаб материаллари оддий мактабларга нисбатан секинроқ ўтилиши лозим бўлган ва ҳоказо²⁸².

1945-1946 ўқув йилида 89 минг мактаб ёшидаги Шимолий Кавказ болаларидан фақат 22 минг киши мактабга борганлигини ҳисобга олган ҳолда Қозоғистон партия Марказий қўмитасининг 1946 йил 6 августдаги «Республика партия ва совет ташкилотларининг махсус кўчирилганларнинг янги жойлашган жойларда хўжалик шароити яратиб беришда олиб борган ишлари ҳақида»ги қарори асосида Қозоғистон маориф министрлиги бўйича 1946 йил 20 сентябрда № 1328 сонли буйруқ берилади²⁸³.

Бу масала бўйича Ўзбекистон маориф министрлиги бўйича ҳам махсус махсус буйруқ чиқарилиб, бу буйруққа биноан:

а) ҳар бир мактаб ўз микрорайони бўйлаб Кавказ халқлари болаларининг рўйхати олиниб, уларни ўқишга жалб қилиниши, агарда болалар сони 20 кишидан кам бўлмаса, улар учун рус ва маҳаллий мактабларда махсус синфлар очилиши керак бўлган. Дарслар эса рус ёки маҳаллий тилда олиб борилиши шарт бўлган;

б) чечен ва ингуш халқларининг катта ёшдагилари орасида умумий таълим масаласи борасида оммавий тушунтириш ишлари олиб борилиб, бу ишларга комсомол, профсоюз ва бошқа жамоа муассасалари жалб қилиниши керак эди. Шунингдек:

1) Кавказдан махсус кўчирилганлар болалари мактаб интернатларига қабул қилиниб, уларни пойабзал ва кийим кечак билан таъминлаш;

²⁸² ЦГА РК. Ф. 1692. Оп. 1. Д. 996. Л. 21

²⁸³ ЦГА РК. Ф. 1692. Оп. 1. Д. 996. Л. 7.

2) Ижроия кўмиталар орқали махсус кўчириб келинганлар болаларини пойабзал, кийим-кечак ва иссиқ нонушта учун озиқ- овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ишлар олиб бориш;

3) Агарда яқин мактабгача масофа 2 км дан ортиқ бўлса, қишлоқ кенгашлари ва колхозлар орқали болаларни мактабга олиб боришни ташкиллаштириш;

4) Болаларини мактабга юборишни қатъиян ман қилаётган ота-оналарни маъмурий жавобгарликка тортиш ва ҳоказо²⁸⁴.

Бу қарордан сўнг, махсус кўчириб келтирилганларнинг болалари учун алоҳида синфлар очила бошланади. Масалан, Қозоғистоннинг Жамбул вилояти Свердлов туманида 26 та синф, Кустанай вилоятидаги Затобаль туманида 1 та синф, Федоров туманида 2 та синф, Кустанай туманида 1 та синф. Вилоят бўйича эса 6 та шундай синфлар ташкил қилинди²⁸⁵.

Шунингдек, Қозоғистон ССР маориф министрлигининг 1946 йил 1 август № 26 сонли қарорига кўра, яйлов чорвачилиги участкаларидаги Шимолий Кавказ халқларининг болалари учун Қизил Ўрда вилоятида 9 та бошланғич мактаб очилиб, унда 483 та бола, Қарағанда вилоятида 15 та чорва майдонларида 24 та мактаб ташкил қилиниб, унда 689 та мактаб ёшидаги болалар ўқиганлар²⁸⁶.

Айтиб ўтилган бу синфлар ихтисослаштирилган мактабларда ташкил қилиниб, улар учун махсус бинолар қурилмаган, қурилиш материалларининг йўқлиги туфайли таъмирлаш ишлари тўлиқ бўлмаган ва энг асосийси оилалар бир–биридан узоқда жойлашганлиги сабабли синфлар учун керакли микдорда ўқувчилар йиғилмас эди.

1946 йилдаги Маориф министрлигининг Қозоғистон партия Марказий кўмитасига берган маълумотида кўра. Семипалатинск, Оқмола, Павлодар, Талди Қўрғон, Шарқий Қозоғистон, Жамбул, Кўкчатов, Гурьев вилоятлари бўйича Шимолий Кавказ халқлари болаларидан 19 591 киши рўйхатга

²⁸⁴ ЦГА РК. Ф. 1692. Оп. 1. Д. 996. Л. 7.

²⁸⁵ ЦГА РК. Ф. 1692. Оп. 1. Д. 996. Л. 24-26.

²⁸⁶ ЦГА РК. Ф. 1692. Оп. 1. Д. 996. Л. 13,56.

олиниб, улардан фақат 14 739 бола ўқишга жалб қилинган²⁸⁷, холос.

Айтиб ўтиш жоизки, Шимолий Кавказдан сургун қилинган болалардан қанчаси ўқишга жалб қилинганлиги борасида архив ҳужжатларига мурожаат қилар эканмиз, бу ҳужжатларда турли хил бир-бирига зид маълумотларга дуч келамиз.

Масалан, Қозоғистон ССР маориф министрлиги ўринбосари Нурмамбетовнинг маълумотига кўра, 1946 йили Оқмола вилоятида Шимолий Кавказдан кўчирилган мактаб ёшидаги болалардан 3 445 киши ўқишга жалб қилинган²⁸⁸. Республика бўйича 1946 йилдаги махсус кўчирилганларнинг таълим борасидаги ҳисоботида эса, Оқмола вилоятида умумий ҳисобда (яъни бошқа сургун қилинган халқлар билан бирга), 10 434 мактаб ёшидаги болалардан фақат 3 409 киши мактабга борган²⁸⁹.

Бошқа вилоятлар бўйича ҳам худди шундай ноаниқликлар мавжуд бўлиб, агар бир ҳужжатда Гурьев вилоятида 592 киши рўйхатга олиниб, уларнинг ҳаммаси ўқишга жалб қилинган деб маълумот берилган бўлса²⁹⁰, иккинчи ҳужжатда бу вилоятда умумий ҳисобда 413 киши мактабга борганлиги кўрсатилган²⁹¹.

Шундай қилиб, Қозоғистон маориф министри ўринбосарининг маълумотига кўра, бошқа вилоятлар бўйича Шимолий Кавказдан махсус кўчирилган болаларнинг ўқишга жалб қилиниши қуйидагича бўлган: Семипалатинск вилоятида 4 361 боладан – 2 297 киши ўқиган бўлса, иккинчи ҳужжатда 4 355 кишидан – 857 таси мактабга борган, деб кўрсатилади. Павлодар вилоятида 2 323 киши ўқигани кўрсатилса, республика бўйича берилган ҳисоботда бу вилоятда 1 172 киши ўқишга жалб қилинганлиги кўрсатилган²⁹². Қолган вилоятлар бўйича мавжуд рақамларни солиштириб чиқсак, бу ерда ҳам ҳар хил кўрсаткичлар берилганлигининг гувоҳи бўламиз. Биз бу ҳолда маориф министрларининг маълумот

²⁸⁷ ЦГА РК. Ф. 1692. Оп. 1. Д. 996. Л. 16.

²⁸⁸ ЦГА РК. Ф. 1692. Оп. 1. Д. 996. Л. 16.

²⁸⁹ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 19.

²⁹⁰ ЦГА РК. Ф. 1692. Оп. 1. Д. 996. Л. 16.

²⁹¹ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 19.

²⁹² ЦГА РК. Ф. 1692. Оп. 1. Д. 996. Л. 16; Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 19.

манбаларида ўзларининг «таълим» борасида олиб борган «ишларини» анча бўрттириб кўрсатганлиги ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин.

Махсус кўчиртирилган кўпгина болаларнинг мактабга бормаслик сабаблари, ҳамма архив ҳужжатларида бирдай кўрсатилган. Буларга кўра, асосий сабаблардан бири кийим-кечак ва пойафзалларнинг етишмовчилиги бўлган. Қуйидаги фактлар бунинг исботи бўлиши мумкин: агар Кустанай вилоятида ўқув йили бошида мактабга 7 517 боладан 6 571 таси борган бўлса, қиш келиши билан уларнинг сони қисқариб, 2 207 ўқувчи қолган. Шимолий Қозоғистон вилоятида эса, 5 063 мактаб ёшидагилардан ўқув йили бошидан 2 900 та ўқишга жалб қилинган бўлса, қишга келиб эса 1 615 киши қолган. Худди шундай фактлар бошқа вилоятлар бўйича ҳам аниқланган²⁹³.

Шундай қилиб, 1947 йил ҳисоботида кўра, Қозоғистон республикасида махсус кўчирилган 95 633 та мактаб ёшидаги болалар рўйхатга олиниб, улардан 31 946 киши ўқишга жалб қилинган²⁹⁴, холос.

Ички ишлар министрлиги органларининг берган маълумотида кўра, 1949-1950 ўқув йилининг бошида мактабга жалб қилинмаган 43 344 та мактаб ёшидаги болалар ҳисобга олиниб, улардан ўқув йили давомида 10 136 киши кўшимча равишда мактабга жалб қилинган. Кўрсатиб ўтилган ўқув йили давомида болаларнинг сабабсиз дарслардан қолиши каби оммавий ҳодисалар жуда кўп бўлиб, бу масалага вилоят ва Туман халқ таълими бўлимлари ҳеч қандай эътибор бермаганлар.

Махсус кўчирилган мактаб ёшидаги болаларнинг етти йиллик ўқишини назорат қилиш эса ички ишлар министрлигининг шаҳар ва туман бўлимларига, халқ таълими бўлимларининг туман бўлимларига юклатилган эди²⁹⁵.

Кавказдан кўчирилган халқлар болаларини кейинги йилларда ҳам тўлиқ равишда ўқиш билан таъминланмаганлиги

²⁹³ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 20.

²⁹⁴ ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 21. Л. 19.

²⁹⁵ ГА Алма-Атинской области. Ф. 499. Оп. 8. Д. 96. Л. 51.

Қозоғистон ССР маориф министрлиги бўйича шу масала юзасидан чиқарилган «Мутлақо махфий» грифи остидаги буйруқларда ўз аксини топган.

Масалан, Қозоғистон маориф министрлиги бўйича 1951 йил 23 январ № 12 сонли буйруғида рўйхатга олинган 184, 1 минг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган махсус кўчирилганларнинг болаларидан 34 мингтаси мактабга бормаган, 15-18 ёшдаги 81,5 минг боладан эса фақат 14,8 минг бола ўқиган. Махсус кўчирилган ёшлардан умумий 224,8 минг кишидан 203,7 минг кишиси эса ҳеч қаерда ўқимаган. Улар орасида саводсиз ва кам саводлилар 50% дан ортиқ бўлган деб кўрсатилади, тегишли ҳужжатларда²⁹⁶.

1952 йилдаги маълумотга кўра эса республика бўйича мактаб ёшидаги махсус кўчирилганлар болаларидан ўқишга жалб қилинмаган 91 943 киши ҳисобга олинган бўлиб, улардан Шимолий Кавказ халқлари болалари 33 702 кишини ташкил қилган²⁹⁷.

1953 йилдан махсус кўчириб келинганларнинг ўқишга жалб қилиниши масаласи қандай бўлганлиги текширилганда «уларнинг кўп қисми ҳали ҳам мактабга бормаганлиги аниқланган»²⁹⁸. Мисол учун, Кўкчатов вилояти Кенлер туманида 56, Рузаев туманида 47, Шичин туманида фақат 29 бола мактабга жалб қилинган. Республиканинг бошқа вилоятларида ҳам аҳвол шундай бўлган²⁹⁹.

Фақатгина Кустанай, Жамбул, Павлодар вилоятининг ўзида 1954-55 ўқув йили давомида 1543 та махсус кўчирилган болалар мактабга бормаганлар. Халқ таълими бўлимлари ва кўпгина мактаб раҳбарлари бу болаларни мактабга тўлиқ равишда жалб қилиш борасида чоралар кўрмаган, натижада етти йиллик таълим ҳаттоки бошланғич таълимни олмаган болалар ҳам ўқишни умуман ташлаганлар.

Маориф борасида давлат томонидан ажратилган маблағ тўлиқ равишда ишлатилмаган. Масалан, Жамбул вилояти халқ

²⁹⁶ ГА Алма-Атинской области. Ф. 499. Оп. 8. Д. 100. Л. 1.

²⁹⁷ Репрессированные народы России: чеченцы и ингуши. – М. 1994. – С. 195.

²⁹⁸ ГА Алма-Атинской области. Ф. 499. Оп. 8. Д. 106. Л. 1.

²⁹⁹ Ўша жой.

таълими бўлимлари томонидан 1955 йил учун ажратилган 137 минг сўмдан, биринчи ярим йилликда фақат 24 600 сўм ишлатилган³⁰⁰.

Махсус кўчириб келинганларнинг олий ўқув юртларида ўқиши масаласига тўхтаб ўтадиган бўлсак, бу борада 1952 йил 28 майда Қозоғистон партия Марказий қўмитасининг «мутлақо махфий» қарори қабул қилиниб, бу қарорнинг биринчи бандига кўра «махсус кўчириб келинганларни С.М.Киров номидаги давлат университетига, Олма-Ота ҳуқуқшунослик, қозоқ тоғ-металлургия, физкультура ва педагогика институтларига, шунингдек консерваторияга қабул қилиниши ман этилган»³⁰¹. Иккинчи банд бўйича уларни чекланган миқдорда қозоқ қишлоқ хўжалик, ветеринар-зоотехник, медицина, Чимкент технология ва ўқитувчилик (Олма-Отадан ташқари) институтларига қабул қилишга рухсат берилган. Шунингдек, бу қарорнинг иккинчи бандида кўрсатиб ўтилган олий ўқув юртларига фақат конкурслардан ўтган, биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва жамоа ишларида фаол иштирок этган комсомол ва коммунистлар қабул қилиниши, уларнинг сони эса белгиланган миқдордан ошмаслиги кўрсатиб ўтилган. Масалан, Қозоғистон қишлоқ хўжалик институтига ҳар йили конкурсда 20 киши иштирок этишга рухсат берилган бўлиб, фақат 10 киши қабул қилиниши керак бўлган, худди шундай тарзда Олма-Ота, Семипалатинск ветеринар зоотехник институтларига, Чимкент технология институтига, Карағанда, Олма-Ота медицина институти, Карағанда, Петропавловск, Кустанай, Актюба, Семипалатинск, Чимкент ва бошқа педагогика институтларига қабул қилиниши керак бўлган махсус кўчириб келинганлар миқдори кўрсатиб ўтилган. Умумий ҳисобда эса 215 та махсус кўчирилганлар ҳар йили конкурсда иштирок этишга рухсат берилиб, улардан 105 таси қабул қилинишлари керак бўлган³⁰².

Олий ва ўрта маълумотга эга бўлган чечен, ингуш, қорачай, болқор ва бошқа махсус кўчирилганларнинг педагогик

³⁰⁰ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. ЛЛ. 54-67.

³⁰¹ АПРК. Ф. 708. Оп. 16/1. Д. 91. Л. 112-113.

³⁰² Ўша жой.

ишларда фаолият кўрсатиши борасида Қозоғистон маориф министрлиги 1944 йилдан бошлаб қатор қарор ва кўрсатмалар қабул қилган³⁰³.

Кўрсатиб ўтилган қарорлар бўйича махсус кўчириб келинганлар халқ таълими бўлимлари аппаратида, педагогик ўқув бўлимларида, ўрта мактабларда директор вазифасида, бошланғич мактабда, мактабдаги ўқув бўлимларида мудир бўлиб, болалар уйлари, боғчаларида директор ва унинг ўринбосарлари бўлиб ишлаши қатъиян ман қилинган эди³⁰⁴.

Маориф министрлигининг кўрсатмасига мувофиқ педагогик олий ва ўрта маълумотга эга бўлган чечен, ингуш, болқор, қорачай ва бошқалар маҳаллий ички ишлар министрлиги органлари рухсати бўйича, мактаблардаги гуманитар фанлар (тарих, адабиёт, марксизм-ленинизм асослари, конституция, иқтисодий ва сиёсий география, сиёсий иқтисод ва бошқалар)дан ташқари аниқ фанлардан дарс беришлари мумкин бўлган³⁰⁵.

Шундай қилиб, Кавказликлар ва бошқа сургун қилинган халқлар фақатгина иқтисодий ва жисмоний жиҳатдан талофат кўрмасдан, балки уларга маънавий жиҳатдан ҳам катта зиён етказилган. Бу халқлар ўз шахсий эркинлиги ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳам йўқотганлар. Махсус кўчирилганлардан ҳеч ким маҳаллий ва олий кенгашларга сайланиши мумкин бўлмаган, комендантлар кўп ҳолларда ўзбошимчалик билан уларни овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этганлар, ёшларни комсомол, партия, раҳбарлик лавозимлари ва дарс бериш ишларига қабул қилмаганлар. Ваҳоланки, жойларда ўқитувчи кадрлар жуда етишмаган. Бу халқларнинг она тиллари расмийлашмаган ҳолда ман этилиб, она тилида китоблар чоп этилишига рухсат берилмаган. Бу эса ўз навбатида миллий маданиятнинг ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатган. Сургун қилинган халқларнинг ўтмиши ҳақида гапириш у ёқда турсин, бу халқлар ҳақида эслашга ҳам рухсат берилмаган. Миллий маданият арбоблари, ижодий ва илмий зиёлилар

³⁰³ ГА Алма-Атинской области. Ф. 499. Оп. 8. Д. 88. Л. 16.

³⁰⁴ ГА Алма-Атинской области. Ф. 499. Оп. 8. Д. 88. Л. 19.

³⁰⁵ Ўша жой.

«ҳаётдан» четлаштирилиб, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаган.

Қозоғистон Республикаси ҳокимият муассасалари томонидан сургун қилинган халқларнинг маданий талабларига эътибор 1949 йиллардан бошланганини Қозоғистон партия Марказий қўмитаси котиби Ж.Шаяхметовнинг Иттифок Марказий котиби Понамаренкога берган мутлақо махфий маълумотида кўришимиз мумкин³⁰⁶. Бу маълумотномада Қозоғистон партия Марказий қўмитаси махсус кўчириб келинганлар орасида олиб борилиши мўлжалланаётган тадбирлар билан бир қаторда маданий соҳа бўйича ҳам айрим таклифларни кўриб ўтишни сўраган. Аниқроғи, маданий-тарбиявий ишларни яхшилаш учун миллий санъат шаклларида фойдаланиш ва бадиий ҳаваскорлик кўрикларида қатнашиш учун истеъдодли ёшларга имконият яратиб бериш; аввалги яшаш жойларидан бадиий ва сиёсий адабиётларни сайлаб олиб янги кўчирилиш жойларига юбориш, шунингдек, маърифий соҳада ҳам қатор таклифлар киритилиб, маҳаллий мактабларда русча синфлар очиш, болалар уйи ва интернатларда давлат ҳисобидан ўринларни кўпайтириш керак эди. Жумладан, бу таклифларга амалиётда юзага келган махсус кўчирилган ёшларни ВЛКСМ сафларига қабул қилишдаги чекланишларнинг бекор қилиниши ҳақида ҳам гап юритилган ва бошқалар³⁰⁷.

Қозоғистон Республикаси партия Марказий қўмитасининг 1951 йил 20 февралда «Махсус кўчириб келинганлар орасида олиб борилган ишлар тўғрисида»ги қароридан сўнг бу борада вилоятларда олиб борилган ишлар ҳақида берилган ҳисоботларда аввалги йилларга нисбатан маданий соҳада бир қанча ўзгаришлар содир бўлди³⁰⁸. Масалан, Жанубий Қозоғистон вилояти бўйича берилган маълумотга кўра, касаба уюшма ташкилотлари махсус кўчирилганлар орасида уларни жамоа, касаба уюшма ва маданий ишларга жалб қилиш учун бир қатор тарбиявий ишларни олиб борганлар. Бу ишлар

³⁰⁶ АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 255. Л. 8-12.

³⁰⁷ Ўша жой.

³⁰⁸ АПРК. Ф. 708. Оп. 16/2. Д. 54. Л. 43-44.

айниқса МТС, ер хўжалик ташкилотлари, совхоз, қурилишлар, кўмирчиликда, рангли металлургияда ва бошқаларда яхши олиб борилган. Кўпчилик махсус кўчирилганлар маданий-оммавий ишларга жалб қилиниб, айнақса «Пахта-орол», «Октябрь 30 йиллиги» ва бошқа совхозлардагилар драма, хор, вокал, мусиқа тўғаракларига қатнашганлар³⁰⁹. Аммо ҳамма вилоятларда ҳам бу қарорга кўра маданий соҳа бўйича ижобий ўзгаришлар бўлди, деб хулоса чиқариш қийин. Масалан, Кўкчатов вилояти бўйича ҳисоботда айтилишича, «Келлер туманида жуда ҳам кўп шикоятлар кўчма кинолар бўйича тушиб, айнақса яйлов чорвачилигида улар жуда ҳам кам бўлган»³¹⁰. Кўпгина вилоятларда эса бу борада ҳеч қандай ишлар олиб борилмаган.

Кавказ ва бошқа жойлардан сургун қилинган халқларнинг маданий ва маърифий соҳадаги талабларини бажариш бўйича ишлар фақатгина 1954 йилдан кейин амалга оширила бошланди, десак муболаға бўлмайди. Сабаби мамлакатда бўлиб ўтган сиёсий ўзгаришлар ва 1954 йил 5 июлдаги партия Марказий кўмитасининг «Махсус кўчирилганларнинг баъзи ҳуқуқий чекланишларининг бекор қилиниши ҳақида»ги қарори билан уларга бўлган муносабат ҳам ўзгара бошлади. Бу маданий ва маърифий соҳага ҳам тааллуқли эди, албатта.

Бу масала бўйича яна тегишли архив ҳужжатларига мурожаат қиламиз. Марказий Осиё республикалари партия Марказий кўмиталари юқорида айтиб ўтилган қарорга асосланган ҳолда, 1954 йилда «мутлақо махфий» грифи остида «1954 йил 5 июль қарори билан боғлиқ ҳолда партия ташкилотларининг ишлари ҳақида»ги қарорини қабул қилади³¹¹. Бу қарорга, кўра махсус кўчирилганларни республика қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналаридаги умумжамоа ишларига кенг тарзда жалб қилиш ва кўчирилган жойларида барқарор яшашини таъминлаш ва бошқа масалалар билан бир қаторда маданий ва маърифий соҳа бўйича ҳам қуйидагиларни қарор қилади; бу қарорнинг иккинчи бандига кўра, Марказий Осиё республикалари маданият министрлигига, вилоят, шаҳар,

³⁰⁹ АПРК. Ф. 708. Оп. 16/2. Д. 54. Л. 43-44.

³¹⁰ АПРК. Ф. 708. Оп. 16/2. Д. 54. Л. 77.

³¹¹ АПРК. Ф. 708. Оп. 27. Д. 211. Л. 38-42.

туман ижроия кўмиталарига махсус кўчирилганларни хор, драма, мусиқа, спорт ва бошқа маданий-маърифий корхона тўғаракларига жалб қилиш, шунингдек, уларнинг клуб, кутубхоналар, ўқув хоналарида фаол қатнашишларига эришиш мажбурияти юклатилади. Қарорнинг учинчи бандига кўра, Марказий Осиё республикалари ВЛКСМ Марказий кўмитасига комсомол ташкилотларининг махсус кўчирилган ёшларни фаол равишда меҳнатга ва ўқишга жалб қилишдаги ишларини яхшилаш, шунингдек уларнинг комсомол ва жамоа ташкилотларидаги ишларда ҳам фаол иштирок этишларига, ВЛКСМга аъзо бўлишларига доир чоралар кўриш мажбурияти юклатилади. Шу билан бирга бу қарорда махсус кўчирилганлардан ўз мутахассисликлари бўйича фойдаланиш ва шу масалага доир бошқа муаммолар ҳал этилган³¹².

Кавказ халқларининг маданий талабларини қондирилиши соҳасида амалга оширилган ишлар масаласига тўхтасак, Олма-Ота вилояти партия кўмитаси котиби Қозоғистон Марказий кўмитаси тарғибот ва ташвиқот бўлимига 1955 йил 4 апрель № 04/406 сонли хатида «махсус кўчирилганларнинг орасида сиёсий ишларни кучайтириш борасида» қуйидаги тадбирларни ўтказиш лозим деб ҳисоблаганлар³¹³:

Туман маданият уйларида, қишлоқ клубларида махсус кўчирилганлар орасида ўз тилларида чиқиш қиладиган ҳаваскорлик гуруҳларини ташкил этиш; республика ва вилоят радио кўмиталарида чечен, ингуш ва бошқа тилларда радио эшиттиришларини, охирги янгиликлар, ҳаваскорлик чиқишлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш; махсус кўчирилган халқлар тилида республика рўзномасини чоп этишни ташкил этиш; махсус кўчирилганлар тилида китоб ва брошюралар, плакат ва бошқалар сонини кўпайтириш; махсус кўчирилганлар орасида ўз тилларида чиқиш қилиш учун филармония қошида артистлар гуруҳини ташкил этиш, махсус кўчирилганлар оммавий жойлашган вилоятларда уларнинг тилларида кўчма театр ташкил этиш ва ҳоказолар³¹⁴.

³¹² АПРК. Ф. 708. Оп. 27. Д. 211. Л. 38-42.

³¹³ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339. Л. 39.

³¹⁴ Ўша жой.

1955 йилга келиб маданий ва маърифий соҳада Республика радио, босма ва нашриёт котиби ўринбосари Р.Хрущевнинг чечен тилида нашр этилган адабиётлар тўғрисида берган маълумотига кўра, чечен тилида Қozoғистон давлат нашриётида куйидаги брошюралар чоп этилган:

1. Қozoғистон ССР Конституцияси- 5000 нусха.
2. Қozoғистон Олий кенгашига сайловлар тўғрисидаги Низом- 5000 нусха.
3. Қozoғистон ССР вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва овул ишчи депутатлар кенгашига сайлов тўғрисидаги Низом- 3000 нусха³¹⁵.
4. Понамаренко П.К. «Буғдой ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги умумхалқ масаласини амалга ошириш»- 3000 нусха³¹⁶.

Ўзбекистон Республикасида ҳам бу даврга келиб махсус кўчириб келинган халқларнинг Республика давлат филармонияси қошида ашула ва рақс ансамбли ташкил этилади. Ўзбекистон Давлат нашриётида махсус кўчириб келинган халқлар тилида адабиётлар нашр этиш тўғрисида қарорлар қабул қилинади. 1956 йил 13 апрелда ҳам Ўзбекистон Ком. Партияси кенгашида яна махсус кўчирилганларнинг масаласи кўриб чиқилади. Бу кенгашда махсус кўчириб келинган халқларнинг тилларида газета нашр қилиниши, радио орқали эшиттиришлар берилиши ва бошқа масалалар кўриб чиқилади³¹⁷.

1955 йил июль ойидан бошлаб эса Қozoғистон ССР Олма-Ота шаҳрида чечен тилида «Меҳнат байроғи» («Знамя труда») газетаси чоп этила бошланган³¹⁸.

Айнан шу даврга келиб махсус кўчириб келтирилган ёшларнинг ҳам турли тўгарак ва спорт анжуманларида фаол иштирок эта бошладилар. Масалан, Қozoғистон Оқмола вилоят мактаблари, пионер ташкилотлари ва ҳаваскорлик

³¹⁵ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 39.

³¹⁶ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 39.

³¹⁷ С.Гитлин.Крымские татары в Узбекистане: события и проблемы.// Центральная Азия и Кавказ. 1999. №3-4. С.127.

³¹⁸ Белая книга. — Алма-Ата: 1991. — С. 96.

тўғаракларида махсус кўчирилганларнинг болаларидан 7882 киши қатнашганлар. Вилоят бўйича маданий, маърифий ташкилотларда, яъни хор, драма, мусиқа ва спорт тўғаракларида тахминан 2000 га яқин киши иштирок этган³¹⁹.

Павлодар вилоятида махсус кўчириб келинган ёшлар Павлодар шаҳридаги кемаларни ремонт қилувчи завод ва Лазов туманининг «Қозоғистонга 30 йил» колхозидаги бадий ва ҳаваскорлик тўғаракларига фаол қатнашганлар. Заводдаги ҳаваскорлик тўғарагига ингуш М.Поголов раҳбарлик қилган. Колхоздаги тўғаракларда эса 18 киши иштирок этган. Пионер лагерлари учун ажратилган йўлланмалардан 4 таси махсус кўчирилганларнинг болаларига берилган. Спорт бўйича 57 та махсус кўчирилган спортчилар разряд нормативларини бажарган, 215 киши эса фахрий ёрликка эга бўлган. Вилоят IV спартакиадасида 27 киши иштирок этишиб, енгил атлетикачилар В.Ғаниев ва Щерматин, МТС тракторчиси А.Афашаков, курашда гўшт комбинатининг дурадгори Анезевлар вилоят бўйича янги рекордлар ўрнатганлар. «Динамо» хоккей командасининг капитани ингуш Тимурзиев, Цюритин тумани физкультурачилар коллективи раиси чечен В.Ғаниев шахсий биринчиликда яхши кўрсаткичларга эга бўлганлар.

Кустанай вилоятида бу вақтга келиб Шимолий Кавказдан кўчирилган 15700 киши яшаган. Бу халқлар орасида чечен тилида 359 нусха «Меҳнат байроғи» («Знамя труда») ва 26 нусха «Агитатор блокноти» («Блокнот агитатора») газеталари тарқатилган. Бадий ҳаваскорлик, клуб ва кутубхоналарда 73 киши иштирок этганлар. Шунингдек, бу ҳужжатда айтилишича, вилоятдаги чечен-ингуш зиёлилари чечен тилида «Меҳнат байроғи» газетасининг чоп этилишига хайрихоҳлик билдириб, чечен адабий тилининг ҳаётга қайтишидан ва махсус кўчирилганлар ҳаёти расмий жиҳатдан ёритилаётганидан хурсандликларини билдирганлар³²⁰.

³¹⁹ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. ЛЛ. 1-4.

³²⁰ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339. Л. 92.

1955 йилга келиб Шарқий Қозоғистон вилоятида 14 472 та чеченлар яшаган бўлиб, улар «Меҳнат байроғи» газетасидан 1185-нусха, «Агитатор блокноти»дан эса 220 нусхага обуна бўлганлар. 371 та чечен ингушлар эса комсомол сафига кирмаганлар.

Комсомол мажлисларида XII вилоят комсомол конференциясига махсус кўчирилганлар орасидан 7 киши (чеченлар) делегат қилиб сайланган, 4 киши эса ВЛКСМ вилоят кўмитасига аъзо қилиниб, бир неча киши ВЛКСМ VIII съездига делегат этиб сайланганлар³²¹.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, 1955 йил 29 июндаги Иттифоқ Марказий кўмитасининг «махсус кўчирилганлар орасида оммавий - сиёсий ишларни кучайтириш» тўғрисидаги қарори асосида бу қарорни амалга ошириш ва партия кўмиталарига ёрдам бериш учун вилоят партия ва совет фаоллари орасидан юборилган махсус бригадалар ва текширув гуруҳлари берган маълумотларга кўра, маданий ва маърифий соҳада махсус кўчирилган халқларнинг талаблари кўпгина вилоятларда амалга оширилмаганлиги қайд этилади³²². Масалан, Оқмола ва Кўкчатов вилоятларида чечен тилида маърузалар олиб борилмаган. Уларнинг тилларида суҳбатлар жуда кам олиб борилган. Чечен-ингуш болалариларнинг кўпгина қисми мактабларга бормаганлар. Мактабларда таълим олаётган болалар сони бўйича халқ таълими органлари берган маълумотлар нотўғри бўлиб чиққан. Масалан, Оқмола вилояти туман халқ таълими берган маълумотга кўра, махсус кўчирилган мактаб ёшидаги болалардан вилоят бўйича фақат 4 киши мактабга қатнашган бўлса, шу вилоятнинг биргина «Дмитриев» номли колхознинг ўзида 1954-55 ўқув йилида 10 та қиз бола мактабга бормаган³²³.

Шунингдек, бу бригадалар томонидан махсус кўчирилган халқларнинг она тилларида синфлар очилиши ҳақида суҳбат ўтказилган. Бу борада Қозоғистон Марказий кўмитаси

³²¹ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 135-141.

³²² АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339. Л. 119.

³²³ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339. Л. 119.

бригадалари Марказий қўмитанинг тарғибот ва ташвиқот бўлимларига қуйидаги маълумотларни берганлар³²⁴:

Павлодар вилояти, Павлодар тумани «Киров» номли колхоздаги бир гуруҳ колхозчилар (18 киши ингушлар) билан суҳбатда, қўчирилишига қадар Шимолий Кавказда туман халқ таълими мудир вазифасида ишлаган ингуш Загиев қуйидаги фикрни билдирган: «Чечен ва ингуш тилларида таълим берувчи синфларни очиш керак эмас, аммо 1-4 синфларда она тилини ўргатиш учун дарслар ташкил қилинса ёмон бўлмас эди». Колхозчи Д.Загиев эса қуйидаги гапларни айтган: «Менинг Кавказга қайтиш ниятим йўқ, шунинг учун болаларимни ингуш тилида синфлар очилса ҳам, улар менга ўхшаб саводсиз бўлмаслиги учун рус синфларида ўқитаман». Она тилида синфлар очилишини талаб қилиб, Придорожный қишлоғи «Панфилов» номли колхоздан чечен Мурцал Хашигельгин чиқиб: «Бизнинг халқимизга ўзининг мактаблари зарур, болаларни ўз тилларида ўқитиш керак, чеченлар ўз тилларини унутмасинлар, шу тилда ёзсинлар, ўқисинлар» деган фикр билдирган³²⁵. Жамбул вилоятидаги шахсий суҳбатларда ҳам бригада аъзоларининг маълумотига кўра, туман раҳбар ходимлари, махсус қўчирилганларнинг ўзлари ҳам ўз она тилларида ўқитиладиган синфлар очишга унчалик хайрихоҳлик билдирмаганлар³²⁶.

Масалан, Луговое станциясидаги Заготоскот ишчиси Эдильбиев Али, «Сталин» номли колхоз ишчиси Саид Али Тагировларнинг фикрига кўра, «Она тилида ўқитиш ёмон иш эмас, аммо ҳозирги даврда рус тилида ўқитиш яхшироқ. Агар чечен тилида синфлар очилса ҳам биз болаларимизни рус синфларига берган бўлар эдик». Худди шундай фикрни совхоз ишчилари Ахмат Рахимов, Арат Шапаев, Ш.Хасенов, Абдулхамит Есмурзаев 97-от заводидан Ширван Эдильбиев ва бошқалар ҳам билдиришган.

Чечен-Ингушетияда ҳуқуқшунослик институти директори бўлиб ишлаган, Қозоғистонда эркин ўт ўчириш жамияти

³²⁴ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 103.

³²⁵ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 103.

³²⁶ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 53.

ишчиси Мальсатов эса куйидаги фикрни билдирган: «Чечен қизлари учун она тилида махсус синфларни ташкил этиш лозим ва ўқитувчилар ҳам аёллар бўлиши шарт»³²⁷.

Жанубий Қозоғистон вилоятидаги махсус кўчирилган болалар рус ва қозоқ мактабларида ҳам таълим олган бўлиб, кўпгина ота-оналар билан бўлган суҳбатда улар она тилида синфлар очилишини унчалик мақсадга мувофиқ деб ҳисобламаганлар. Сабаби ўрта ва олий ўқув юртларида дарслар барибир рус ёки қозоқ тилларида олиб борилган³²⁸. Худди шундай фикрлар 1955 йил 24 августда Семипалатинск вилояти Урджар туманидаги «Қизил тоғ бургутлари» («Красные горные орлы»), «Янги ҳаёт», «Эркин йўл» колхозларида бўлган суҳбатларда ҳам худди шундай фикрлар билдирилган³²⁹. Шу билан бирга ушбу тумандаги «Ворошилов» номли колхоздан уй бекаси Чека Тимарова «Крестьянка» ва «Сталин жолы» журналларини чечен тилида нашр этишни таклиф этади. Колхозчилар Юнус Бачаев, Сусан Молочаев, Усман Албастов, Шакир Батаев ва бошқалар ўзларининг чиқишларида совет ёзувчиларидан А.Фадеевнинг «Ёш гвардия», А.Бекнинг «Волоколом шоссеси» («Волоколомское шоссе») Ажаевнинг «Москвадан йироқда», К.Семеновнинг «Биз совет фуқароларимиз» («Мы советские люди»), Бубеновнинг «Оқ қайин» («Белая береза»), Брянцевнинг «Ари инининг тугаши» («Конец осиннего гнезда») ва «Сирли йўлкалар» («Тайные тропы») ва бошқа китобларни чечен тилига таржима қилиб нашр этиш хоҳишини билдирганлар. Шунингдек, колхозчилар томонидан Исаковский, Мурадели, Хачатурян, шунингдек, чечен мусиқачиларидан Омар Димаев (Фрунзеда яшаган) ва Бауд Сулайманов (Қарағандада яшаган)нинг ашулалари билан грампластинкалар ва миллий мусиқа асбоблари (дичек пондур, теохат пондур)ни чиқариш таклиф қилинган³³⁰.

Текширув пайтида аниқланишича, республика бўйича чечен-ингуш аҳолисининг алоҳида гуруҳлари уларнинг

³²⁷ Ўша жой.

³²⁸ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339. Л. 112.

³²⁹ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 76.

³³⁰ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 76.

тилларида рўзномалар нашр этилганидан хабар топмаганлар³³¹. Семипалатинск вилоятида эса махсус кўчирилганлар бадий ҳаваскорлик тўғаракларига жуда суст жалб қилинган³³² ва бошқалар.

Қозоғистон радиосида чечен ва ингуш тилидаги эшиттиришлар 1956 йил 1 январда пайдо бўлган³³³. 1955 йилда Қозоғистон ССР маданият министрлигига маданий соҳада махсус кўчирилганларнинг талабларини амалга ошириш борасида, яъни чечен тилида совет ёзувчиларининг энг яхши асарларини, шунингдек, болалар адабиёти ва бадий ҳаваскорлик тўғараклари учун репертуар тўпламларини нашр этиш таклиф қилинган³³⁴. Биринчи чечен тилидаги бадий китоб фақатгина 1957 йил апрель охири - майнинг бошларида Олма-Отада (шеър ва «Дўстлик» поэмалари тўплами) нашр этилади³³⁵.

Юқорида кўрсатилган фактлар асосида биз ҳукумат қарорлари кўп ҳолларда фақатгина қоғозларда қолиб кетган, махсус кўчириб келтирилганларнинг маданий ва маърифий талаблари тўлиқ равишда қондирилмаган, деган хулосага келишимиз мумкин.

³³¹ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 10.

³³² АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 72.

³³³ Белая книга. – Алма-Ата: 1991. – С. 235.

³³⁴ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 105.

³³⁵ Белая книга. – Алма-Ата: 1991. – С. 97.

VI БОБ

Кўчириб келтирилган халқлар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатлар.

Кавказ халқлари Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларига сургун қилинар экан, дастлабки вақтларда маҳаллий аҳоли ва махсус кўчирилганлар ўртасидаги муносабатни ижобий деб бўлмас эди. Бунга сабаб, биринчидан, олиб борилаётган уруш қозоқлар ва бошқа маҳаллий халқларни қашшоқликка олиб келган эди. Ҳамма жойда очлик ва талон-тарожлик ҳукм сураар эди. Кўп сонли бу халқларнинг кўчириб келтирилиши эса, маҳаллий аҳоли учун иқтисодий аҳволнинг янада оғирлаштирилишига олиб келди. Иккинчидан, сургун қилинган халқлар «Ватан хоинлари» тамғаси остида кўчирилган эди.

Маълумки, Шимолий Кавказ ва бошқа бутун бир халқларнинг сургун қилиниши сабаби расмий жиҳатдан айтиб ўтилганидек, уларнинг ҳарбий ҳаракатлар вақтида гитлерчи босқинчилар билан ҳамкорлик қилишлари деб кўрсатилгани эди. Бу айблар жуда ҳам жиддий тус ола бошлаган. Бундай ноинсоний ҳаракатни режалаштирган Сталин ва Бериялар бу зарбани «тўғри» ҳисоблаган бўлиб, фашист агрессияси кулфатларини бошидан ўтказган собиқ совет фуқаролари кўз олдида «ватан хоини» – сотқинлар маъносига эга бўлган. Сургун қилинган халқлар бундай таҳқирланиш билан биргаликда совуқ, очлик, касалликлар билан ҳам курашишга тўғри келади.

1945 йил декабрь ойида Қозоғистон, Қирғизистон раҳбарлари Молотов ва Маленковларга махсус кўчирилганлар учун қўшимча қурилиш материаллари сўраб мурожаат қиладилар. Бунинг сабаби илтимосномада кўрсатилишича, уларнинг асосий қисми умуман бошпанасиз бўлган³³⁶. Илтимосномага жавоб бўлмаганидан сўнг, Олма-Ота ва Фрунзе раҳбар ходимларига Москва томонидан бу халқларнинг тақдири ҳал қилинганлиги маълум бўлган.

³³⁶ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы. 1998. – С. 244.

Сургун қилинган халқларга нисбатан яхши муносабат йўл қўйилмаган ва ҳаттоки уларга нисбатан илиқ муносабатлар жиной кўнгилчанлик белгиси сифатида баҳоланган. Ўша қаҳрли даврнинг шиорига биноан бундай алқларга раҳм қилиш жиной шерикликка тенглаштирилган³³⁷.

Шу билан бирга депортация қилинган халқларнинг ҳуқуқий томондан ҳимоя қилинмаслиги натижасида уларга бўлган таҳқирли муносабатлар жавобгарликсиз қолар эди. Кўпинча бу ишлар уруш, қотиллик, ифвогар ҳақоратларига ҳам сабаб бўлиши ҳақида архив ҳужжатлари маълумот беради. Мисол учун, Шимолий Қозоғистоннинг Ленин тумани Покровка қишлоғида маҳаллий аҳоли вакиллари битта ингушни ўлдириб, учтасини бешафқат калтаклаганлар³³⁸.

Махсус кўчирилган ва эвакуация қилинган халқлар бўйича бўлим бошлиғи Родиннинг «махфий» маълумотида кўра, Олма-Ота вилоятида ҳам махсус кўчирилганларга нисбатан таҳқирли муносабатлар, уларни калтаклаш фактлари, меҳнат кунлари учун уларнинг ҳақларини камайтириш, озиқ-овқат, давлат нафақалари, квартиралар беришдаги камчиликлар жуда кўп эди. Масалан, Илий туманидаги, «1 Май» колхози раиси Кулицев махсус кўчирилганларга томорқаларга сув қуйиш ва уйлар қуриш учун рухсат бермаган. «Маркс» номли колхозда эса 7-сон бригада бошлиғи Филипенков муайян равишда бу халқларни калтаклаган ва ҳоказолар³³⁹. Қизил Ўрда вилояти Янги Қўрғон туманидаги колхозларнинг кўпгина раислари кўчирилган чеченларни колхозлардан ҳайдаб, туман марказларига жўнатишган. Шунингдек, Тарень-Узяк тумани «Интымак» колхози раиси Бижанов бу колхозга жойлаштирилган 22 та махсус кўчирилганларни тарқатиб юбориб, қолган ҳолсиз ва очликдан шишган 5 та ингушни колхозда озиқ-овқат йўқлигини баҳона қилиб, туман ижроия кўмитасига юборган. Натижада йўлда 2 киши (Гурмангаев Абдуразан ва Магомедов Зайнари) вафот этган³⁴⁰. Шунга

³³⁷ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы. 1998. – С. 244.

³³⁸ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы. 1998. – С. 356.

³³⁹ ГА Алма-Атинской области. Ф. 685. Оп. 4. Д. 875. Л. 32.

³⁴⁰ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 286.

ўхшаш фактларни эса республиканинг бошқа вилоятларидан келтиришимиз мумкин.

Сургун қилинган халқларнинг кўпчилиги биринчи кунлариданоқ адолат тикланиши ва уларга урушдан сўнг ўз ватанларига қайтиш учун рухсат берилишига ишониб яшар эдилар. Аммо 1948 йилда, яъни А.Шверникнинг чечен, қарачай, ингуш, болқорлар ва бошқа «хоин халқлар»нинг сургун қилиниши умрбод, аввалги яшаш жойларига қайтиш эса тақиқланганлиги ҳақида қарорга имзо чекканидан сўнг, бу халқларнинг аҳволи янада оғирлашган десак, хато бўлмайди³⁴¹.

50-йилларнинг ўрталарига келиб депортация қилинган халқларга нисбатан давлат сиёсати ўзгара бошлайди. 1954 йил СССР Министрлар кенгаши «махсус кўчирилган халқларнинг ҳуқуқий чекланишларини бартараф қилиш ҳақида»ги қарорига кўра, мамлакатдаги ва махсус кўчирилганларнинг ҳаётидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда уларнинг ҳуқуқий чекланишларига ўрин қолмаган эди³⁴². Аммо бу ўзгаришларга ҳам қарамай, Республика партия муассасаларининг махсус кўчирилганлар орасида олиб борган ишлари ҳақидаги маълумотномада кўрсатилишича: «КПСС Марказий қўмитасининг талабларини билмаган ва тушунмаган ҳолда, алоҳида партия, касаба уюшма, комсомол ташкилотлари, шунингдек, баъзи раҳбар шахслар махсус кўчирилган халқларга нисбатан «иккинчи тоифадаги одамлар» сифатида муносабатда бўлганлар ва сиёсий ишончсизлик билдирганлар»³⁴³.

Масалан, Олма-Ота вилояти «Мичурин» номли колхоз кўйчилиқ бригадасида бир неча йил давомида махсус кўчирилган Трамонов яхши ишлаганлиги учун колхоз бошқармаси Олма-Ота туман қишлоқ партия қўмитасига уни бригадир лавозимига тасдиқлаш учун уч йил давомида ҳужжатларни тасдиқлашга юборганлар. Аммо у жуда яхши ишлаб чиқарувчи, унинг бригадаси сабзавот йиғиб олиш бўйича нафақат вилоят, балки Қозоғистон бўйича ҳам энг илғор бўлишига қарамай, туман партия қўмитаси райком

³⁴¹ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 244.

³⁴² Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 348.

³⁴³ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 53.

таркибида махсус кўчирилганлар вакили бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблаган. Шунга ўхшаш аҳвол Кўкчатов вилоятидаги Шучин туман «Қурувчи» колхозида ҳам содир бўлиб, колхоз бошқармаси, бригадирлар таркибида, ферма мудирлари орасида бирорта ҳам махсус кўчиртирилганлардан бўлмаган. Ваҳоланки, колхозчиларнинг 50%ни улар ташкил этганлар. Кустанай вилояти Табол темир йўл станциясида «чеченлар-ишончсиз одамлар» баҳонаси билан бирорта энг яхши ишчи чечен катта ишчи этиб тайинланмаган. Жамбул вилоятидаги тери заводида чечен Харумов Хандали ишлаш учун келганда, цех бошлиғи Легкомкуров «ҳамма чеченлар – ўғрилар» деб уни ишга қабул қилмаган. Шу вилоятнинг Меркен туманидаги «Ғалаба» колхози раиси Нестеренко яхши кўрсаткичларга эга бўлган чеченларни юқори лавозимларга кўтаришдан воз кечиб, уларга: «Кавказга борганларингдагина бригадир бўлишларинг мумкин, бу ерда ҳеч қачон», деган жавобни берган³⁴⁴. Шу билан бирга бу ҳужжатда кўрсатилишича, кўпгина колхоз раислари, масалан, Семипалатинск вилояти Новопокров туманига қарашли «Пушкин» номли колхози махсус кўчирилганларни ишқмасликда ноҳақ айблаганлар. Аммо текширув натижасида аниқланишича, биринчи ва иккинчи сон бригадаларда август ойи мобайнида ишга махсус кўчирилган эркаклардан 90%и ва аёллардан 70% и қатнашган бўлса, маҳаллий колхозчилардан эркаклар фақат 50% ва аёллар 10% қатнашганлар, холос.

Кўплаб ташкилот, колхоз, совхоз ва МТС раҳбарлари юқори меҳнат кўрсаткичларига эришган махсус кўчирилганларни мукофотлаш ўрнига, ҳатто уларнинг номини ҳурмат тахтасида ҳам кўрсатмаганлар. Масалан, Черская темир йўлидаги пайвандловчи Бакаев Магамедни, Павлодар вилояти Турксиб МТСидаги энг яхши комбайнчисини эса махсус кўчирилганлардан бўлгани учун фахрий ёрлик билан тақдирлашмаган. Баъзи раҳбарлар томонидан улар қувғинликка учраб, уларга нисбатан ноинсоний муносабатларда бўлганлар. Оқмола вилояти Сталин туманидаги «Дмитров» номли колхоз раиси Дработ ва колхоз партия ташкилоти котиби Халчевский

³⁴⁴ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 53.

колхоздаги ингушларни ҳайдаган ва текширув пайтига келиб 14 та ингуш хўжаликдан озод бўлган. Бундай фактлар туман раҳбарларига маълум бўлишига қарамай, улар томонидан керакли чоралар кўриш ўрнига хайрихоҳлик билдирилган³⁴⁵. Жанубий Қozoғистон вилояти Ильич туманидаги «Ленин васияти» колхози раиси Трофимов ҳам худди шундай кайфиятда бўлиб, у махсус кўчирилганларга ёрдам беришдан воз кечиб, «яшай олмасаларинг Кавказга кетинглар» деган сўзни айтган. Семипалатинск вилояти «Қизил тоғ бургутлари» («Красные горные орлы») колхози партия ташкилоти котиби колхозда ишлаган ва виждонан меҳнат қилган чечен Абдулқодир Магометовни бригадирлик вазифасидан олишни талаб қилган, сабабини «чеченлар бригада раҳбарлигига лойиқ эмаслар, уларнинг жойи тоғларда қорамол боқиш» деб тушунтирган. Худди шу тарзда, ҳеч қандай сабабсиз, Жанубий Қozoғистон вилояти Туркистон туманидаги Ленин номли колхозда илғор бригадир М.Бичиев ишдан ноҳақ бўшатирилган.

Кўпгина партия ташкилотларининг маҳаллий аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бормаганлиги туфайли махсус кўчирилганларга нисбатан нотўғри муносабатлар очиқчасига зид муносабатларга айланиб борган. Масалан, Павлодар вилояти Ёкибастуз қишлоғида, Жанубий Қozoғистон вилояти Пахта-Арал туманидаги «Жданов» номли колхозда махсус кўчирилганлар ва маҳаллий аҳоли ўртасида оммавий тўқнашувлар ва уларнинг уйларини ағдар-тўнтар қилиш ҳоллари содир бўлган. Кўрсатиб ўтилган туман Акал гўшт совхозининг директори Лизнов махсус кўчирилганлардан қутулиш учун совхоз ҳудудидаги 58 та ингушларни ишдан бўшатган. Кетишни хоҳламаган ингушлар М.Евлоев, А.Евлоев, М.Албаков, М.Боровларни эса МВД органлари орқали турли айблар қўйиб, совхоздан ҳайдаб чиқарган³⁴⁶.

Павлодар вилояти Павлодар туманидаги «Женжекши» колхозида комсомол аъзоси қозoқ Кунакбаев Омерзак бугдойни тозалаш вақтида Шимолий Кавказлик М.Боковани «Бизнинг

³⁴⁵ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 54.

³⁴⁶ АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л. 61.

устимиздан буйруқ бермасдан, ўзинг ҳам ишла, сен ҳам биз сингари колхозчисан» деган гаплари учун белкурак билан калтаклаб, унинг бошига қаттиқ шикаст етказган³⁴⁷.

Шундай қилиб, ҳақоратомуз аҳволга солинган махсус кўчирилганлар муҳтожликда яшаб, уларнинг миллий маданияти ва санъати тушкунликка тушиб, маънавий ҳаёти тўхтаб қолган эди. Депортациянинг психологик ва ҳуқуқий оқибатларига эса юқорида кўрсатилган фактлар далил бўлади.

Аммо вақт ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Сургун қилинган халқлар билан ёнма-ён яшаб, уларнинг хурсандчилиги ва кулфатларига ҳамроҳ бўлган қозоқлар, ўзбеклар, қирғизлар, руслар ва бошқа миллатлар чечен, ингуш, болқор ва қорачайларнинг меҳнаткашлиги, меҳмондўстлиги, яхши урф-одат ва анъаналари билан ажралиб туришларига ишонч ҳосил қилдилар. Яхши зироатчи, тажрибали чорвадор ва боғбон бўлган бу халқлар янги жойлардаги қишлоқ ишлаб чиқаришига фаол равишда қатнаша борганлар. Ўша вақтдан бошлаб қадимги Қозоғистон ерлари ва Ўрта Осиёда серҳосил маккажўхори етиштириш мустаҳкам такомиллашган. Чечен ва ингушлар маҳаллий деҳқончиликка янги шакл ва усуллар, меҳнат қуролларини олиб келганлар. Ўз навбатида маҳаллий аҳолидан Шимолий кавказликлар суғорма деҳқончилик тажрибасини ўрганганлар³⁴⁸.

Шунингдек, қувғинлик йилларидаги зулм ва муҳтожлик шароитида кавказликларнинг омон қолишига ва ўзини сақлашига, маҳаллий халқларнинг инсонийлиги, кўмаги ва қўллаб-қувватлашигина ёрдам берган. Бунга сабаб, биринчидан, бу вақтга келиб ўзбек ва қозоқларнинг ўзлари уруш даврида 1 миллионга яқин кишисини йўқотиб, кулфат нималигини ўз бошларидан ўтказган эдилар; иккинчидан, улар кавказликлар кўчирилиб келтирилгунга қадар сургун қилинган корейслар, немислар ва бошқа миллат вакиллари билан тил топишиб, бу халқлар ҳам жабрланган инсон эканликларига тўла ишонч ҳосил қилган эдилар. Учинчидан, чечен ва ингушлар

³⁴⁷ АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1882 а. Л. 9.

³⁴⁸ Белая книга. – Алма-Ата: 1991. – С. 13.

ҳам мусулмонлар бўлиб, диний қоидаларга қаттиқ риоя қилар эдилар ва айтиб ўтганимиздек, улар меҳнаткаш халқ бўлганлар. Қария ва болалар биринчи навбатда тил топишиб, биринчиларни анъана ва донишмандлик бирлаштирган бўлса, иккинчиларни болаликнинг самимийлиги бирлаштирган эди. Бугунги кунга келиб ҳам собиқ махсус кўчирилганлар уларга яхшилик кўрсатган инсонларни миннатдорчилик билан эслайдилар: «...Етти ёшлик Анзор кўрқув билан ишга лаёқатли кишиларни қаёққадир аравалар билан олиб кетишаётганларни кузатиб турар, унинг онаси эса ҳолсизликдан туришга ҳам ҳоли йўқ эди. Бу ерда бошпанасиз, совуқ ва шамолда қолиш эса янада кўрқинчли эди... Шу вақт уларнинг олдиларига баланд бўйли, йирик қозоқ аёли келиб, унинг эғнида узун пўстин, бошида тулки терида шапка бор эди:

– Хўш, кичкина тоғлик, «Қизил Октябрь» колхозига борасизми? – деб сўради. Бу аёл колхоз раиси ўринбосари Нагима эди.

– Бизга касалмандлар керак эмас, бизга ишчи кучлари керак. Қолганлар ҳақида бошқалар қайғурсин, – норозичилик билдирди раис.

– Йўқ, – бош чайқади Нагима, – биз ҳам, улар ҳам инсон. Мен уларни ўз уйимга олиб бораман...»³⁴⁹

«...Олтинчи суткага келиб бизга 200 граммдан ун тарқатила бошланди. Мен ота-онам билан бирга қорамолларга қаровчи бўлиб ишга жойлашдим. Меҳнат куни учун бизга ҳосил яхши бўлса буғдой ваъда қилдилар. Уйдан олиб чиққан унимиз эса йўлда тугаган эди. Агар маҳаллий қозоқлар бизга озиқ-овқат билан ёрдам бермаганларида эди, биз ярим йил ҳам яшай олмаган бўлар эдик...» И.Гедиев пенсионер³⁵⁰.

Шундай қилиб, Кавказ халқлари ўз ватанларидан сургун қилинар эканлар, бу халқлар кўчириладиган ҳудудлардаги ҳокимият органларига олдиндан хабар қилинар эди. Қозоғистон ХКК Марказий қўмитаси Иттифоқ қарорларига асосланган бу халқларни республиканинг вилоят ва туманларида

³⁴⁹ Депортированные в Казахстан народы. – Алматы: 1998. – С. 258.

³⁵⁰ Белая книга. – Алма-Ата: 1991. – С. 82.

жойлаштириш ҳақида тегишли қарорлар қабул қилади. Бу қарорларга кўра, вилоят ижроия кўмиталари ва партия кўмиталарига махсус кўчирилганларни жойлаштириш мажбурияти юклатилади. Шунингдек, улар сургун қилинган халқларга уй-жой қуришлари, бўш уйларни таъмирлаш учун шароит яратиб беришлари керак эди.

Кўриб чиқилган архив ҳужжатлари юқорида кўрсатиб ўтилган қарорлар республика вилоятларининг деярли ҳаммасида маҳаллий ҳокимият муассасалари томонидан тўлиқ равишда бажарилмаганлигидан далолат беради. Бунга сабаб, биринчидан, уруш давридаги иқтисодий қийинчиликлар бўлса, иккинчидан, кўчириб келтирилган халқларнинг ўз ватанларига қайтиш умидида уй-жой қурмаганликлари эди. Натижада улар яшаш учун умуман яроқсиз бўлган жойларда яшаганлар. Бундан ташқари сургун қилинган халқлар учун ажратилган қурилиш материаллари ва озиқ-овқат молларининг баъзи раҳбар шахслар томонидан номувофиқ тарзда ишлатилганлиги уларнинг аҳволини янада оғирлаштирар эди. Шу билан бирга Кавказ халқларининг маданий ва маърифий талаблари ҳам қондирилмаган эди.

1950 йилларнинг ўрталарига қадар уларнинг она тиллари расмийлашмаган ҳолда ман этилиб, бу тилларда китоблар чоп этишга рухсат берилмаган. Махсус кўчириб келтирилган мактаб ёшидаги болалар фақат рус ёки қозок тилида ўқитилиши керак бўлиб, уларга олий ўқув юртларида ўқиш эса умуман ман этилган. Сургун қилинган халқларнинг ҳуқуқий томондан ҳимоя қилинмаслиги натижасида эса уларга бўлган таҳқирли муносабатлар жазосиз қолар эди, уларга нисбатан кўрсатилган яхши муносабат эса, жинойий кўнгилчанлик сифатида баҳоланар эди. Аммо вақт ўтиши билан сургун қилинган халқлар билан ёнма-ён яшаб, уларнинг хурсандчилиги ва кулфатларига ҳамроҳ бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари Шимолий Кавказ халқларининг меҳнаткашлиги, меҳмондўстлиги, яхши урф-одат ва анъаналари билан ажралиб туришларига ишонч ҳосил қилдилар. Айниқса, кексалар ва болалар тезда ўзаро тил топишиб кетдилар.

Сталин вафоти билан, махсус кўчиртирилган халқларга нисбатан давлат сиёсати ҳам ўзгара бошлайди ва уларнинг ҳуқуқларидаги чекланишлар бекор қилинади. Энди улар маҳаллий аҳоли билан бир қаторда тақдирланиб, раҳбарлик лавозимларига тайинлана бошладилар, махсус кўчиртирилган ёшлар эса олий ўқув юртларига қабул қилина бошладилар ва ҳоказо.

Афсуски, сургун қилинган халқларга нисбатан баъзи раҳбар шахслар томонидан «сотқинлар» сифатида таҳқирли муносабатлар кейин ҳам давом этган. Шунга қарамай, Кавказ халқлари зулм ва муҳтожлик шароитида уларга нисбатан инсонийлик муносабатларини, кўмагини аямаган маҳаллий аҳоли вакиллари ҳозирги кунга қадар эслаб, миннатдорчилик билдирадилар. Бунга мисол қилиб 1991 йил 8 март куни Нальчик шаҳрида сургун қилинган халқлар хотирасига бўлиб ўтган митингдан сўнг болқор халқининг Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари Олий кенгашларига юборган талаеграммасини келтиришимиз мумкин: «... митинг қатнашчилари сизнинг халқингизга Кавказ халқларининг ўз ватанларидан сургун қилинган оғир йилларда уларга нисбатан ҳамдардлик билдириб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатганликлари учун чуқур миннатдорчилик билдирадилар»³⁵¹.

³⁵¹ <http://balkariya.narod.ru/>

ХУЛОСА

Турли миллатлар бошига тушган «репрессиялар», 40-йилларда «жазоланган» халқларнинг мажбурий кўчирилиши – тоталитар сиёсатнинг таркибий қисми эди. Шу йилларда қонунга зид тарзда бир қатор миллий давлат автоном тизимларининг йўқ қилиниши ҳам маълум миқдорда Сталин фаолияти билан боғлиқ сиёсатнинг натижаси эди.

40-йилларда «давлат вазифаси» деб номланган мажбурий кўчирилишга 3 011 108 та ҳар хил миллат вакиллари, жумладан, бутун халқлар: ингушлар, чеченлар, немислар, қалмиқлар, болқорлар, месхети турклари ва бошқа халқлар мажбур қилинганлар³⁵².

Тоталитар тузум давлатнинг ҳеч қандай ҳуқуқий нормалари билан ҳисоблашмас эди. Манбалар билан танишиб чиқиш шуни кўрсатадики, бутун бир халққа нисбатан депортацияни қўллаш учун давлатда кераклича асос ҳам йўқ эди, бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Бу халқлар томонидан оммавий сотқинлик ҳаракатлари бўлган деб баҳона қилиш нотўғри бўлиб, агар шундай ҳоллар учраса ҳам ушбу халқларнинг айрим вакиллари қилган эди. Бутун халқ эса қонунбузар, бунинг устига хиёнаткор бўла олмайди, шунинг учун уларга нисбатан жазо қўллаш ҳуқуқий жиҳатдан нотўғридир. Халқларни сургун қилиш каби ишга охирги восита сифатида қараб, бу ишга қўл урган ҳокимиятнинг далиллари асосли бўлиши лозим эди. Бу ерда, улуғ Ватан уруши даврида гитлерчиларга ёрдам беришда ноҳақ айбланиб мажбурий равишда Қозоғистон, Ўзбекистон, Шарқий Сибирь ва бошқа регионларга кўчирилган қорачайлар, қалмиқлар, месхети турклари, чеченлар, ингушлар, болқорлар крим татарлари ва бошқа бир қатор халқлар назарда тутиляпти. Бу ҳаракатлар ҳаммаси Конституцион тамойилларга зид бўлиб, ғайриқонуний равишда бутун бир халқ ҳуқуқини поймол қиларди. Ҳокимият баъзи халқ вакилларига айб қўйгани ҳолда бутун бир халқ

³⁵² Бугай Н.Ф. К вопросу о депортации народов СССР в 30-40-х годах. // История СССР. 1989. № 6. – С. 135.

оммасини аёвсиз жазолади. Яна шуни айтиш керакки, бу қилинган жиноятлар суд органлари томонидан қўйилмай, агентура ва бошқа маълумотлар асосида тасдиқланарди.

Пировардида, СССР Олий Кенгаши Президиуми у ёки бу халқни жавобгарликка тортиш, уларни автоном давлат шаклидан жудо қилиш ҳуқуқига эга бўлмай, бу билан у ўзининг Конституцияда белгиланган ваколатини ошириб юборди.

СССР ички ишлар халқ комиссарлигининг қарори асосида Қозоғистон республикасининг ўзига йўлларда очлик, касаллик ва ўлимга маҳкум этилиб 400 мингдан ортиқ, Ўзбекистонга 100 мингдан ортиқ Кавказ халқлари вакиллари сургун қилинади. Товар вагонларида етиб келганлар республикаларнинг керакли хўжалик тармоқларига тарқатилади.

Депортациянинг оқибати жуда ҳам фожиали бўлиб, 1945 йилнинг ўзида Шимолий кавказликлардан 44 652 киши ўлган³⁵³, 1950 йилга келиб эса бу кўрсаткич 104 903 кишига етган³⁵⁴. Архив ҳужжатларида маълумот берилишича, бунга кўчирилиш жойларидаги яшаш шароити, озиқ-овқат масаласи, тиббий ёрдамнинг йўқлиги ҳам сабаб бўлган.

Сургун қилинган халқларнинг ҳуқуқлари ҳар томондан чекланган бўлиб, 16 ёшдан бошлаб ҳар бир киши яшаш жойидаги махсус комендатурада рўйхатда туриши лозим бўлган. Махсус кўчирилганларнинг ҳар бири ҳар ой уч кун муҳлат ичида рўйхатдан ўтиши шарт эди. Агар бирор киши келмаса, СССР Министрлар кенгашининг қарори асосида қочоқ сифатида айбланиб, Сибирга сургун қилинар эди. Махсус кўчирилганлар белгиланган яшаш жойлари чегарасидан чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Олий кенгашнинг бошқа қарорига кўра, улар «Умрбод кўчирилган бўлиб, ички ишлар министрлиги органларининг рухсатисиз кўчирилиш жойларидан кетганлар 20 йилгача ахлоқ тузатиш ишларига маҳкум этилган»³⁵⁵. Шу билан бирга, қатор қарорлар асосида Шимолий кавказликлар партияга, олий ўқув юртларига қабул

³⁵³ Н.Ф.Бугай. 40-50 годы: Последствия депортации народов (свидетельствуют архивы НКВД – МВД СССР). // История СССР. 1992. № 1. – С. 128.

³⁵⁴ Уша жой. – Б. 140.

³⁵⁵ Изгой общества или без вины виноватые. // Вайнахский вестник. 1994. – С. 4.

қилинмас, улардан фақат қора ишчи сифатида фойдаланилиб, раҳбарлик лавозимларига ҳам кўтарилмас, мукофотланмас ҳам эдилар ва бошқалар³⁵⁶.

Сургун қилинган халқларнинг маданиятига ҳам катта зиён етган эди. Бу халқларнинг она тилида китоб чоп этиш узоқ вақтларгача тўхтатилади, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳалари тушкунликка тушади. Театр труппалари ва бошқа ижодий гуруҳларнинг фаолияти тўхтаб қолади, урф одатлар ва анъаналар аста-секинлик билан унутила бошланади.

Кўчирилган халқларнинг янги кўчирилиш жойларидаги меҳнат жараёни масаласида ҳам улар жуда кўп қийинчиликларга дуч келганлар. Айниқса, бу янги, ўрганмаган шароит билан боғлиқ эди. Сургун қилинган кавказликлардан текин ишчи кучи сифатида кўмир, олтин, ёғоч ишлаб чиқишда, балиқчилик, қишлоқ хўжалик соҳаларида фойдаланилиб, жуда кам ҳолларда улар педагогик фаолият, коммунал хўжаликларга жалб қилинган.

Дастлабки кўчирилиш вақтида Шимолий Кавказ халқларининг ишлаб чиқаришдаги фаолиятлари жуда сустрасилганлигининг сабаблари қуйидагилар билан белгиланади:

- биринчидан, бу халқларнинг катта қисми тарихий ватанларида асосан тоғли ҳудудларда яшаб бирон касб эгаси бўлмаганлиги;
- иккинчидан, республикалар ҳудудига жойлаштирилгач, уй-жой ва озиқ-овқат билан таъминланганликнинг паст даражаси;
- учинчидан, йилнинг совуқ фаслларида иссиқ кийим-кечак ва пойабзалларнинг етишмаслиги;
- тўртинчидан, ниҳоят бу халқларнинг доимо ўз ватанларига қайтиш умидида яшаганликларидадир.

Аммо кейинги йилларда улар аста-секин ишлаб чиқариш жараёнида фаол иштирок эта бошладилар. Буни ҳукумат томонидан ўша халқлардан арзон ишчи кучи сифатида унумли

³⁵⁶ Ўша жой.

фойдаланиш мақсадида моддий рағбатлантириш ва турли касб-хунарларга ўқитила бошлаганликлари билан изоҳлаш мумкин.

Шимолий Кавказ халқларининг жамоа ҳаётидаги иштироки эса чегараланган бўлиб, бунга сабаб уларнинг сургун туфайли ҳукумат томонидан жамиятнинг «ишончсиз» одамлари сифатида кўрсатилиши эди. Аммо шунга қарамай, улар жамоа ҳаётига қизиқиб, турли соҳаларда ўз истеъдодларини кўрсатар эдилар.

Махсус кўчиртирилган халқларнинг болаларини мактабларда ўқитиш, уларга етарли бошланғич таълим бериш ҳам умуман қониқарсиз эди. Бунинг сабабиқуйидагиларда кўринади:

- улар учун алоҳида мактабларнинг очилмаганлиги;
- мавжуд маҳаллий мактабларда дарслар фақат рус ва маҳаллий тилларда олиб борилганликлари;
- маҳаллий тилни билмаганлиги учун, дарсларни ўзлаштира олмаган болаларнинг икки йиллаб синфдан синфга ўта олмай қолишлари;
- совуқ кунларда иссиқ уст ва оёқ кийимлари йўқлиги туфайли мактабга қатнай олмасликлари эди.

Шунингдек, вилоят ва туман маориф бўлимлари томонидан йил давомида уларнинг дарсга қатнашиши ва фанларни ўзлаштириши жараёнига умуман эътиборсизлик ҳоллари бўлган.

«Жазога маҳкум қилинган» бутун бир халқлар бу чораларга рози бўлолмас ва кўника олмай аввалги яшаш жойларига қайтаришни илтимос қилиб, керакли муассасаларга мурожаат этар эдилар. Аммо 1953 йилга қадар бу илтимос ва талаблар умуан ҳисобга олинмади.

50-йилларнинг биринчи ярмида давлатда бўлаётган ўзгаришлар, мамлакатнинг халқаро миқёсда тан олина бошланиши ва дунёдаги демократик жараёнлар иштирокида бўлиш ҳоҳиши депортация қилинган халқларга нисбатан бундай сиёсатнинг ўзгара боришига сабаб бўлди. Сталин вафоти ва Берия фош этилгандан сўнг эса сургун қилинганларга бўлган муносабат ҳам тамомила ўзгаради.

Уларга нисбатан бўлган ҳуқуқий чекланишлар асосан бекор қилинади (рахбарлик лавозимларига кўтариш, олий ва ўрта ўқув юртларига, армияга қабул қилиш ва бошқалар). Энг асосийси депортация қилинганлар устидан бўлган махсус комендатураларнинг чексиз ҳукмронлиги бартараф этилади.

Н.С.Хрущевнинг Қозоғистон республикасига келиб кетиши сургун қилинган халқларда ўз ватанларига тез кунларда қайтиш умидини уйғотади.

1956 йил 24 ноябрда КПСС Марказий қўмитаси қалмиқ, қорачай, болқор, чечен, ингуш халқларининг миллий автономиясини тиклаш ҳақидаги ва ниҳоят, 1957 йил 9 январда СССР Олий кенгаши ва РСФСР Олий кенгаши Президиумининг ЧИАССР автономиясини тиклаш ҳақидаги қарори қабул қилинади³⁵⁷.

Шундан сўнг махсус кўчириб келтирилган Кавказ халқлари оммавий тарзда уйларини сотиб, ишдан бўшайдилар ва ўз ватанларига қайтиш тараддудига тушадилар.

Чечен ва ингушларнинг ўз ватанларига қайтиши кўпгина қийинчилик ва оғир асоратлар билан бўлган. Партия томонидан қабул қилинган халқларнинг сиёсий реабилитацияси моддий ва ғоявий жиҳатдан таъминлаш билан мустаҳкамланмаган эди. Шунингдек, сургун қилинган халқларнинг ерлари бошқа халқлар томонидан эгаллангани тўлиқ равишда эътиборга олинмаган эди. Шу сабабдан ўз ватанларига қайтиб келганлар ва бу ерда яшаётган халқлар билан кўпгина тўқнашувлар юзага келиб, улар орасида кенг миқёсдаги можароларга сабаб бўлади. 1957 йил 8 июнда эса Қозоғистон КП Марказий қўмитасининг қарорига кўра, Шимолий кавказликларнинг ўз ватанларига қайтиши тўхтатилади³⁵⁸. Бу эса республикада янги муаммолар ва кескин вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлади. Чунки махсус кўчиртилганларнинг асосий қисми ўз уйларини сотиб юборган, сотолмаганлар уйларини бузиб, ўтин сифатида пуллаган эдилар. Шимолий Кавказликларнинг бир қисми эса

³⁵⁷ Белая книга. –Алма-Ата: 1991. – С. 10.

³⁵⁸ АПРК. Ф. 708. Оп. 30. Д. 449. Л. 2.

ватанларига қайтишни тўхтатишдан олдин ўз юкларини ЧИ АССРга юборган эдилар.

Шунингдек, бу халқлар мазкур қарорга норозилик билдириб, қатъий равишда ўз ватанларига қайтиб кетиш фикрларини билдирадилар ва оилалари билан темир йўл станцияларига жойлашиб оладилар³⁵⁹.. Фақатгина ҳукумат томонидан ўтказилган тушунтириш ишлари, бу муаммони ечишга бағишланган оммавий-сиёсий тадбирлар туфайлигина бу кескин вазият бир оз юмшайди. Яшаш жойларига қайтганлар уй-жой билан таъминланади, сотилган уйлар эса ўз эгаларига қайтарилади.

Мажбурий кўчирилиш туфайли ўз она юртларидан жудо бўлган Кавказ халқларига қайтиш учун фақат 90-йиллардан сўнг, расман рухсат берилади.

Ҳозирги кунда Шимолий Кавказдаги беқарорликнинг, низоларнинг туб моҳиятини англаш, сабабларидан бирини изоҳлаш учун ҳам депортация воқелигига мурожаат этиш лозимдир.

³⁵⁹АПРК. Ф. 708. Оп. 30. Д. 1639. Л. 2-12.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.- Тошкент: Шарқ. 1998. – 32 б.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХI асрга интиломқда.-Тошкент: Шарқ. 2000. – 352 б.

Манбалар

3. Архив Президента Республики Казахстан. Ф.708. Оп. 8. Д. 97. Л. 37.
4. АПРК. Ф.708. Оп. 8. Д. 113. Л.Л.1-45.
5. АПРК. Ф.708. Оп. 8. Д. 154. Л. 20.
6. АПРК. Ф. 708. Оп. 8. Д. 186. Л.Л. 1-15.
7. АПРК. Ф. 708. Оп. 8. Д. 1322. Л.5.
8. АПРК. Ф. 708. Оп. 8. Д. 1340. Л.Л. 4 – 20.
9. АПРК. Ф. 708. Оп. 8. Д. 1342. Л.28.
10. АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 114. Л.Л.1 – 5.
11. АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 127. Л.82.
12. АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 315. Л.30.
13. АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 316. Л.1.
14. АПРК. Ф. 708. Оп. 9. Д. 1027. Л.Л.9-47.
15. АПРК. Ф. 708. Оп. 10.Д. 203. Л.Л. 8 – 43.
16. АПРК. Ф. 708. Оп. 10.Д. 242. Л.Л. 5 – 196.
17. АПРК. Ф. 708. Оп. 10.Д. 1821. Л.Л. 8 – 52.
18. АПРК. Ф. 708. Оп. 10.Д. 1855^a. Л.Л. 2,84 – 103.
19. АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 203. Л.Л. 18.
20. АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 205. Л.Л. 22-32.
21. АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 255. Л.Л. 1 – 25.
22. АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1807. Л.Л. 58-163.
23. АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1820. Л.Л. 14 – 22.
24. АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1822. Л. Л. 8 – 9,24, 34-39.
25. АПРК. Ф. 708. Оп. 13. Д. 1344^a. Л.Л. 1 – 55.
26. АПРК. Ф. 708. Оп. 15. Д. 1628. Л. Л. 30, 31.
27. АПРК. Ф. 708. Оп. 16/2. Д. 54. Л.Л. 155 – 165.
28. АПРК. Ф. 708. Оп. 16/ 2. Д. 55. Л. Л. 19 – 24.
29. АПРК. Ф. 708. Оп. 16/ 2. Д. 91. Л. Л. 112 – 113.

30. АПРК. Ф. 708. Оп. 26. Д. 304. Л. 5
31. АПРК. Ф. 708. Оп. 27. Д. 211. Л. Л. 38 – 42.
32. АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1339 а. Л.Л. 29 – 141.
33. АПРК. Ф. 708. Оп. 28. Д. 1551. Л.Л. 49 – 51.
34. АПРК. Ф. 708. Оп. 30. Д. 337. Л.Л.2 – 8.
35. АПРК. Ф. 708. Оп. 30. Д. 449. Л.Л.1 – 96.
36. АПРК. Ф. 708. Оп. 30. Д. 1639. Л.Л.2 – 12.
37. АПРК. Ф. 708. Оп. 31. Д. 1597. Л.Л.1 – 23.
38. Центральный Государственный Архив Республики Казахстан. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 355. Л.Л. 7 – 23.
39. ЦГА РК. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 336. Л.Л. 8 – 32.
40. ЦГА РК. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 337. Л.Л. 8 – 74.
41. ЦГА РК. Ф. 1137. Оп. 12. Д. 340. Л. 4.
42. ЦРА РК. Ф. 1208. Оп. 1. Д. 3. Л.Л. 13 – 17, 270.
43. ЦГА РК. Ф. 16 – 92. Оп. 1. Д. 994.Л.Л. 56.
44. ЦГА РК. Ф. 1692. Оп. 1. Д. 996. Л.Л. 1 – 26.
45. ЦГА РК. Ф. 1 987. Оп. 1. д. 1. Л.Л. 181 – 187.
46. ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 4 . Л.Л. 1 – 10.
47. ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 10. Л.Л. 1 – 25.
48. ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 16. Л.Л. 1 – 29.
49. ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 19. Л.Л. 1 – 2.
50. ЦГА РК. Ф. 1987. Оп. 1. Д. 20. Л.Л. 1 – 11.
51. Государственный Архив Алма-Атинской области. Ф. 423. Оп. 1. Д. 178. Л.Л. 137 – 450.
52. ГА Алма-Атинской области. Ф. 423. Оп. 1. Д. 180. Л.Л. 168 – 169.
53. ГА Алма-Атинской области. Ф. 425. Оп. 1. Д. 1548. Л.Л. 1 – 67.
54. ГА Алма-Атинской области. Ф. 499. Оп. 8. Д. 88. Л.Л. 7 – 19.
55. ГА Алма-Атинской области. Ф. 499. Оп. 8. Д. 96. Л.Л. 49 – 53.
56. ГА Алма-Атинской области. Ф. 499. Оп. 8. Д. 100. Л.Л. 1 – 38.
57. ГА Алма-Атинской области. Ф. 499. Оп. 8. Д. 106. Л.Л. 1 – 6.

58. ГА Алма-Атинской области. Ф. 499. Оп. 8. Д. 107. Л.Л. 1 – 37.
59. ГА Алма-Атинской области. Ф. 608. Оп. 6. Д. 50. Л.Л. 6 – 18.
60. ГА Алма-Атинской области. Ф. 685. Оп. 4. Д. 196. Л.Л. 88 – 96.
61. ГА Алма – Атинской области. Ф. 685. Оп. 4. Д. 739. Л.Л. 74.
62. ГА Алма-Атинской области. Ф. 685. Оп. 4. Д. 875. Л.Л. 2 – 105.
63. ГА Алма-Атинской области. Ф. 685. Оп. 4. Д. 969. Л.Л. 1 – 20.
64. ГА Алма-Атинской области. Ф. 1881. Оп. 1. Д. 5. Л.Л. 2 – 79.

Илмий назарий адабиётлар

65. Автарханов А. (А. Уралов). Убийство чечено-ингушского народа. Народо убийство в СССР. – М.: Вся Москва. 1991.- 80 с.
66. Амантаев У.А. К истории политических репрессий в Казахстане. // Сборник материалов «Круглого стола», посвященного Дню памяти жертв политических репрессий. Караганда, 2002. – С. 15-17.
67. Армяне. // [http: / www. legendy.narod.ru./](http://www.legendy.narod.ru/)
68. Белая книга. Из истории выселения чеченцев и ингушей. 1944 – 1957. Вспоминания, архивные материалы, фотодокументы. – Алма-Ата: 1991. – 235 с.
69. Белковец Л.П. Государство и этнос: Российские немцы на спецпоселении в Сибири (1941-1945). – Новосибирск. Наука, 2003.- 18 с.
70. Боков Х. Эхо навозвратного прошлого. // Москва.- 1989.- №1.- С.160-167.
71. Болтина В.Д. Трагедия эпохи. // Звезда Прииртышья. – 1997. – 1 марта (о работе осархива области по сбору документов необоснованно репрессированных в 30-40-х и начале 50-х годов).

72. Болтина В.Д. Депортация. // Звезда Прииртышья. – 1997. – 24 июля (о народах, депортированных в Павлодарскую область в 1939-1941 годах, об их бытовом и трудовом устройстве).
73. Бугай Н.Ф. Правда о депортации чеченского и ингушского народов. // Вопросы истории. - 1990.- № 7- С. 32-44.
74. Бугай Н. Ф. К вопросу о депортации народов в СССР в 30 – 40 х годах. // История СССР. -1989.- № 6.- С. 136-144.
75. Бугай Н.Ф. 40-е годы; автономию немцев Поволжья ликвидировать. // История СССР.- 1991.-№ 2- С.172-180.
76. Бугай Н.Ф. 20-40-е годы: депортация населения с территории Европейской России. // Отчественная история.- 1992.-№ 4- С.37-48.
77. Бугай Н.Ф. 40-50-е годы: последствия депортации народов (свидетельствуют архивы НКВД-МВД СССР). // История СССР.- 1992.-№ 1- С.122-143.
78. Бугай Н.Ф. Гонов А. М. Кавказ: народы в эшелонах. (20– 60-е годы). – М.: Инсан. 1998. – 365 с.
79. Внутренняя политика Казахстана. Межэтнические отношения в Казахстане. // [http:// www. cvi.kz./](http://www.cvi.kz/)
80. Возвращение и промежуточный итог. История и современность: Разница во времени. // [http:// www. svoboda.org./](http://www.svoboda.org/)
81. Гизела Риллер. Кто такие месхетиетинцы? // Зарубежная литература о республиках Средней Азии и сопредельных странах.-Т., 1991. Вып. XXII.- С. 70-72.
82. Депортированные в Казахстан народы. -Алматы: Арыс – Қазақстан, 1998. – 412 с.
83. Догоев В. Квадратура кавказского круга (исчисление прошлым и настоящим). // [http:// www. magazines.russ.ru./](http://www.magazines.russ.ru/)
84. Дональд В. Гридголд. Национализм в СССР и его значение для мира. // Зарубежная литература о республиках Средней Азии и сопредельных странах.-Т., 1991. Вып. XXII.- С.177-181.

85. Земсков. В. Н. Заключение, спецпоселенцы, ссылопоселенцы, ссылие и выслание. // История СССР. - 1991.- № 5.- С.151-165.
86. Ибрагимбейли Х. Необоснованные построения. // Вопросы истории. - 1989.- № 2.-С.187-188.
87. Ибрагимбейли Х. Плоды произвола. // Литературная газета.- 1989 г. 17 мая.
88. Из истории немцев Казахстана. 1921-1975. Сборник документов.-Алматы-Москва: Готика. 1997. – 375 с.
89. Изгой общества или без вины виноватые. // Вайхаский вестник. 1994. 23 февраля.
90. Ким Герман. Депортация. Расселение и обустройство депортированных корейцев в Казахстане и Узбекистане. // [http:// www. world.lib.ru/](http://www.world.lib.ru/)
91. Кокурин И.А. Спецпереселенцы СССР в 1944 году или год большого переселения. // Отчественные архивы. -1993.- №5- С.105-108.
92. Крымские татары в Узбекистане: события и проблемы.// Центральная Азия и Кавказ.- 1999.- №3-4.-С.125-132.
93. Лукьянов В. А вы вернетесь, верьте мне...// Юность. - 1989.- №1-С.68-75.
94. Лурье М., Студеникин П. Запах гари и горя. Фергана, тревожный июль 1989 г.-Москва, 1990.- 84 с.
95. Маъсуа Али-хан. Национализм в СССР поднимает голову. // Зарубежная литература о республиках Средней Азии и сопредельных странах.Т.,- 1991.- Вып. XXII.- С.72-74.
96. Михеева Л.В. Архивные материалы по истории немцев, депортированных в Карагандинскую область Каз. ССР. // Научно –информационный бюллетень. № 2(26).- Москва, апрель-июнь 2001.- С.12-13.
97. Некрич А. Наказанные народы.- Нью-Йорк: Хроника.1978.- 170 с.
98. Национальные репрессии в СССР 1919-1952 годы.-М.: Инсан. – 200 с.
99. Осипов А. Венская встреча по проблемам месхетинских турок. // [http:// www. Rambler-search./](http://www.Rambler-search/)

100. Осипова Т.Т. В интересах будущего. – к 31 мая-Дню памяти жертв политических репрессий. // Понорама Шымкента. 25 мая 2001.
101. От зависимости к независимости. // Вайнах. 1997. № 3 – 4.- С.21-24.
102. Панеш Э.Х., Ермолова Л.Б. Месхетиетинские турки. // Вопросы истории. -1991.- №9-10.- С.212-216.
103. Пиримкулов Ш.Д. Польские школы и детские учреждения в СССР. (1941 - 1946). – Ташкент: Фан. 1990. – 1132 с.
104. Пиримкулов Ш.Д. Поляк фуқаролари Самарқандда. (1941 – 1946). –Самарқанд: Зарафшон. 1999. – 154 б.
105. Полян П. Не по сврей воле... История и география принудительных миграций в СССР. О.Г.И.- Мемориал. – М.: 2001. –326 с.
106. Полян П. Насильственные миграции и география населения России. // [http/ olf.5. esforrssi.ru/](http://olf.5.esforrssi.ru/)
107. Рахмонкулова А. Дарбадарлик. // Фан ва турмуш. – 2001. – №2- Б.21-22.
108. Рахманкулова А. Депортация как инструмент советского тоталитаризма. // Общественное мнение-права человека. – 2001.- №2 – С. 43-46.
109. Репрессированные народы России: чеченцы и ингуши. – М.: 1994.- 260 с.
110. Так это было. Национальные репрессии в СССР 1919-1952 годы. В 3-х томах. – М.: Инсан. 1993. Т. I –336 с., Т II. – 335 с., Т. III –351 с.
111. Текуев А. К. Вернуться в национальном вопросе к Ленину. // Вопросы истории . -1989.- №5.- С.70-72.
112. Тепе. Апрель 1991 года. № 5 Балкарский форум. Информационное сообщение. // [http:// www. balkaria. narod.ru./](http://www.balkaria.narod.ru/)
113. Усманов М. Депортация. // Литературный Киргизистан. 1989. №2.
114. Шотбаков Л.К., михеева Л.В. Архивные материалы по истории репрессированных народов, выселенных в Карагандинскую область. Анализ и систематизация. //

Сборник материалов региональной научной конференции «Проблемы региональной истории Казахстана: время, люди, события». ЕАГУ им. Л.Н. Гумилева. – Астана, 2000. – С. 195-109.

115. Чеченские беженцы готовы переселиться в Казахстан. // [http:// rtvi.ru./](http://rtvi.ru/)
116. Songmoo Rho. Koreansin Sovet Centrak Asia.- Helsinki, 1987. p.162
117. V. Stanley Vardys. The Case of the Grimean Tatars, - “The Pussian Peview”, vol.30, №2, 1971. pp. 101-110.
118. Chantal Lemercier – Quelquejay, The Tatars of the Grimea: A Retrospektive Summery,- CAR, 1968, vol. XVI, №1.pp.15-25.
119. Editor’s Note – Nationalities and Nationalism in the USSR, - “Problems of Communism”, Wash, Sept.-Oct., 1977, vol.XVI, №5,p.I.

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
I боб. Кавказ халқларининг тарихий жойларидан бадарға қилиниши.....	10
II боб. Марказий Осиё республикаларида Кавказ халқларининг ҳуқуқий, ижтимоий- иқтисодий аҳволи.....	31
III боб. Сургун қилинган халқларни уй-жой билан таъминлаш муаммолари.....	49
IV боб. Кавказ халқларининг иш билан таъминланиши ва уларнинг меҳнат фаолиятлари.....	69
V боб. Кавказ халқларининг маънавий ҳаётини ташкил этиш муаммолари.....	91
VI боб. Кўчириб келтирилган халқлар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатлар.....	109
Хулоса.....	118
Фойдаланилган манбалар.....	124

Мухаррир: И. Халилов
Техник муҳаррир: Н. Абдунабиев

«Наврӯз» нашриёти Давлат унитар корхонаси.
Лицензия АИ № 170, 23.12.2009 йил.

Манзил: Тошкент шаҳар 100000, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй.

Босишга 25.04.2012 йилда рухсат этилди. Қоғоз бичими 84х108, 1/32.

Офсет босма усулда. Шартли босма табоғи 8,25.

Нашр босма табоғи 6.

Адади 100 нусха. Буюртма рақами № 19/15.

ХС по ЭЗ и ИСАЛ и ПК матбаа бўлимида чоп этилди.

Манзил: Самарқанд шаҳар, Зиёкорлар кўчаси, 1-уй.